


SHARQ MASH'ALI



Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti
ilmiy-uslubiy, ma'rifiy jurnali

2
2022



Илмий-услубий,
маънавий-маърифий журнал.

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқишунослик
университети

1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)

Бош муҳаррир:

Г. РИХСИЕВА (доц., ф.ф.н.)

Таҳрир хайъати:

Д. САЙФУЛЛАЕВ (доц., т.ф.д.) (бош муҳаррир ўринбосари)
Х. АЛИМОВА (доц., ф.ф.д.) (масъул котиб)
А. МАННОНОВ (проф., ф.ф.д.)
Қ. СОДИҚОВ (проф., ф.ф.д.)
Р. ХОДЖАЕВА (проф., ф.ф.д.)
Ш. ШОМУСАРОВ (проф., ф.ф.д.)
Қ. ОМОНОВ (проф., ф.ф.д.)
У. МУҲИБОВА (проф., ф.ф.д.)
Д. МУҲИДИНОВА (ф.ф.д.)
Х. ҲАМИДОВ (ф.ф. бўйича PhD)
Б. АБДУҲАЛИМОВ (проф., т.ф.д.)
А. ХОДЖАЕВ (проф., т.ф.д.)
М. ИСҲОҚОВ (проф., т.ф.д.)
Х. ФАЙЗИЕВ (доц., т.ф.н.)
Р. ЖУМАЕВ (проф., с.ф.д.)
Ш. ЁВҚОЧЕВ (проф., с.ф.д.)
Н. АБДУЛЛАЕВ (доц., с.ф.д.)
А. ВАХОБОВ (проф., и.ф.д.)
Р. АБДУЛЛАЕВ (проф., и.ф.д.)
И. МАВЛАНОВ (проф., и.ф.д.)
Д. ПЎЛАТОВА (проф., фал.ф.д.)
Р. БАХОДИРОВ (проф., фал.ф.д.)
Э. ИЗЗЕТОВА (проф., фал.ф.д.)
А. ШОНАЗАРОВА (АҚШнинг Колумбия унив. проф.)
Г. ГЛИЗОН (АҚШнинг New Mexico унив. проф.)
ОНО МАСАКИ (Япониянинг Цукуба унив. проф.)
ЛИ ДЖИ ИН (Корея Республикасининг Ханжук чет тиллар унив. проф.)
В. МЕСАМЕД (Исроилнинг Куддус унив. проф.)
А. ГУРЕР (Туркиянинг Анкара унив. проф.)
А. ВОРОБЬЕВ (Россия Фанлар академияси, Шарқишунослик институти катта илмий ходими)
Г. АВДА (Миср Араб Республикасининг Хелвон унив. проф.)
А. ТОҲИР (Миср Араб Республикасининг “Ал-Ҳивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори)
ЛИ СИНЬВЭЙ (Хитой Халқ Республикасининг Шэньси унив. проф.)
Ҳ. БАЙДЕМИР (Туркиянинг Отатурк унив. проф.)

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. ИСМОИЛОВ

А. ЗИЁДОВ

SHARQ MASH'ALI

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА № 2, 2022 йил

Адабиётшунослик	<p>Кенжаева П., Каримова Ш. Кичик жанрнинг катта имкониятлари (Фарид Эдгу ҳикоялари мисолида)3</p> <p>Аҳмет Эрдем. Ота тушунчаси ифодаловчи ўзбек ва турк халқ мақолларининг қиёси..... 11</p> <p>Очилов О. Хитой янги шеърятининг эволюцион шаклланиш хусусиятлари (XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари)... 19</p> <p>Bashirli Ulviya. Educational subjects in the poem “Phoenix” by the azerbaijani folk poet Nariman Hasanzadeh 27</p>
Тилшунослик	<p>Содиқов Қ. Бобурнинг тил билими борасидаги қарашларига бир боқиш («Бобурнома» мисолида)..... 36</p> <p>Азимджанова Д. Роль глагольной лексики в разграничении стилей персидского языка (на примере книжно-письменного и разговорного стилей)..... 44</p> <p>Arzu Iskenderzade. Lexicon of turkic origin in “Jamshid and Khurshid” Masnavi’s language 52</p> <p>Джафаров Б., Арифджанов З. Форс тилидаги туркий ўзлашмаларнинг морфологик мослашуви..... 65</p> <p>Цай Л. Метафорические сравнения с компонентом ~뜻(으) в корейском языке.... 69</p>
Тарихшунослик ва манбашунослик	<p>Исҳоқов М. Мир, Амир ва Мирзо ижтимоий атамалари ҳақида..... 71</p> <p>Арипова З. Ўрта аср Миср хотин-қизларининг ижтимоий ҳаёти..... 77</p> <p>Dilber Jamali. Life and time in Orkhon-Yenisey monuments 89</p> <p>Таджиева Ф. Архив ҳужжатларида Хива хонлиги қулчилик муносабатларига оид маълумотлар 91</p> <p>Гулямова Н. Зардуштийлик (Мазда Ясна) тарихига қисқача назар ва унинг бугунги тақдири ҳақида 95</p>

<p>Л. ҲАМДАМЗОДА Ҳ. СУЛАЙМОНОВА</p> <p>Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан филология ва тарих йўналиши бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.</p> <p>Журнал оригинал-макет асосида босилди. Sharq mash'ali, 2022 йил 2-сон. e-mail: nashriyot@tsuos.uz web-site: www.tsuos.uz Босишга рухсат этилди 30.06.2022. Бичими 84x108 ¹/₁₆ Шартли б.т. 9 100 нусхада босилди. Буюртма № Баҳоси келишилган нарҳда. Тошкент, Амир Темура кўчаси, 20. © Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022 йил Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фаркланиши мумкин.</p>	<p>Халқаро муносабатлар ва иқтисод</p>	<p>Мирзиятов И., Турдиева Д. Жануби-Шарқий Осиёда қадимги диний таълимотлар ва уларнинг жамиятдаги ўрни..... 102</p> <p>Шамсиева И. Искусственный интеллект в образовании: опыт ОАЭ 114</p> <p>Мустофаев М. Приоритеты Узбекистана в рамках Организации тюркских государств (ОТГ)..... 129</p> <p>Давидов У. Ўзбекистон тараққиётини янги босқичида миллий ўзликни англаш ва хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари..... 134</p>
--	---	--

**КИЧИК ЖАНРНИНГ КАТТА ИМКОНИАТЛАРИ
(ФАРИД ЭДГУ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА)****КЕНЖАЕВА ПОШШАЖОН**

филология фанлари доктори, ТДШУ

КАРИМОВА ШАХНОЗА

тадқиқотчи, ТДШУ

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий турк ёзувчиси Фарид Эдгунинг ижоди ҳақида маълумот берилган ва сараланган ҳикоялари таҳлил қилинган. Адибнинг таҳлилга тортилган ҳикоялари “Ав” (“Ов”, 1967), “İşte Deniz, Maria” (“Мана денгиз, Мария”, 1999) номли ҳикоялар тўпламидан олинган. Ёзувчи ижодига таъсир кўрсатган Ғарб ва турк адабиётининг йирик носирлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб, уларнинг услубига хос умумий хусусиятлар тўғрисида тушунча берилган. Хусусан, Фарид Эдгунинг баъзи ҳикоялари жуда ҳам қисқа бўлишига қарамай, улар моҳиятида чуқур фалсафий мазмун мужассамлашгани кузатилади. Бундай асарлар турк адабиётишунослигида “минимал ҳикоя” (“*minimal öykü*”) атамаси билан юритилади. Ф.Эдгу “минимал ҳикоя”ларининг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларда воқеадан кўра ҳолат тасвири муҳим ўрин тутади. Мақолада адибнинг “Жаллоднинг ўлими” (“*Cellad'ın Ölümü*”), “Кутилмаган меҳмон” (“*Beklenmeyen Konuk*”), “Қоронғуликда” (“*Karanlıkta*”), “Кошки” (“*Keşke*”), “Хаёлхона” (“*Hayalhane*”) сингари ҳикоялари тадқиқ этилган. Бу ҳикояларда кичик жанрнинг катта имкониятлари ва ҳаётнинг фалсафий моҳияти очиб беришига ҳаракат қилинган. Шу маънода кичик воқеа ёки ҳолатни кенг тасвир полотносига кўчириши Фарид Эдгу услубининг асосий хусусияти эканлиги хулоса қилинади.

Шунингдек, рамзий сюжет, рамзий образ, рамзий диалоглар, уларнинг янги усубий шаклда ифодаланиши турк модерн ҳикоячилигининг етакчи хусусиятлари ҳисобланади. Фарид Эдгу услубининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у бир қатор ҳикояларида инсон ҳаётидаги фожеа, исён, мурасасизлик ва мурасасозлик каби зиддиятга тўла ҳолатларни бутун мураккабликлари билан ишонарли ёритди. Адиб Шарқ халқлари адабиётига хос мажоздан тасвир воситасида самарали фойдаланиб, мажозий наср услубининг тараққиёти ва шу билан бирга турк ҳикоянавислигида “минимал ҳикоя” (“*minimal öykü*”) жанрининг ривожига улкан ҳисса қўшди. Мақолада Фарид Эдгу ижодини тадқиқ этган турк адабиётишуносларининг фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга оlinиб, айрим ўринларда улар билан баҳс-мунозараларга киришилди. Хулоса қисмида ёзувчи ижоди ва ҳикояларининг ўзига хос жиҳатлари умумлаштирилди.

Таянч сўз ва иборалар: Ғарб адабиёти, турк ҳикоячилиги, Фарид Эдгу, услуб, минимал ҳикоя, жанр, мажоз, модернизм.

Аннотация. В данной статье представлена информация о творчестве современного турецкого писателя Фариды Эдгу и проанализированы избранные рассказы. Анализируемые рассказы писателя взяты из сборников рассказов «Ав» («Охота», 1967), «İşte Deniz, Maria» («Вот море, Мария», 1999). Также кратко упоминаются крупные западные и турецкие литературоведы, повлиявшие на творчество писателя, и дается понятие об общих особенностях их стиля. В частности, несмотря на то, что некоторые рассказы Фариды Эдгу очень короткие, в их сути заложен глубокий философский смысл. Такие произведения в турецком литературоведении называются «минимальный рассказ» («*minimal öykü*»). Важнейшим аспектом «минимальных рассказов» Ф.Эдгу является то, что в них важнее образ ситуации, чем рассказ. В статье рассматриваются такие произведения писателя, как «Смерть палача» («*Cellad'ın Ölümü*»), «Нежданный гость» («*Beklenmeyen Konuk*»), «В темноте» («*Karanlıkta*»), «Если бы» («*Keşke*»),

«Дума» («Хаялхане»). В этих рассказах сделана попытка раскрыть большие возможности малого жанра и философскую сущность жизни. В этом смысле можно сделать вывод, что перенос небольшого события или ситуации на широкое картинное полотно – главная черта стиля Фариды Эдгу.

К тому же, символический сюжет, символический образ, символические диалоги, их выражение в новом методе являются ведущими чертами современного турецкого повествования. Еще одной уникальной чертой стиля Фариды Эдгу является то, что в серии рассказов он убедительно осветил конфликтные ситуации в жизни человека, такие как трагедия, бунт, нетерпимость и непримиримость во всей их сложности. Писатель внес большой вклад в развитие образного прозаического стиля и одновременно в развитие жанра «минимальный рассказ» («*minimal öykü*») в турецком повествовании, эффективно используя метафору, характерную для литературы народов Восток. В статье принято во внимание также мнение турецких литературоведов, изучавших творчество Фариды Эдгу, а местами и вступивших с ним в дискуссию. В заключении были обобщены уникальные аспекты творчества и рассказов автора.

Опорные слова и выражения: Западная литература, турецкое повествование, Фарид Эдгу, стиль, минимальный рассказ, жанр, метафора, модернизм.

Abstract. This article provides information about the work of contemporary Turkish writer Farid Edgu and analyses selected short stories. The stories analysed are taken from the short stories collections "Av" ("Hunting", 1967), "İşe Deniz, Maria" ("Here is the sea, Maria", 1999). The author also briefly mentions major Western and Turkish literary figures who have influenced the writer's work, and gives an idea of the general characteristics of their style. In particular, despite the fact that some of Farid Edgu's stories are very short, there is a deep philosophical meaning in their essence. In Turkish literary studies, such works are referred to as "minimal öykü" (minimal story). One of the most important aspects of Edgu's minimal stories is that they focus more on the situation than on the story. The works such as "Death of the Executioner" ("Cellad'ın Ölümü"), "Unexpected Guest" ("Beklenmeyen Konuk"), "In the Dark" ("Karanlıkta"), "If Only" ("Keşke") and "Thought" ("Hayalhane") are reviewed in this article. In these stories an attempt is made to reveal great possibilities of small genre and philosophical essence of life. In this sense one can conclude that the transfer of a small event or situation onto a large pictorial canvas is the main feature of Farid Edgu's style.

In addition, the symbolic plot, symbolic image, symbolic dialogues, and their expression in a new method are the leading features of modern Turkish storytelling. Another unique feature of Farid Edgu's style is that he has convincingly highlighted human conflict situations such as tragedy, rebellion, intolerance and intransigence in all their complexity in a series of stories. The writer has made a great contribution to the development of figurative prose style and at the same time to the development of the "minimal story" ("minimal öykü") genre in Turkish storytelling, making effective use of metaphor typical of Orientalist literature. The opinion of the Turkish literary critics, who have studied the works of Farid Edgu and have at times engaged in a debate with him, has also been taken into consideration. The article concludes with a summary of the unique aspects of the author's works and stories.

Keywords and expressions: Western literature, Turkish storytelling, Farid Edgu, style, minimal story, genre, metaphor, modernism.

Кириш. 70-80-йилларда турк замонавий адабий жараёнида ғарб модернизми, авангард адабиётига қизиқиш кучайгани кузатилади. Ж.Жойс, Ж.-П.Сартр, А.Камю, Ф.Кафка, В.Вулф асарлари ўрганилди ва таржима қилинди. Модернизм эстетикасига оид илмий адабиётлар ўрганила бошланди. “Турк ҳикоячилигида 1970 йиллардан кейин Ғарб ҳикоячилиги таъсиридаги модернистик, постмодернистик тушунчалар юзага келди;

билвосита анъанавий ҳикоялардан анча фарқли янгича ҳикоя шакли пайдо бўла бошлади”, - деб ёзилади бу ҳақда И.Чешитли, Й.Балжи, Э.Колачлар ҳамкорликда ёзган тадқиқотда.¹

Хусусан, бу давр турк адабиётида жаҳон адабиётининг йирик модерн ёзувчилари қизиқиш билан мутолаа қилиниши билан бирга, уларнинг ижодидан таъсирланиб бир қатор асарлар яратилди. Аҳмад Ҳамди Танпинар, Саид Фоик Абасиёник сингари адиблар ижодида кузатилган модернистик ҳикоя Юсуф Отилган (1921-1989), Ферид Эдгу (1936), Нозли Эрой (1945), Мустафо Кутлу (1947), Селим Илери (1949), Муродхон Мунган (1955) каби ёзувчилар ижодида ривожлантирилди.

Умуман, 60-йиллардан бошлаб, жанрнинг янгича ифода шакллари излаш натижасида ижодкорлар қисман бўлса ҳам модернизмнинг баъзи хусусиятларидан фойдаландилар. Замонавий турк ҳикоячилигида шундай ёзувчилардан бири Фарид Эдгу ҳисобланади. Ёзувчининг илк ижоди турк ҳикоячилигининг йўлбошчи адиби Саид Фоик таъсирида шаклланган. Шунингдек, Ғарб адабиёти, хусусан, Ф.Рабле, Н.Гоголь, Флобер, Стендаль, Бальзак, Виржиния Вулф, Фолкнер, Флобер, Стендаль, Бальзак, Фолкнер, Ф.Кафка, Ж.-П.Сартр, Римбауд, Алфред Жерри, Элуард, Бретон, Мусил, Броч асарлари ҳам Ф.Эдгу учун муайян маънода мактаб вазифасини бажарган.

Мақсад ва вазифа: Замонавий турк ҳикоянавислиги доирасида ҳикоя жанрининг хусусияти ва янгиланиш тамойилларини тадқиқ этиш, хусусан, Фарид Эдгу услубидаги ўзига хос хусусиятлар, ҳикояларидаги образлар олами ва психологияси, модернизм ва постмодернизм йўналишида ёзилган ҳикояларини илмий асослашдан иборат.

1960 йиллардан кейинги давр турк модерн ҳикоячилигининг янгиланиш тамойилларини Фарид Эдгу ижоди мисолида асослаб бериш, шунга кўра замонавий турк ҳикоячилигининг янгиланиш тамойилларига оид илмий-назарий умумлашмалар чиқариш мақола олдига қўйилган вазифа ҳисобланади.

Усуллар: Замонавий турк ҳикоячилигининг янгиланиш тамойиллари, хусусан, Фарид Эдгу ижодини ўрганишда адабий-эстетик, биографик ва психологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза: Замонавий турк ҳикоянавислигининг янгиланиш тамойиллари, шунингдек, йирик ҳикоянавис Фарид Эдгу ижодини ўрганишга бағишланган мазкур мақола натижалари замонавий турк ҳикоячилиги, ундаги шакл ва мазмун кўламдорлиги, адиб ижодига Ғарб ҳикоячилигининг таъсири, янгича тасвир тамойиллари тўғрисидаги фикрларимизни янада бойитади.

Турк адабиётшуноси Й.Эржевитнинг ёзишича: “Турк адабиётида “кафкаёна” хусусиятларни асарларида энг кўп қўллаган ёзувчи, шубҳасиз, Фарид Эдгудир. Эдгунинг Кафкага яқинлиги мотив жиҳатдан аниқлигида ва фикрий ифодада яққол акс этади. Иккала ёзувчининг асарларида ҳам пессимист, ночор инсонлар тасвири, бегоналашган ташқи олам тасвири бир қарашда тушунтириш мушкул бўлган мавҳумликка қаратилган деган таассурот уйғонади”.² Бу фикрни бошқа бир турк адабиётшуноси Н.Тўсун янада ривожлантиради: “Экзистенциализмдаги шахсий хатти-ҳаракатлар, Кафкадаги пессимистик ва хаёлий ёндошувлар барча авлодлар каби Эдгуни ҳам таъсирлантирди”.³

¹ Çetışli İ, Balcı Y, Kolaç E. Cumhuriyet Dönemi Türk Nesri. Anadolu Üniversitesi. Eskişehir-2012. –S.49.

² Ercevit Y. Kurmaca Bir Dünyadan: Yazın İncelemeleri. Gündoğan Yayınları, Ankara-1992. –S.28-29.

³ Tosun N. Ferid Edgu: Düşsel Öyküler / Öykümüzün Kırk Kapısı. Nece Yayınları. Ankara-2013. –S.268.

Хўш, экзистенциализмнинг ўзи нима? Ф.Эдгу ижодининг бу фалсафага қандай алоқаси бор?

“Экзистенциализм фалсафаси, - деб ёзади бу ҳақда адабиётшунос У.Жўракулов, - яшовчанлиги вақт билан чегараланувчи абсурд тушунчасини замон ва макон нуқтаи назаридан мутлоқлаштиришга, унга боқийлик тусини беришга уринади. Луғавий маъноси “мавжудлик” (лотинча “*existentia*” мавжудлик, борлик, ҳаёт демак) бўлган бу фалсафа ҳаётнинг маънисизлиги, яшашга арзимаслигини талқин этувчи таълимот ҳисобланиб, бундай талқиннинг асл моҳияти абсурдизмда ҳадди аълосига етади”(таъкид бизники – П.К.).¹ Демак, экзистенциализм фалсафаси инсоннинг реал ҳаётда яшашидан бирор маъно топмаган инсонни мутлоқлаштиради. Бадиий адабиётдаги экзистенциал қаҳрамон мана шундай фалсафага таяниб яшайди, фикрлайди ва ўлади. Адабиётшуносликда А.Камю, Ф.Кафка, Ж.-П.Сартр қаҳрамонларини экзистенциализм адабиётига нисбатлаш анъанаси мавжуд. Адабиётшунос М.Холбеков Кафка қаҳрамонлари ҳақида шундай фикр билдиради: “Кафка қаҳрамони экзистенциализм руҳи билан суғорилган “маҳобатли кўрқинч” ҳиссини юрагида олиб юришга маҳкум этилган. Айни пайтда “уни босиб олган кўрқув хиссиётининг бепоён кенгликлари” аслида қалбини чулғаб олган ижобий хислат эканлигини яхши тушуниш лозим, чунки бу кенгликларда даҳшатга солувчи кучдан устун турувчи олий хислат, яъни инсонни енгиб бўлмасликка бўлган ишонч мужассамдир”.² Бу ҳам Кафка ижоди, экзистенциал қаҳрамон ҳақидаги бир қараш эканини таъкидлаган ҳолда Ф.Эдгу асарлари таҳлили асосида фикримизни давом эттирсак.

Фарид Эдгунинг “Жаллоднинг ўлими” ҳикоясидаги бош қаҳрамонлар ота ва ўғил. Шу икки қаҳрамон ўртасидаги муносабат ҳикоя сюжетини ташкил этади. Ота - жаллод. Ўз вазифасига тобе давлат ишчиси. Ўғлини ҳам бир касб эгаси бўлиши, хусусан, ўз касбини давом эттиришини хоҳлайди. Жинойтчини қатл этиш (хукми ижро этиш)ни ҳам хизматкорлик, котиблик, давлат магазинларида сотувчилик сингари қонуний бир “лавозим” деб ҳисоблайди. Касбига бўлган муҳаббати шу даражадаки, қатлга буюрилган одамнинг кимлигига ҳам қизиқмайди. Бола эса отасининг истагига кўра бу касбни давом эттиришга мажбур. Аммо фарзанд буни хоҳламайди. Дастлаб уйдан, бора-бора ўзидан қочишга уринади. Бир куни бунинг бефойдалигини англайди ва уйга қайтади. Тадқиқотчиларнинг ёзишича: “Ҳикояда жаллодликдан қочишни истаган, аммо “қисмат” туфайли қоча олмаган, қочиш учун барча чораларни кўрса-да, инсонлар ўзи учун қўйган чегаралар сабабли яна жаллодликка қайтишга маҳкум инсоннинг ички ва ташқи кечинмалари ифодаланади”.³

“Yüreği sıkıştıyordu.

Biliyordum, dedi. Bunun için geldim.

Karşısında yaşlı bir adam duruyordu şimdi. Ak saçlı, ak sakallı, güler yüzlü bir adam. Elinde ona yakışmayan bir kement tutuyordu. Yağlı bir kement.

Yüreği sıkıştıyordu.

İhtiyar yumuşacık bir sesle, Hadi yavrum, dedi, şimdi senin sıran.

Uzat boynunu.

Ama benim oğlum kör ve başka bir oğlan çocuğum yok.

¹ Жўракулов У. Худудсиз жилва.-Т.:Фан, 2006. –Б. 5.

² Холбеков М. Франц Кафка / XX аср модерн адабиёти манзаралари: мақолалар тўплами, мумтоз сўз нашр., Тошкент-2014. –Б.131.

³ Kabaklı A. Türk Edebiyatı. Cilt V. Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları, İstanbul-2002. –S.736.

*Ziyani yok, dedi ihtiyar. Sen uzat boynunu.
Ama yasalar buna engel, dedi o.
Ben, sizin yasalarınızı uygulamıyorum, dedi, ihtiyar,
handiyse sevecen bir sesle. Hadi, uzatma.
Uzatti boynunu.
Yüreği-”¹*

(“Юраги сиқилди.

Биламан, деди. Шунинг учун келдим. Қаришсида кекса қария турарди. Соч-соқоли оқарган, истарали одам. Кўлида эса ўзига ярашмаган арқон билан турарди. Йирик арқон.

Юраги сиқилди.

Қария майин овозда, қани жигарим, энди сенинг навбатинг, бўйнингни чўз, деди.

Аммо менинг ўғлим сўқир, бошқа ўғлим йўқ.

Зиёни йўқ, деди йўқ қария. Сен бўйнингни чўз.

Бунга қонунлар тўсқинлик қилади, деди у.

Мен сизларнинг қонунларингизга бўйсунмайман, деди қария, шафқатли овозда. Қани пайсалга солма.

Бўйинини чўзди.

Юраги.”)

Қанчадан-қанча жинойтчини қонун бўйича қатл этган жаллоднинг хаёлида ўлим фақат ҳукм орқали амалга оширилиши керак. Шу сабабли ҳам у “ўлим фариштаси”га қонунлар ҳақида гапиради, ваҳоланки, ажал ҳеч қандай қонун-қоидага бўйсунмайди. Ҳикоя хулосаси эса “Ажал ҳеч бир инсоний қонунларга бўйсунмайди, ажал фариштаси Яратган буюрган паллада пайсалга солмай инсон жонини олади”, деган ислом шарқига хос фалсафага олиб келади ўқувчини. Бу жиҳати билан Ф.Эдгу ҳикоячилиги ғарб фалсафасидан юқорироқ поғонага кўтарилади. Дунёнинг абсурдлиги ҳақидаги таги пуч қарашларни инкор этади.

Аммо шунга қарамасдан турк адабиётшунослари Ф.Эдгу ижодидан Кафка таъсирини топишга уринадилар. Масалан, Л.Йигит бу ҳақда: “Албатта, ҳар бир ёзувчининг тажрибасида ўзи таъсирланган, авайлаб-асраган баъзи манбалари, маълум бир ёзувчилар ижоди борлиги муқаррар. Эдгу кўплаб мақолаларида Кафка ижоди ҳақида фикр билдиради” деган фикрни айтади.² Ҳолбуки, Ф.Эдгунинг: “Кафка бутун ҳаётини ижодга бағишлаган нодир шахслардан бири ҳисобланади. Унинг асарларида ёлгон-яшиқ, шу сўз, бу ҳикоя, қандай боглиқликда, ким учун, қайси қарашни акс эттириш мақсадида ёзилган деган саволларни бермайсиз. Кафка фақатгина ёзишга тобе. Ҳаётида бошқа нарсага ўрин йўқ” (таъкид бизники – П.К.), деган фикрлари адабиётшуносни тасдиқламайди.³ Чунки ёзувчининг курсивда кўрсатилган сўзларида Кафка ижодидаги бекарорлик, мақсадсизликка нисбатан ироник муносабат аниқ билинади.

Ф.Эдгунинг яна бир ҳикояси – “Кутилмаган меҳмон”ни шу нуқтаи назардан таҳлил этиб кўрайлик:

¹ Edgu F. Cellad'ın Ölümü / Av. (Таржима бизники – П.К.) Yapı Kredi Yayınları, 2 Baskı, İstanbul-2001. –S.93.

² Yiğit L. Ferit Edgü'nün Roman ve Öykülerinde Yapı ve Tema. Yüksek Lisans Tezi. Yüzüncü Yıl Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Van-2007. –S.29.

³ Kabaklı A. Türk edebiyatı. Cilt V. Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları, İstanbul-2002. –S.782. Бу ҳақда қаранг: Edgu F. Şimdi Saat Kaç. 1986. –S.65.

“- Ҳақиқатан ҳам келишимни хоҳлаяпсанми? Чиндан ҳам уйингга киришимни хоҳлаяпсанми? Мендан қўрқмайсанми? – деди.

- Сафсатами бас қил, - дедим. – Бундай ҳавода, ярим тунда қаерга бормоқчисан, қани, ичкарига марҳамат”.¹

Ҳикоя қаҳрамони ўз уйида уйқуга кетаётган маҳал ногоҳон эшик тақиллаб қолади. Биринчи марта эшик ортидан берилган “Ким у?” сўроғига ҳеч ким жавоб бермайди. Эшик иккинчи бор қоқилганда меҳмон ўзини танитади, “дўстингман” дейди. Аммо мезбон уни дўст деб тан олмайди. Меҳмон аразлаб кетмоқчи бўлади. Аммо мезбоннинг узр сўраб ялинишларидан кейин қайтиб келади. Мезбон меҳмонни уйига таклиф этади... Ҳикоя сюжети шундан иборат. Меҳмон мезбонга “эски дўстингман” дейди. Чамаси, муаллиф бу билан туркий халқларга хос қадим меҳмондўстлик анъаналарининг узилиб кетаётганига ишора қилади. Мезбоннинг сўнгги сўзи эса бундай туйғулар одамларни тўла тарк этиб кетмаганини кўрсатади. Рамзий маънода тушунилганда ҳам мазмун унчалик узоқлашиб, турк адабиётшунослари айтганларидек абсурдлашиб кетмайди. Аксинча, инсон кўнглидаги эзгуликни талқин этади. Агар уйни инсоннинг кўнгли, уйқуни эзгу амаллардан узоқлашиш, меҳмонни эса виждон ёки имон деб тушунадиган бўлсак, ушбу ҳикоя ёлғизликда қалби тошга айланаёзган одамнинг ўзлигини топиши тарзида тушунилиши мақсадга мувофиқ. Чунки виждон, иймон деган умумбашарий туйғулар одамни тамомила ташлаб кетмайди. Унинг ниятига қараб эртами-кечми фавқулудда қайтиб келади.

Ф.Эдгунинг дастлабки ҳикояларидаги реал ҳаёт тасвири кейинги асарларида тараккий топиб борди. Ҳаётда эзилган, чорасиз, турли келишмовчиликлар туфайли ёлғиз қолган ва одамларга бегоналашиб бораётган, мақсадсиз ва тушкун кайфиятли қаҳрамонлар ёзувчининг ўша даврлардаги рухий ҳолатини акс эттирган. Бу даврга оид асарларида сюрреализм унсурлари воситасида дунё ва инсон руҳиятини уйғун тасвирлаб, ўз-ўзини излаётган шахс вазиятини акс эттиради. Шахс ва дунё юзлаштирилган бу асарларида ёзувчи глобал ҳақиқатларга рамзлар либосини кийдиради.

“Қоронғуликда” ҳикояси қаҳрамони ўзини доим таъқибда юргандек ҳис қилади. Бир тунда у уйига боришни истамайди. Ҳамиша унга интизор аёлидан узоқларда бўлишни хаёл қилади. Шу тариха “Хаёл ҳикоянинг асосий мавзу даражасига кўтарилади”.² Дарҳақиқат, ҳикоя сюжети, қаҳрамонлари хаёл ва ҳаёт қоришиқлигида тасвирланади. Баъзан қаҳрамонлар воқеликка нотанишдек муносабатда бўлишади. Кечинмалар жараёнини эслай олишмайди. “Қоронғуликда” ҳикояси қаҳрамони ҳам шундай ҳолатни бошдан ўтказади:

“Karşı kıyıdaydım. Nasıl geçtim buraya? Bir sandalla mı. Nasıl? Anımsıyorum. İskelede buldum kendimi. İskeleyle ev on dakika çeker. Çevreme bakındım. Oh! Kimseler yok. Ayağa kalktım. Eve doğru yürümeye başladım.”³

(“Қарши соҳилда эдим. Бу ерга қандай келдим. Қайиқ биланми? Қандай қилиб? Эслай олмадим. Ўзимни пристанда кўрдим. Пристандан уйгача ўн дақиқалик йўл эди. Атрофга алангладим. Эҳ! Ҳеч ким йўқ. Оёққа турдим. Уй томонга юра бошладим.”) Шу пайт қаҳрамон кўзига қандайдир шарпа кўрингандек бўлади. Қаҳрамон буни ҳам идрок этолмайди:

¹ Эдгу Ф. Кутилмаган меҳмон. (Елўқ С, П.Кенжаева тарж). Академнашр. Т-2011. –Б.307.

² Tosun N. Ferid Edgu: Düşsel Öyküler / Öykümüzün Kırk Kapısı. Nece Yayınları. Ankara-2013. –S.270.

³ Edgü F. Karanlıkta / Av (Таржима бизники – П.К.) Yayı Kredi Yayınları, 2 Baskı, İstanbul-2001. –S.33.

“Karanlıktı yol. Ay buluta girmişti. Sallana sallana yürüyordum. Duvarlara tutuna tutuna. Önümden bir karaltı geçti. Az ilerde durup bir an bana baktı. Sonra uzaklaştı. Karanlığın içinde yitti. Ayak sesleri duyulmaz oldu.”¹

(“Йўл зулматга бурканган. Ой булутлар пинжсига кириб олган. Деворларга суюнганча гандираклар борардим. Олдимдан бир шарпа ўтди. Сал нарида туриб бир лаҳза менга қараб қолди. Кейин узоқлаша бошлади. Зулмат ичида зойиб бўлди. Оёқ товушлари эшитилмади.”)

Кўринадики, Фарид Эдгунинг асарлари шахснинг ички изтиробларини бор бўй-басти билан ёритади, инсоннинг барча хатти-ҳаракатларига ташқи муҳит таъсир этишини кўрсатишга интилади. Унинг асарларидаги шахслар салбий оқибатлар таъсири остида чорасизлик, имконсизлик ва алоқасизлик орқасида пайдо бўлган ёлғизликни яшаётиб, ҳаётдан умидларини узмоқчи бўладилар. Аммо икки ҳикояда ҳам оптимистик руҳ ғолиб чиқади. “Қоронғуликда” ҳикояси қаҳрамони тартибсиз ва бешафқат кўчани босиб ўтиб ўз қадрдон уйига томон йўл солади. Аҳмад Ҳирчин (“Йўқолган кун”) эса шифтда осифлик арқондан қочиб “*банафшаранг гуллар очган дарахт тагидаги кулбага қараб*” интилади. Ҳаётдан умид қилади. Кафканинг экзистенциал қаҳрамонлари каби ўлимни танламайди. Яшариш ва ҳаёт гулини танлайди.

Шунинг учун бўлса керакки, турк адабиётшунослигида Ф.Эдгу ижодий методини гоҳ “маҳаллий экзистенциализм”, яъни экзистенциал кайфиятнинг шарқона ечими топилган бадиий метод деб белгиланса, баъзан унинг мураккаб шаклдаги асарларини хаёлий реализмга нисбатлашади. Дарҳақиқат, Фарид Эдгу “идрок этиш ва англаш, ҳис этиш ва сезги ўртасидаги тафовутларни аниқлаштириш нуқтаи назаридан фантастик ёки хаёлий реализм усулини ўзлаштирди”.²

Ф.Эдгунинг баъзи ҳикоялари жуда ҳам қисқа бўлишига қарамай, унинг моҳиятида фалсафий мазмундорлик мужассамлангани кузатилади. Бундай асарлар турк адабиётшунослигида “минимал ҳикоя” термини билан юритилади. “Эдгу минимал ҳикояларида “воқеа”дан кўра инсоннинг лаҳзалик “ҳолат”ига эътибор қаратади, ҳикоя қилиш ва баёнчиликдан узоқлашади”, деб ёзади бу ҳақда турк тадқиқотчиси И.Кулоҳлиўғли.³

Ҳақиқатан, Ф.Эдгу “минимал ҳикоя”ларининг энг аҳамиятли жиҳати, уларда воқеадан кўра ҳолатнинг муҳим ўрин тутишидир. Фақат бир лаҳзалик ҳолат тасвирланган қисқа ҳикоялари билан янги овоз, янги нур, янги нафас ва янги умид олиб кирган ёзувчи янада ишончли, янада ёрқин ва ҳаққоний келажак ҳақида умид уйғотади. Унинг шундай ҳикояларидан бири “Кошки” деб номланади. Ҳикоянинг асоси диалоглардан қурилган бўлиб, бор-йўғи 8та жумладан иборат:

Keşke

- ***Benden hiç yardım bekleme, dedim.***
- ***Kimseden yardım beklediğim, yok. Bugüne değin kendim kazanıp kendim yedim.***
- ***Ama kazandığın başkalarına yetmedi. Bu nedenle de bir yuva kuramadın, bir kadının yok, dedim ona.***

¹ Edgü F. Кўрсатилган асар. –S.33.

² Külahlıoğlu İ.A. Cumhuriyet Dönemi Türk Hikayesi / Yeni Türk Edebiyatı (1839-2000). Edit. Ramazan Korkmaz. Ankara-2015. –S.369.

³ Arı Z. Ferit Edgü'nün Öykü ve Romanlarında Anlatım Teknikleri. Yüksek Lisans Tezi. Gazi Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara-2008. –S.48.

- *O ayrı bir konu, dedi. Yardımla ilgisi yok. Ben boyuma göre birini bulamadım, hepsi bu.*
- *Peki aradın mı?*
- *Hayır, aramadım. Böyle biri olsaydı, o gelip beni bulurdu.*
- *Sen aramadığın sürece kimse seni bulmaz, dedim ona.*
- *Keşke! Oldu aldığıım yanıt.*¹

(Кошки)

- *Мендан ҳеч ҳам ёрдам кутма, дедим.*
- *Ҳеч кимдан ёрдам кутганим йўқ. Бугунгача ўзим топиб, ўзим едим, деди.*
- *Аммо топганларинг боиқаларга етмади. Шу сабабли ўз маконинг йўқ, оила қурмадинг, дедим унга.*
- *Бу алоҳида масала, деди. Ёрдамга алоқаси йўқ. Мен ўзимга мос аёлни учратмадим, холос.*
- *Хўш, изладингми?*
- *Йўқ изламадим, агар менга мос аёл бўлганида у мени топган бўларди.*
- *Ўзинг изламасанг, сени ҳеч ким топмайди, дедим унга.*
- *Кошки! Жавобини олдим ундан.)*

Охирги жумла ҳикоянинг кульминацияси ва хулосаси ҳисобланади. “Кошки” дейди қаҳрамон. Юзаки қараганда бу “кошки” остида “мени ҳеч ким топмаса эди”, деган маъно ётгандек туюлади. Аммо юқоридаги “Мен ўзимга мос аёлни учратмадим, холос” жумласи қаҳрамоннинг шундай аёл уни бир кун келиб топишига ишончини кўрсатади. Йўқса у бунчалик катта умид билан “кошки” демаган бўларди.

Адибнинг бу каби ҳикоялари ҳақида машҳур адабиётшунос Н.Тўсун шундай фикр билдиради: “Фарид Эдгу бутун ижоди давомида фалсафий мазмундаги ифодага (...) содик қолди. Ҳақиқатнинг минг бир юзини очишга, инсонни ўзи ва ҳаёт ҳақиқати билан юзлаштиришга ҳаракат қилади. Ҳар доим шаклий янгиликни янгиликка интилади. Натижада янгилик, модернизм ва экспериментал ҳикоячилигимизда ўзига хос номга эга бўлди”.² Олимнинг фикрида тўла асос бор. Ф.Эдгу ҳеч қандай Ғарб экзистенцияси тарғиботчиси эмас, балки Ғарбга хос бадиий шакл (мазмун эмас)ларни турк адабиёти доирасида эксперимент қилди. Миллий адабиёт ичида янгилик барпо этди. Миллий модернизмга айланди. Аммо мазмун нуқтаи назаридан исломий Шарқ фалсафасидан узоқлашмади.

Адибнинг “Остона”, “Кетиш они” ҳикояларида шарқона ўлим ва ҳаёт фалсафаси рамзлар воситасида реаллаштирилади. Ўлим ҳақида сўз юритилар экан, аслида умрнинг мазмуни хусусидаги улуғвор қарашлар илгари сурилади. Бу бизга Алишер Навоийнинг “Камол эт касбким, олам уйидин, Сенга фарз ўлмағай ғамнок чикмак. Дунёдан нотаом ўтмак биайни, Эрур ҳаммомдин нопок чикмак...” мисраларини эслатади. Ҳикоя қаҳрамонлари ўлимга мана шундай фалсафий қарайдилар. Дунёга келиб ҳеч нарсага эришмаган одамнинг ўлими ҳам ҳеч нарсага арзимади деган фикрни бадиий талқин этадилар.

“Хаёлхона” ҳикояси номига монанд бўлиб, бир лаҳзалик хаёл ҳақида. Ҳар бир санъаткор ижодида хаёллар олами мавжуд, улар шу олам орқали ўз асарларини ҳаётдан бадиийликка кўчирадилар. Хаёл орқали синтез қилинган воқелик асарда бадиий тўқимани юзага

¹ Edgü F. Keşke / İşte Deniz, Maria. (Таржима бизники – П.К.) Yapı Kredi Yayınları, İstanbul-2002. –S.51.

² Tosun N. Ferid Edgu: Düşsel Öyküler / Öykümüzün Kırk Kapısı. Nece Yayınları. Ankara-2013. –S.273.



келтиради. Биз ўйлаган хаёл билан ҳаёт доимо бир-бирига тўғри келавермайди. Ушбу ҳикоя ана шундай ғояни илгари суради:

Hayalhane

- *Niçin kaybolmuş fotoğrafları arıyorsun. Elinde bir makinen var. Görüyorum. Yeni fotoğraflar çeksene. Hatta o kaybolan fotoğrafları.*

- *Ama onlar hayallerimdi.*¹

(*Хаёлхона*

- *Нега йўқолган суратларни қидирясан, қўлингда фотоаппарат бор. Кўрдим. Янги сурат ол. Ҳатто ўша йўқолган суратларни ҳам.*

- *Аммо улар менинг хаёлларим эди.)*

Дарҳақиқат, хаёлнинг суратини ҳеч қандай фотоаппарат қоғозга муҳрлай олмайди. Уни фақат сўзгина суратлантириши мумкин. Бу вазифани Ф.Эдгу сўзлари мукамал даражада бажаради.

Фарид Эдгу содда, тушунарли услубда ихчам, лўнда сўзлар орқали мазмундор лавҳаларни акс эттириши билан рассомлик ва бошқа санъат турларига кизикиши, ҳатто бу борадаги иқтидорини намоён этади. Кичик воқелик ёки ҳолатни кенг тасвир палотносига кўчириш Ф.Эдгу услубининг пойдевори ҳисобланади.

Фарид Эдгу турк адабиётида йўлбошчи ёзувчилар қаторида туради. Анъаналарни инкор этмасдан, фақат анъанавий қолиплар ташқарисидан “янгилик” қидирган ёзувчи бир қанча ҳикоя тўпламларини нашр этгирди. Унинг “Қочоқлар” (1959), “Бузғун” (1962), “Ов” (1967), “Кемада” (1978), “Ҳайқирик” (1982), “Минг бир ҳижо” (1991), “Шарқ ҳикоялари” (1995), “Мана денгиз, Мария” (1999), “Давом” (2001), “До овози” (2002), “Компаслар” (2004), “Нижиниский ҳикоялари” (2007) сингари қатор ҳикоя тўпламлари шу жиҳатлари билан турк адабиётида янги босқич – шарқона модерн насри анъаналарини бошлаб берди.

Хулоса. Биргина лаҳза ифодаси бўлмиш ҳикоялари билан адабиётга янгича овоз, янгича нафас, янги умид олиб кирган Фарид Эдгу яна ҳам инсоний, яна ҳам реал ва ҳақиқий келажакни ёритишга ҳаракат қилади. Унинг адабий асарларида ҳар он янгилашиб турган ҳаётнинг кичик тасвирларини кўрамиз. Кичик воқеа ёки ҳолатни кенг тасвир полотносига кўчириш Ф.Эдгу услубининг асосий хусусияти ҳисобланади. У инсон ва макон бирлигига катта бадиий вазифа юклаб, матнга олиб кириш орқали шахснинг бугунги куни ва бугунги қароргоҳи ҳақида аниқ тасаввур беради. Адиб матн ичи ва матн ташқарисидаги рамзларга бой ихчам ҳикояларида ортиқча тафсилотлардан кечиб, реал ҳақиқат моҳиятини қисқа, лўнда очиб ташлашга муваффақ бўлади. Унинг ҳикояларида «Мен» турли кўринишларда намоён бўлади: «мен» – ҳикоя қаҳрамони; «мен» – ҳикоячи; «мен» – ҳикоя муаллифидир.

Шунингдек, Ф.Эдгу Шарқ халқларига хос мажоз воситасида ҳақиқатни ифодалаш йўлига таянган ҳолда мажозий наср услубига асос солди. Баъзан жониворлар, паррандалар, шарпалар, баъзида эса жонсиз предметларгача Ф.Эдгу учун улкан миллий, шахсий ва умуминсоний муаммолар талқини учун рамзий восита вазифасини бажарди. Умуман олганда, Фарид Эдгу томонидан янги турк ҳикоячилигига олиб кирилган модерн услуби на Ғарб модернизми, на замонавий турк насри анъаналарини такрорламаслиги билан ўзига хосдир. Бундай ўзига хослик ўзининг ментал хусусиятларини замонавий усулда намоён этган шарқона модерн услубида ўз аксини топди.

¹ Edgü F. Hayalhane / İşte Deniz, Maria. (Таржима бизники – П.К.)Yapı Kredi Yayınları, İstanbul-2002. –S.59.



OTA TUSHUNCHASI IFODALOVCHI O'ZBEK VA TURK XALQ MAQOLLARINING QIYOSI

AHMET ERDEM

тадқиқотчи, ЎТАУ

Аннотация. *Maqollar xalqlarning o'tmishdan to hozirgi kungacha bo'lgan axloqiy-madaniy qadriyatlarini, e'tiqodlari, urf-odatlarini va an'analarini o'zida mujassam etgan madaniy boyliklardir.*

Ushbu tadqiqotda turk va o'zbek xalqlarida erkaklarning otalik roli bilan bog'liq maqollar qiyosiy yo'l bilan muhokama qilinadi. Ota tushunchasiga bog'ishlangan o'zbek va turk maqollarining soni juda ko'p ekanligi aniqlandi. Biroq maqolaga topilgan maqollardan ayrimlari kiritilgan.

Maqoladagi "ota" tushunchasini ifodalovchi maqollar o'zbek va turk tillardagi ayrim manbalar va lug'atlardan izlab topildi. O'mer Asim Aksoyning ikki jildlik "Maqol va iboralar lug'ati" (1988) va boshqa maqol lug'atlaridan turk maqollari uchun manba sifatida foydalanildi. O'zbek maqollari uchun "O'zbek xalq maqollari" lug'ati (Turdimov va boshqalar, 2005) asos bo'lib xizmat qildi.

Ota bilan bog'liq har ikki xalq maqollari semantik jihatidan tadqiq qilindi. Natijada "ota" ifodasiga o'zbek va turk xalqlarida o'xshash ma'noga ega muqaddas tushuncha sifatida qaralishi aniqlandi. Har ikki qardosh til uchun ota bilan bog'liq maqollarning o'xshash va farqli tomonlarini o'rganishga harakat qilindi.

Таянч сўз ва иборалар: *O'zbek, maqol, ota, turk, madaniyat.*

Аннотация. *Они являются культурными сокровищами, которые несут нравственные и культурные ценности, традиции, верования, обычаи и традиции народов из прошлого в настоящее.*

В этом исследовании пословицы, связанные с отцовской ролью мужчин в турецком и узбекском обществах, обсуждаются в сравнительном ключе. Было замечено, что количество узбекских и турецких пословиц, связанных с понятием отца, очень велико. Тем не менее, некоторые из пословиц, выявленных в нашем исследовании, были включены.

В некоторых источниках и словарях, как на узбекском, так и на турецком языках, был проведен поиск пословиц, включающих в себя понятие «отец», составляющее основу исследования. Другие словари пословиц, особенно двухтомный «Словарь пословиц и идиом» Омера Асима Аксоя (1988), также использовались в качестве источника турецких пословиц. Для узбекских пословиц использовался словарь узбек халк мақоллари (Турдимов и др., 2005).

Пословицы об отце оценивались с точки зрения смысла для обоих обществ. В результате установлено, что выражение «отец» воспринимается как сакральное понятие со схожими значениями у узбеков и турок. Была предпринята попытка определить сходство и различие пословиц об отце для обоих родственных языков.

Опорные слова и выражения: *узбек, пословица, отец, турок, культура.*

Abstract. *They are cultural treasures that carry the moral and cultural values, traditions, beliefs, customs and traditions of nations from past to present.*

In this study, the proverbs related to the paternity role of men in Turkish and Uzbek societies are discussed in a comparative way. It has been seen that the number of Uzbek and Turkish proverbs dealing with the concept of father is very high. However, some of the proverbs identified in our study were included.

Some sources and dictionaries, both in Uzbek and Turkish, were searched for the proverbs that included the concept of "father", which forms the basis of the study. Other proverb dictionaries, especially Ömer Asım Aksoy's two-volume "Proverbs and Idioms Dictionary" (1988), were also used as a source for Turkish proverbs.



For Uzbek proverbs, the dictionary of *O'zbek Xalq Maqollari* (Turdimov, et al., 2005) was used.

The proverbs about the father were evaluated in terms of meaning for both societies. As a result, it has been stated that the expression "father" is perceived as a sacred concept with similar meanings in Uzbeks and Turks. It has been tried to determine the similarities and differences of the proverbs about the father for both related languages.

Keywords and expressions: Uzbek, Proverb, Father, Turkish, Culture.

Kirish. Xalqlarning asrlar davomida to'plagan hayotiy tajribalarini, qadr-qimmatini, aqliy pozitsiyalarini maqollar orqali ko'ramiz (Artun 2014: 142). Maqollar xalqning yozilmagan tartib-qoidalari ochiq-oydin tushuntirilib, ijtimoiy masalalarning sabablari xolisona ifodalangan adabiyot mahsulidir. (Artun 2014: 143).

Maqollarni o'tmish va hozirgi zamon o'rtasidagi aloqani ta'minlovchi, xalqlarning turmush tarzi, dunyoni talqin qilish va ularning barchasini kelajakka yetkazib beruvchi juda muhim madaniyat manbasi sifatida ta'riflash mumkin. (Chobanog'lu 2004: 335).

Maqollar tilni go'zallashtirib, boyituvchi, jamiyatning an'analari, urf-odatlar va madaniy qadriyatlarini avloddan avlodga yetkazuvchi madaniyat mahsulidir. Maqollarni xalqlarning madaniy-sivilizatsiyasi xotirasi sifatida ham baholash mumkin. Bunday madaniy xotirada maqollar juda muhim o'rin tutadi.

Maqollar o'zbek xalq og'zaki ijodi namunalarida ko'p uchraydi va ular milliy o'zlikni shakllantirish, milliy o'zbek madaniyatini hamisha bardavom saqlash nuqtai nazaridan juda qimmatli manba hisoblanadi.

Har bir jamiyatda ham oilaga katta e'tibor beriladi. Biroq turkiy xalqlar bo'lmish o'zbek va turk xalqlari madaniyatida oilaga ko'proq ahamiyat qaratilishini ta'kidlash lozim. Oilaning eng muhim a'zosi, shubhasiz, otadir. Otaning ayoliga va farzandlariga bo'lgan munosabati, oilasi uchun qilgan sa'y-harakatlari oilada unga qanday hurmat-ehtiroim ko'rsatilishini belgilaydi.

Ushbu maqoladan ko'zlangan maqsad ikki qardosh xalq – turk va o'zbek xalqining madaniy tuzilishi va o'ziga xosligini maqollar orqali tadqiq qilishdir. Turk va o'zbek xalqlari tomonidan "ota" roliga berilgan ma'no maqollar orqali ochib berishga harakat qilingan. Maqolamizda turk va o'zbek jamiyatlarida "otalik" roli bilan bog'liq maqollar ma'no va mazmun jihatdan qiyoslanadi.

Turk va o'zbek madaniyatida otani qadrlash kerakligi, unga hurmat ko'rsatilishi zarurligi, otaning muqaddas ekanligi ekanligi ta'kidlanadi. Ota tushunchasini turk va o'zbek adabiyotining barcha adabiy janrlarida singari maqollarda ham ko'rish mumkin.

Ota tushunchasiga oid o'zbek va turk maqollarining qiyosi

Ota tushunchasi turk va o'zbek maqollarida ko'p uchraydi. Maqolamizning ushbu qismida ma'lum mavzular doirasida ota tushunchasini o'zbek va turk maqollari orqali ma'no jihatdan solishtirishga harakat qilamiz.

Quyida keltiriladigan o'zbek va turk maqollarida otaning yo'l ko'rsatuvchi va muqaddas shaxs ekanligi, unga hurmat va itoat qilish lozimligi qayd qilingan.

Turk xalq maqollari:

"Atasini tanimayan Allah'ini tanimaz" (Otasini bilmagan, Allohni bilmaydi) (Aksoy, 1988:159)

"Ata yolu dog'ru yoldur"(Ota yo'li haq yo'ldir) (Yurtbashi, 1996:25)

"Baba nasihati tutmayan pişman olur" (Ota nasihatini olmagan pushaymon bo'ladi) (Eyüboğlu, 1973:32)

O'zbek xalq maqollari:

Ota o'gli bolsang, Ota nomini baland tut. (Turdimov, vb., 2005:326)

Ota, aql; ona, idrok. (Turdimov, vb., 2005:253)

Ota, bilak; ona, yurak. (Turdimov, vb., 2005:253)

Ota-onasini tanimagan tangrisini tanimas. (Turdimov, vb., 2005:68)

*Turk va o'zbek maqollarida "ota" tushunchasi bilan bog'liq mavzular bir-biriga juda yaqin. Oila uchun otaning ahamiyati, ota-o'g'il munosabatlari har ikki xalq maqollarida ko'zga tashlanadi. O'g'il kuch va so'z egasi bo'lgan otaga bo'ysunishi kerak, degan tushuncha ota-o'g'il ziddiyatlarini yuzaga chiqarishi mumkin. Ota-bola ziddiyatlari quyidagi o'zbek va turk maqollarida tasvirlangan.

Turk xalq maqollari:

"Babayla o'g'lun pabucu bir olunca, evde kavga eksik olmaz"(Ota-bolaning kavushi bir xil (o'lchamda) bo'lgach, uyda janjal chiqadi)(Albayrak, 2009:217).

"Baba (babanin) minderi atestir. Her o'g'ul oturamaz" (Ota ko'rpachasi olovdur, har o'g'il ham o'tirolmaydi) (Albayrak, 2009:218).

O'zbek xalq maqollari:

Ota-bola urishar, og'a-ini yulishar. (Turdimov, vb., 2005:265)

Ota bilan orsiz talashar. (Turdimov, vb., 2005:322)

*Insonning bu hayotda boshidan kechirishi mumkin bo'lgan eng og'ir narsalardan biri otasizlikdir. Otaning ahamiyati quyidagi o'zbek va turk maqollarida o'z aksini topgan. Bundan tashqari, turk maqollarida ota-ona tirik bo'lsa, qalb xotirjam bo'lishi, ijtimoiy hayotda otasiz bola xo'rlanishi, onaning yo'qligi otaning yo'qligidan ham battar ekani ifodalanadi. O'zbek maqollarida otasiz bolaning aytgani inobatga olinmasligi va yegan har luqmasi ham gap-so'zga sabab bo'lishi, yetim bo'lmaguncha otaning qadriga yetmasligi va uning hayot ekanligi farzand uchun farovonlik ekanligi ta'kidlanadi.

Turk xalq maqollari:

Baba öksüzü öksüz değil, ana öksüzü öksüz. (O'zbekcha ekvivalenti: Otasiz yetim gul yetim, onasiz chin yetim)(MY, 274)

Anasız çocuk evde hordur, babasız çocuk çarşıda. (Onasiz bola uyda, otasiz bola bozorda xordir) (NA, 159/1613)

Baban anan sağ; yüreğin karış karış yağ. (Ota-onang sog', og'zi burning yog')(NA, 216/2848)

O'zbek xalq maqollari:

Otasiz o'g'ilning og'zi katta. (Turdimov, vb., 2005:329)

Yetim bo'lmay, ota qadrini bilmas. (Turdimov, vb., 2005:230)

Ota o'g'il, rahmat olur. (Turdimov, vb., 2005:329)

*Turk va o'zbek madaniyatida erkaklarning boshqaruvchilik, ustunlik roli o'z ta'sir kuchini saqlab qolmoqda. O'g'il bo'lib dunyoga kelish va o'g'il farzand ko'rish har ikki madaniyatda ham hurmat-e'tiborli bo'lish demakdir. Odatga muvofiq turk va o'zbek jamiyatlarida o'g'il farzandga nasl-nasabni davom ettirish va ehtiyojlarni ta'minlash bilan bog'liq muhim rollar topshirilsa, qizlarga berilgan qadr-qimmat pasaygan. Shunday qilib, qizlar ikkinchi darajaga tushirilgan.

Turk xalq maqollari:

"O'g'lan do'g'uran övünsün kız do'g'uran dövünsün" (O'g'il tuqan maqtansin, qiz tuqan tizzasini mushtlasin)

"O'g'lum olsun deli olsun, ekmeğ olsun kuru olsun" (O'g'lim bo'lsin, telba bo'lsa ham, non bo'lsin, qotgan bo'lsa.) (Aksoy, 1988:399)

O'zbek xalq maqollari

Qiz tuqqanga muz tug'ar, og'il tuqqanga kun tug'ar. (Turdimov, vb., 2005:279)

Qiyshiq bo'lsa ham, yo'l yaxshi, yomon bo'lsa ham — o'g'il. (Turdimov, vb., 2005:279)

*Quyidagi o'zbekcha va turkcha maqollarda farzandlarning turmush qurishlari ota-onaning jamiyatdagi hurmat-izzati oshishiga qanchalik ta'sir ko'rsatishi yoritib berilgan.

Turk xalq maqollari:

"Alma soysuzun kızını, sürer anasının izini" (Nasli yomondan qiz olma, onasining izidan ketadi)(Aksoy, 1988:142)

"Tarlayı taşı yerden, kızi kardaşı yerden" (Ekin ekiladigan joyni toshli, qizni aka-ukasi bor joydan ol) (Aksoy, 1988:442)

O'zbek xalq maqollari:

Qiz bersang, otasiga qarab ber, qiz olsang, onasiga qarab ol. (Turdimov, vb., 2005:159)

Mato dongi bilan bo'z o'tadi, ota dongi bilan qiz o'tadi, (Turdimov, vb., 2005:225)

Oilaning eng muhim a'zosi shubhasiz otadir. Ota o'z xatti-harakati, bajarayotgan otalik burchi orqali jamiyat tomonidan hurmatga sazovor bo'ladi. Ota oilaning birligi va xavfsizligini ta'minlash, oila ehtiyojlarini qondirish hamda uning bardavomligini tutib turuvchi hokimiyat va kuch egasidir. Quyidagi turkcha maqollarda ota risozi muhim ekanligi, uning haqqi Allohning haqqi kabi muhim va ulug' ekanligi, ota farzandi uchun qalqon ekanligi, otasiz farzand hayotda yo'ldan adashishi ta'kidlangan. O'zbek maqollarida esa ota kuch va aqlni ifodalashi, ota rozi bo'lmagan o'g'ildan Xudo rozi bo'lmasligi, otaning buyrug'i arshdan baland ekanligi, ota tarozi ekanligi, ota ish buyurganida nomozini buzib, unga javob berish mumkinligi aytiladi.

Turk xalq maqollari:

"Ata hakkı ödenmez, helal etmeyince" (Ota haqini ado etib bo'lmaydi, to u rozi bo'lmaguncha) (Albayrak, 2009:188).

"Ata hakkı, Tanrı hakkı" (Ota haqi, Tangri haqi) (Albayrak, 2009:188).

"Ata yığidin kalkanıdır" (Ota yigitning qalqonidir)(Albayrak, 2009:189).

"Atasını terk eden, it peşinde koşar" (Otasini tark etgan, it ortidan yuguradi) (Albayrak, 2009:189).

"Atasız uşak yularsız eşek gibidir" (Otasiz bola yugansiz eshak kabi) (Albayrak, 2009:190).

"Baban anan sağ; yüreğin karış karış yağ" (Ota-onang sog', og'zi burning yog') (Albayrak, 2009:216)

O'zbek xalq maqollari:

Ota, bilak; ona, yurak. (Turdimov, vb., 2005:253)

Ota, aql; ona, idrok. (Turdimov, vb., 2005:253)

Ota bezori, xudo bezori. (Turdimov, vb., 2005:275)

Amri padar, arshdan a'lo. (Turdimov, vb., 2005:160)

Otang tarozi, onang tarozi. (Turdimov, vb., 2005:91)

Otang ishga buyursa, namozingni buzib ayt. (Turdimov, vb., 2005:163)

*O'g'il bolalar va qizlar ota-onalari bilan har xil munosabatlarga ega. Bola onasi bilan iliqroq va samimiy munosabatda bo'lsa, ota bilan masofa saqlagan holda muomalada bo'lishi quyidagi o'zbek va turk maqollarida ifodalangan.

Turk xalq maqollari:

"Çömlek ana yüreği/kalbi, tencere baba yüreği" (Idish ona yuragi bo'lsa, qozon ota yuragidir)(Yurtbashi, 1996:25)

O'zbek xalq maqollari:

Farzand boqqan ota, jonni qoqqan ona. (Turdimov, vb., 2005:38)

*Ota va o'g'il orasidagi munosabat maqollarda aks etgan bo'lib, o'g'il bola otasiga o'shahga urinadi, uni o'ziga o'rnak deb biladi. Otaning farzandiga ta'sirini quyidagi o'zbekcha va turkcha maqollardan bilib olishimiz mumkin.

Turk xalq maqollari:

“Babanın sanati oğula mirastır” (Ota san'ati/kasbi o'g'liga meros) (Aksoy, 1988:478)

“Oğlan babaya, kız anaya yar olur” (O'g'il otaga, qiz onaga do'st bo'ladi) (Yurtbashi, 1996:25)

“Oğlan atadan öğrenir sofrayı açmayı, kız anadan öğrenir biçki biçmeyi” (O'g'il otadan dasturxon ochishni, qiz onadan tikish-bichishni o'rganadi) (Aksoy, 1988:398)

“Keçi nereye çıkarsa oğlağı da oraya çıkar.” (Echki qayerga chisa, ulog'i ham o'sha yerga chiqadi)(Püsküllüoğlu, 2003:121)

O'zbek xalq maqollari:

Ota hunari, bolaga meros. (Turdimov, vb., 2005:141)

Olti kun och qolsang ham, Otang odatini qo'yma. (Turdimov, vb., 2005:156)

Onadan ko'rgan to'n bichar, Otadan ko'rgan o'q yo'nar. (Turdimov, vb., 2005:156)

Ota g'ayratli bo'lsa, Bola ibratli bo'lar. (Turdimov, vb., 2005:156)

*Bola xarakterining shakllanishida otaning ham genetik ham voqea-hodisalarga nisbatan munosabati ta'sir ko'rsatishi har ikki til maqollarida aks etgan:

Turk xalq maqollari:

“Armut dalının dibine düşer” (Nok shoxining tagiga tushadi) (Aksoy, 1988:335)

“Otu kökü üstünde biter” (O't tomirining ustida o'sadi)(Aksoy, 1988:403)

“Meyve ağacından uzak düşmez” (Meva dararxtdan uzoqqa tushmaydi)(Yurtbashi, 1996:25)

“Ağaca (taşa) çıkan keçinin dala bakan (ağaca çıkan) oğlağı olur” (Daraxtga / qoyaga chiqqan echkinning unga qarab turgan ulog'i bo'ladi)(Aksoy, 1988:118)

“Kurttan kurt olur itten it” (Bo'ridan bo'ri, itdan it) (Yurtbashi, 1996:45)

“Anan ırgat, baban ırgat, sende ırgat, senden olanda ırgat” (Onang dehqon, otang dehqon, sen ham dehqon, sendan bo'lgan ham dehqon) (Yurtbashi, 1996:171)

“Atası ne ise (neyse), ötesi de odur” (Otasi kim bo'lsa, bolasi ham shu) (Albayrak, 2009:190).

O'zbek xalq maqollari:

Alp, otadan; zot, onadan. (Turdimov, vb., 2005:141)

Qo'zi qochqordan nishon, o'g'il otadan. (Turdimov, vb., 2005:163)

Ota bo'lish oson, odob berish qiyin. (Turdimov, vb., 2005:161)

*Otaning bolaga ta'sirini ifodalovchi maqollarda ota yaxshi xulqli bo'lishiga qaramay, bolasi badxulq va nomunosib bo'lishi mumkinligi yoki aksincha, yomon otadan odobli va xushxulq bola dunyoga kelishi mumkinligi qardosh xalq maqollarida quyidagicha berilgan.

Turk xalq maqollari:

“Her alimden alim doğmaz” (Har olimdan olim tug'ilmaydi) (Yurtbashi, 1996:66)

“Hayırlı babanın hayırsız evladı” (Xayrli otaning xayrsiz bolasi) (Yurtbashi, 1996:25)

“Ak koyunun kara kuzusu da olur.” (Oq qo'yning qora qo'zisi ham bo'ladi) (Püsküllüoğlu, 2003:20)

“Ala keçi her zaman püsküllü oğlak doğurmaz” (Ola echki hamisha kokilli uloq tug'avermaydi) (Püsküllüoğlu, 2003:21)

O'zbek xalq maqollari:

Ahmoqdan, chaqmoq; donodan, ahmoq. (Turdimov, vb., 2005:272)

Yaxshi bola, otaga quvvat; yomon bola, uqubat. (Turdimov, vb., 2005:163)



*Ayrim o'zbek va turk maqollarida ota qilgan gunoh, qilmishning oqibati bolaning hayoti va xulq-atvoriga salbiy ta'sir ko'rsatishi bayon qilingan.

Turk xalq maqollari:

"Baba eder, o'g'ul öder" (Ota qilar ishni qiladi, bola badalini to'laydi)

"Baba koruk (erik, ekşi elma) yer, o'g'lunun dişi kamaşır" (Ota dovcha yeydi, o'g'lining tishi qamashadi) (Aksoy, 1988:173)

O'zbek xalq maqollari:

Otasi achchiq olma yesa, o'g'lining tishi qamashar. (Turdimov, vb., 2005:315)

*Otaning salbiy xislatlari bolaga salbiy ta'sir qilgani singari, bolaning nomunosib xatti-harakatlari ham otaga qaysidir jihatdan ta'sir ko'rsatishini har ikki til maqollarida uchratish mumkin.

Turk xalq maqollari:

"İyi evlat babayı vezir, kötü evlat rezil eder" (Yaxshi farzand otani vazir qiladi, yomon farzand razil/sharmanda qiladi) (Aksoy, 1988:335)

"Hayırsız evlat, baba ocağına incir diker" (Xayrsiz farzand ota o'chog'iga/uyiga anjir ekadi) (Yurtbashi, 1996:66)

"Kötü evlat atasına, anasına sövdürür" (Yomon bola otasiga onasini so'ktiradi) (Albayrak, 2009:670)

O'zbek xalq maqollari:

Kurash bilmagan otasini yiqitar. (Turdimov, vb., 2005:652)

*Maqollarda ota oilada mulk va meros egasi sifatida tilga olinadi. Turk maqollarida otaning moliga ishonib mehnat qilmasilik noto'g'riligi, odam o'zi ishlashi va mol-mulk orttirishi kerakligi, otadan qolgan meros juda qisqa vaqtda tugashi, otaning do'sti bolaga meros bo'lishi, yomon o'g'il merosni sotib yeyishi ifodalangan bo'lsa, o'zbek maqollarida ota merosi bosh og'rig'iga sabab bo'lishi, otaning dardi ham, kasbi ham o'g'ilga meros bo'lib qolishi aytiladi.

Turk xalq maqollari:

"Ata malı mal olmaz, kendin kazanmak gerek" (Ota moli mol bo'lmas, o'zing topishing kerak)(Aksoy, 1988:159)

"Babadan kalan malın kıymeti bilinmez" (Otadan qolgan molning qadri bo'lmaydi) (Yurtbashi, 1988: 25)

"Babasından mal kalan, merteği içinden bitmiş sanır" (Otasidan mol qolgan taxta o'zidan o'zi tayyor bo'lgan deb o'ylaydi) (Aksoy, 1988:174)

"Babadan kalan malın kıymeti bilinmez" (Otadan qolgan molning qadri bo'lmaydi) (Albayrak, 2009:215).

"İyi oğul katar yer, kötü oğul satar yer" (Yaxshi o'g'il (hissasini molini) qo'shib yeydi, yomon o'g'il (ota molini) sotib yeydi) (Albayrak, 2009:577).

"Ata dostu oğula mirastır" (Ota do'sti o'g'ilga meros) (Püsküllüoğlu, 2003:31)

"Babanın sanati oğula mirastır" (Ota san'ati/hunari o'g'ilga meros) (Püsküllüoğlu, 2003:38)

"Bağ babadan zeytin dededen kalmalı" (Bog' otadan, zaytun bobodan qolishi kerak)(Püsküllüoğlu, 2003:38)

O'zbek xalq maqollari:

Otangning mol-dunyosi bilan qolguncha, onangning pilta-savati bilan qol. Kurash bilmagan otasini yiqitar. (Turdimov, vb., 2005:235)

Bog'da bitgan gilosim, otamdan qolgan merosim. (Turdimov, vb., 2005:235)

Yelka yag'ri otaga meros, ota yag'ri o'g'ilga meros. (Turdimov, vb., 2005:273)

Ota hunari, bolaga meros. (Turdimov, vb., 2005:141)

Turk va o'zbek madaniyatida xotini vafot etgan yoki ajrashgan erkakning boshqa turmush qurishi odatiy hol bo'lsa, eri vafot etgan yoki ajrashgan ayolning qayta turmushga chiqishi joiz sanalmaydi. Maqollarni o'rganish jarayonida o'gay ota ifodasi keltirilgan turkiy maqollarga duch kelinmadi. Quyida o'gay ona bilan yashashga majbur bo'lgan bolalarga hattoki o'z otasi ham yaxshi muomaa qilmasligi mumkinligini ifodalovchi maqollar keltirilgan. O'zbek maqollarida o'gay ota non bermasligi, non bersa jon bermasligi; o'gay otaning baqirishi, jahldor bo'lishi aytiladi.

Turk xalq maqollari:

“Ana analik olursa, baba da babalik olur” (Ona o'gay bo'lsa, ota ham o'gay bo'ladi).

“Ana üvey olunca baba gâvur olurmuş” (Ona o'gay bo'lsa, ota kofir bo'larmish) (Yurtbashi, 1996:24)

“Anası olmayanın babası olmaz” (Onasi yo'qning otasi yo'q) (Yurtbashi, 1996:64)

O'zbek xalq maqollari:

O'gay ota, non bermas; non bersa ham jon bermas. (Turdimov, vb., 2005:268)

O'gay ota o'kirar, yuragidan bo'kirar. (Turdimov, vb., 2005:268)

Kishi o'zi farzandli bo'lgachgina otaning va oilaning qadriga yetishini uqtiruvchi o'zbek va turk maqollari quyida misol tariqasida keltirilgan:

Turk xalq maqollari:

“Ata olmayan ata kadri bilmez” (Ota bo'lmaguncha otaning qadriga yetmaysan)

“Çoluğa çocuğa karışmayan, ana baba kadri bilmez” (Bola-chaqaga aralashmagan otaning qadrini bilmaydi) (Yurtbashi, 1996:25)

O'zbek xalq maqollari:

Ota bo'lmay, ota qadrini bilmas, ona bo'lmay, ona qadrini bilmas. (Turdimov, vb., 2005:235)

*Otaning farzandi necha yoshda bo'lsa ham, unga ko'rsatadigan mehri va fidokorligiga nisbatan farzandlarining otalariga xuddi shu tarzda hurmat-e'tibor ko'rsata olmasligi va itoatsiz munosabatda bo'lishini ifodalab kelgan maqollar har ikkala tilda ham uchraydi.

Turk xalq maqollari:

“Babasına hayrı olmayanın kime hayrı olur” (Otasiga yaxshilik qilmagan kimga ham yaxshilik qilardi) (Yurtbashi, 1996:64)

“Baba oğluna bir bağ bağışlamış, oğul babaya bir salkım üzüm vermemiş” (Ota o'g'liga bog' qoldiribdi, o'g'il otaga bir bosh uzum bermabdi) (Aksoy, 1988:174)

“Bir baba dokuz oğlu (evladı) besler, dokuz oğul (evlat) bir babayı beslemez” (Bir ota to'qqiz o'g'il(farzand)ni boqadi, to'qqiz o'g'il (farzand) bir otani boqolmaydi) (Aksoy, 1988:193)

Ana baba evlat için, evlat kendi başı için. (Ota-ona farzandi uchun, farzand o'zi uchun) (Yurtbashi, 1996:272)

O'zbek xalq maqollari:

Birni bersang otangga, mingni olasan bolangdan. (Turdimov, vb., 2005:268)

Xulosa. Aniqlangan va maqolamizda keltirilgan o'zbek va turk maqollariga nazar solganimizda ota tushunchasi bilan bog'liq quyidagi xulosalarni chiqarish mumkin:

1- Erkakning otalik roli ifodlangan o'zbek va turk maqollarida ota tushunchasiga nisbatan salbiy qarashga duch kelinmadi. Namuna sifatida keltirilgan maqollarda ota shaxsiyati ijobiy ifodalar bilan ulug'langan.

2- Har ikki madaniyatda qiz va o'g'il farzandlarning turmush qurishi jarayonida otaning gapi ahamiyatli ekanligi maqollarda keltirilgan.



- 3- Otaga itoat qilishning ahamiyatli ekanligi har ikki xalqning maqollarida o'z aksini topgan.
- 4- Ham o'zbekcha, ham turkcha maqollarda ota-o'g'il munosabati uchraydi, o'g'il farzand otani o'rnak sifatida ko'rishi ta'kidlangan.
- 5- O'zbek va turk madaniyatida ota-qiz munosabatlarini ifodalagan maqollar ota-o'g'il munosabatini ko'rsatib keluvchi maqollardan son jihatidan anchayin kam ekanligi kuzatildi.
- 6- Otaning nojoiz xatti-harakatlari kelajakda bolasiga ta'sir ko'rsatishi mumkinligi qardosh xalqlar madaniyatida bir xil shaklda o'z aksini topgan.
- 7- Pul, mol-mulk timsoli bo'lgan ota har ikki xalq maqollarida ham o'xshash shaklda berilganligiga guvoh bo'lish mumkin.
- 8- Befarq va ota-onasiga hurmatsiz bo'lgan farzandlarga nisbatan salbiy qarashlarni har ikki xalq madaniyatida ham kuzatish mumkin.
- 9- "Ota" tushunchasi ifodalangan maqollarda har ikki xalq madaniyatida ham otaga nisbatan ijobiy qarash borligi aniqlandi .

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

- 1- Aksoy, Ömer Asım, Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü-1/ Atasözleri Sözlüğü, İnkılap Kitabevi, İstanbul, 1988
- 2- Aksoy, Ömer Asım, Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü-2/ Deyimler Sözlüğü, İnkılap Kitabevi, İstanbul, 1988
- 3- Albayrak, Nurettin, Türkiye Türkçesinde Atasözleri, 1. bs., Kapı Yayınları, İstanbul 2009.
- 3- Artun, Erman (2014), *Türk Halk Edebiyatına Giriş*, 9. Baskı, Adana, Karahan Kitabevi.
- 3- Eyüboğlu, E. Kemal, On Üçüncü Yüzyıldan Günümüze Kadar Şiirde ve Halk Dilinde Atasözleri ve Deyimler, Doğan Kardeş, İstanbul, 1973
- 4- Püsküllüoğlu, A. (2003). Türk Atasözleri Sözlüğü. Ankara: Arkadaş.
- 5- Turdimov, S. vb. (2005). O'zbek Xalq Maqollari. Toshkent: Sharq nashriyoti.
- 6- Yılmaz, Y. Sarı, Hatice. (2015). Türk Atasözlerinde Akrabalık Adlarının Kullanımı. Rumelide, Dil ve Edebiyat Araştırmaları Dergisi, 2, 1-20.
- 7- Yurtbaşı, Metin, Sınıflandırılmış Türk Atasözleri, Mem Ofset, Ankara, 1996.



ХИТОЙ ЯНГИ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЭВОЛЮЦИОН ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (XIX АСРНИНГ ОХИРИ XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)

ОЧИЛОВ ОЗОДЖОН

тадқиқотчи, ТДШУ

Аннотация. Хитойда ҳукм сурган империализмнинг сўнги йилларида юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар адабиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, шеъриятда инқилоб даражасидаги ҳаракатлар юзага кела бошлади. Бу жараён қисқа давр ичида бир нечта босқичларда баъзан муваффақиятли, баъзан муваффақиятсиз тарзда амалга оширилди. Шеърият эски анъаналардан воз кечиб, имкон қадар халққа яқинлашиши сари борди. Катта қаршиликларга учрасада шеъриятда

умумхалқ тили бўлган байхуадан фойдаланиши кенг тус олди, ритм, қофия, умуман мумтоз шеърятга хос бўлган хусусиятлардан воз кечиши провард мақсадга айланди. Шеърнинг шакли эмас, балки унинг гоёси, мазмун-моҳияти муҳим эканлиги биринчи планга чиқди, унинг бадиий-эстетик қимматига путур ета бошлади. Мақолада хитой шеърятини инқилобининг эволюцияси ва унда иштирок эткан адиблар ва мактабларнинг ҳиссаси ҳақида сўз боради.

Таянч сўз ва иборалар: янги шеърят, шеърят инқилоби, байхуа, эволюция, адабий мактаблар.

Аннотация. Социально-политические изменения, происшедшие в последние годы империализма, господствовавшего в Китае, отразились и на литературе. В частности, в поэзии стали зарождаться революционные движения. Этот процесс осуществлялся в короткий срок в несколько этапов, иногда успешно, иногда безуспешно. Поэзия отказалась от старых традиций и максимально приблизилась к народу. Несмотря на большую оппозицию, использование байхуа, общего языка в поэзии, получило широкое распространение, а отказ от ритма, рифмы и черт, характерных для классической поэзии в целом, стал провардной целью. На первый план выступила не форма стихотворения, а его идея, его сущность, которая стала подрывать его художественную и эстетическую ценность. В статье рассматривается эволюция китайской поэтической революции и вклад писателей и школ, участвовавших в ней.

Опорные слова и выражения: новая поэзия, поэтическая революция, байхуа, эволюция, литературные школы.

Abstract. The socio-political changes that have taken place in the last years of the imperialism of China have also had an impact on literature. Particularly, there were some activities equal to revolution in poetry. This process was carried out in a short period of time in several stages, sometimes successfully, sometimes unsuccessfully. Poetry has abandoned old traditions and moved closer to the people as much as possible. Despite strong opposition, usage of bayhua, common language of the people, did not stop to spread in poetry. Moreover, abandonment of rhythm, rhyme and other features of typical classical poetry became a primary goal. It was not the form of poem, but its idea, its essence, that came to the fore, which began to undermine its artistic and aesthetic value. This article discusses the evolution of Chinese poetry revolution and the contribution of the writers and schools that participated in it.

Keywords and expressions: new poem, poetic revolution, baihua, evolution, literary schools.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари Хитой жамиятида рўй берган чукур ўзгаришлар билан ҳамоҳанг тарзда хитой шеърятига ҳам улкан эврилишлар юзага келган давр бўлди. Жу Зэчинг таъкидлаганидек, шеърят замон ўзгаришларини тез пайқайди ва буни ўзида баралла акс эттиради. Шеърят замон билан бирга юради, ҳаттоки ортидан эргаштиради ҳам”¹. Олдинга илдамлаш, янги воқеликлар, кашфиётлар, ихтироларнинг пайдо бўлиши, янгича тафаккурнинг кириб келиши, реал ҳаёт ва инсонлар ҳис-туйғуларидаги мураккаб ўзгаришлар қатъий қоидаларга асосланган мумтоз шеърятни ортиқ давом эттириш имкониятларини йўққа чиқара бошлаган эди. Ма Жюньву “Танг, Сунг, Юан, Минг даврларига эътибор қилманг, авангард шеърятга тақлид қилинг. Эскидан янгига ўтмоғимиз керак...”² каби фикрларни ўртага ташлади. Шу тариқа даврнинг аксарият адиблари шеърятда ўзгаришлар бўлишини қўллаб-қувватлашди, бирин-кетин янги мактаблар, янги ҳаракатлар юзага кела бошлади.

¹ 朱自清：《今天的诗》，选择陈绍伟：《中国新诗集序跋选（一九一八-一九四九）》湖南文艺出版社，1986年版，第454页。

马君武：《寄南社同人》，收入《南社诗集》第3册。

Хитойда “шеърият инқилоби”нинг бошланиши бўйича одатда уч хил қарашлар мавжуд: биринчи, энг дастлаб “Янги билим шеърияти” (“新学诗”) ғоясини илгари сурган Жу Зичинг қарашлари билан боғлиқ¹. Иккинчиси, “Янги оқим шеърияти” (“新派诗”), бу ном дастлаб Ху Ши томонидан таклиф этилган бўлиб, унинг ёзишича, Хуан Зунсяннинг 1868 йил ёзилган “Уйқаш туйғулар” 《杂感》 шеърини шеърият инқилоби бошланганлигининг эълони деб ҳисоблаш мумкин.² Учтинчиси, 1899 йил Лянг Чичао томонидан расман илгари сурилган “Шеърият инқилоби” (“诗界革命”) шиори³ билан боғлиқ эди.

Дастлаб Лянг Чичао, Ся Цэнзуо, Тан Сэтонг тез-тез Пекинда йиғилишиб шеъриятни ислоҳ қилиш бўйича муҳокама ва мунозаралар ўтказиб туришган.⁴ Бу оқим шеъриятнинг асосий хусусиятларидан бири шеъриятга “янги отлар”ни яъни от сўз туркумига оид янги лексикани олиб кириш орқали бошқа оқимлардан фарқланиб туришга уринишда эди. Улар асосан Буддизм, Конфуцизм ва Христианликнинг муқаддас китобларидан олинган сўзлардан фойдалана бошлашди. Бундай сўзлар хитой тилига асосан фонетик жиҳатдан ўзлашган ҳамда рамзий маънога эга эканлиги билан махсус изоҳларсиз тушуниш мушкул бўлган. “Янги билим шеърияти”ни тушуниш қийин бўлсада, бу оқим етакчилари мураккаб сиёсий, маданий, тарихий вазиятга қарамасдан тинимсиз равишда фикр эркинлигига, янги ғояларини илгари суришга интилишарди. Буни Лянг Чичаонинг хотираларидан англаш қийин эмас: “Биз биргаликдаги фаолиятимиз даврида олдинги илм аҳлига қарши бўлдик, уларга хайрихоҳ бўлмадик, балки улардан нафратландик...Биз ўша пайтларда Хитойнинг Хан сулоласидан кейинги илми аркони мутлақо керак эмас, хорижнинг илми маъқул, деб ҳисоблардик. Мадомики, бизга Хан сулоласидан кейинги давр керак эмас экан, унгина бўлган барча дин ва фалсафий оқимларнинг муқаддас китоблари ва мутаффакирларининг илмий меросини дастурил амал қилиб олдик; хориж илми маъқул дея ҳисобласакда, уни тушунмас, ўқий олмас эдик, бор-йўғи бир нечта диний таржима китоблар бўлиб, уларни бебаҳо кўрар эдик. Бунинг устига бизнинг субъектив ғояларимиз — дин бўлиб дин бўлмаган, фалсафа бўлиб фалсафа бўлмаган, фан бўлиб фан бўлмаган, адабиёт бўлиб адабиёт бўлмаган ғалати ва абсурд ғояларимиз келиб қўшилди. Юқорида санаб ўтилган барча унсурлар ўзаро қоришиб “Янги билимлар шеърияти” деб аталмиш ҳаракатни ташкил қилди”⁵. Диний-фалсафий мазмунга берилган бу ҳаракат янгиликка интилаётган авангард ёшлар томонидан қабул қилинмади ва у секин асталик билан ўз аҳамиятини йўқота борди. Шундай бўлсада, бу ҳаракатни шеърият инқилобининг бошланиши эди деб баҳолаш мумкин. Улар хитой шеъриятига биринчи бўлиб Европа адабиётидан иқтибослар олиб кирди ва янги услуб яратишди. Улар шу орқали кенг кўламли “Шеърият ислохоти”га ўз ҳиссаларини қўшишди.

“Янги оқим шеърияти” (“新派诗”) мактабига мансуб шоирлар нисбатан кўпчиликни ташкил қилиб, асосан ватанпарварлик ғояларини ифода қилувчи шеърлар ёзишди. Бу

¹ 朱自清：《论中国诗的出路》，载《中国文学月刊》，1933年第1期。

² 胡适：《五十年中国之文学》，见《胡适文存》，第二集，136页，上海，亚东图书馆，1924。

³ 陈建华：《晚清“诗界革命”发生时间及其提倡者考辨》，见《中国文学丛考》，第1辑，335页，上海，复旦大学出版社，1985。

⁴ 梁启超：《亡友夏穗卿先生》，载《晨报副刊》，1924年4月29日。

⁵ 梁启超：《亡友夏穗卿先生》，载《晨报副刊》，1924年4月29日。

оқимда Хуан Зунсяндан ташқари Канг Ёвей, Жянг Жэ-ё, Чю Фэнгжя, Чю Вэй-ай, Май Мэнгхуа, Ди Баосян каби шоирлар ҳам ижод қилишди. Бу оқимнинг асосий хусусияти маълум даражада мумтоз шеърятнинг қофия ва шаклий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ўз ғояларини ёйишга ҳаракат қилишди. Бу йўналиш шоирлари ҳам анъаналарга тўла барҳам бераолишмади.

Лянг Чичао “Янги билимлар шеърятини” оқимидан ажраб чиқиб, “Шеърят инқилоби” шиорини ўртага ташлади. Унинг асосий ғояси шакл жиҳатдан анъанавий шеърят услубини сақлаб қолган ҳода янги образлар яратиш, янги ғояларни илгари суриш, янги гап тузилишидан фойдаланиш, янги лексикадан фойдаланиш каби қарашлардан иборат эди. Бу эскилик ва янгилик ўртасида кучли қарама-қаршиликни келтириб чиқарди ва бу ташаббус ҳам юқоридагилар каби муваффақият қозона олмади. Шундай бўлсада Лянг Чичао илгари сурган ғоялар кейинги тўлқинларнинг юзага келишига сабаб бўлганлигини кузатиш мумкин.

XX асрнинг бошларига келиб ижтимоий таназзул жиддий тус олди, инқилоб ғоялари жаддаллашиб бораверди. Илғор зиёли қатлам бундай пайтда адабиётни ислоҳ қилиш заруриятини янада чуқурроқ англаб етишди. Тилдаги ўзгаришлар табиий равишда шеърятнинг ҳам эврилишини келтириб чиқарди. Гонг Жиэнь, Лянг Чичао каби шоирлар оғзаки нутқ ва от сўз туркумига оид янги сўзларни шеърятга киритди, Хуанг Зунсян “Оғзим айтганини кўлим ёзади” шиори асосида ижод қилди, Ма Чюнвунинг шаклан эркин бўлган шеърятини пайдо бўлди. Уларнинг шеърятини қадимги хитой шеърятини анъаналарини йўққа чиқара бошлади. Яна бир нарса аҳмиятга молик, империянинг сўнгги йилларида шеърят фольклор кўшиқларнинг ритми, лексикаси, тили, қофия эркинлиги, гап тузилиши, халқоналиги каби хусусиятларини сингдира бошлади. Бу адабиётдаги улкан “ўтиш даври” эди. “Байхуа”да шеър ёзишни ақлга сиғдириб бўлмас, ҳаттоки кечириб бўлмас хато ҳисобланган замонда янги шеърятни ислоҳ қилиш анча мураккаб ҳодиса бўлишига қарамай, бир қатор ижодкорлар ўз қарашларини баралла айтишни бошлади. Айрим ижодкорлар Лю Язининг қарашлари ортидан эргашди: “Адабиёт инқилоби, инқилоб бизнинг сийратимизда, суратимизда эмас. Сурат эскича, сийрат янгича бўлиши даркор...шеърини асарларнинг манбаси бир аммо ўзани бошқадир”. Янги замон тафаккури ва инқилоб руҳияти зимдан етилиб келаётган бўлсада, тил ва классик қоидаларни сақлаб қолишга қуршаётганлар ҳамон кўп бўлиб, янги шеърятни, янги мазмун, янги руҳият, янги услубни оммалаштириш мураккаб кечди. Эски услуб, эски шакл ёрдамида янги мазмун ифодалашга уринишлар шиддат билан борди, амалда муваффақиятсизликка учради. Шундай бўлсада, Лонг Чуанминг таъкидлаганидек, янги мазмун эски қолипларда берилиши билан бир қаторда шеърят аста секинлик билан янги шакл томон ҳаракатланаётган эди¹.

Империянинг сўнгги йилларида давом этган “Шеърят инқилоби” гарчанд классик шаклдан воз кечишга эриша олмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда шеърятга янги термин ва атамалар, чет тилидан ўзлашган сўзлар, байхуа тили элементларининг кириб келиши унинг ҳар томонлама эркинлашиши, ўзгаришига замин яратди. Фольклор кўшиқлар, болалар шеърятига эътиборнинг кучайиши ва улардан кенг тарзда фойдалана бошлашнинг натижасида хитой шеърятининг олий насаб одамларгагина хослик тенденцияси завол топишига олиб келди, халқ адабиётининг уйғониши ва байхуа

¹ 龙泉明：《中国新诗流变论 1917-1949》，人民文学出版社，1999 年版，第 20 页。

шеъриятнинг пайдо бўлишига йўл очилди¹. Умуман айтганда бу инқилоб қайсидир маънода сўнги Чинг сулоласи шоирлари учун туртки ва замонавий шеърият томон ташланган дастлабки кадам бўлди.

Янгича кўриниш олаётган хитой шеърияти мумтоз шеъриятнинг қонуниятлари, вазни, қофия тузилиш, тили ва шаклини рад этиб, эркинлашиш, оммабоплашиш ва прозаиклашиш томон илдамлаб борарди. Чинг империясининг сўнги йилларида рўй бераётган “Янги шеър инқилоби”нинг яратувчилари шеърият ислохотларининг аҳмиятини англаб етишган бўлсада, лекин уларда ҳамон янги шеъриятнинг аниқ қандай бўлиши кераклиги борасида пухта режалар йўқ, тўлиқ тасаввур ҳам шаклланмаган эди. Янги шеъриятнинг ҳақиқий холоскори сифатида “Байхуа шеърияти” пайдо бўлди. Айниқса Ху Ши илгари сурган ғоялар бунга катта туртки бўлди: “вазни ўйламанг, оҳангларга бош қотирманг, бўғинлар қисқа-чўзиқлигини унутинг, қандай ёзгингиз келса, ўшандай ёзинг”². Айнан мана шу ундов том маънодаги янги шеърият пайдо бўлишига дастлабки муҳим туртки бўлиб, хитой шеъриятининг замонавий шеърият томон муҳим ва дадил кадам ташлаши учун замин яратди. Байхуада ёзилган шеърлар кескин кўпайди, ким қандай хоҳласа шундай ёзишни бошлади, натижада шеър ҳам шаклан ҳам мазмунан эстетик моҳиятини йўқота бошлади. Замонавий шеъриятни қутқариш, уни ўз йўлига солиш ҳаракатлари бошланиб кетди. Вэн Эдуо каби адиблар Англия ва Америка замонавий шеъриятининг манбааларини ўзлаштира бошлашди, хитой ва европа шеърият санъати анъаналарини умумлаштиришни йўлга қўйишди. Лекин бундай ташаббуслар беқарор даврда тезда муваффақисизликларга учрарди, шу тариқа янги шеърият ғоялари секинлик билан уйғониб борарди. Кийинчалик “Инқилоб адабиёти”нинг пайдо бўлиши унинг олдида янги оммабоплашиш талабини қўйди. Бу талаб Совет пролетар адабиёти қарашлари ва реализм ижод усулларининг ўзлаштирилиши билан амалга оша бошлади. Шеъриятнинг оммабоплашиши унинг халққа янада яқинлашувига олиб келди. Шу тариқа бу давр шеърияти инқилоб руҳиятини ёритиш, халқни янги даврга нисбатан иштиёқини ифодалаш, уларни руҳлантириш йўлидан кета бошлади.

1919 йил амалга оширилган “4 май” маданият ҳаракати тафаккур озодлигининг буюк инқилоби бўлди, дейиш мумкин. Бу айнан янги шеърятда эркинлик, халқчиллик каби принципларнинг тўла-тўқис намоён бўлишига катта туртки бўлди. “Янги адабиётнинг тили байху, янги адабиётнинг жанри эркин, қоидалардан холи”³, деган эди Ху Ши. Унинг “Қандай сўзласанг, шеърни шундай ёз” шиорининг аҳамияти ошди, шеърнинг ҳамма учун тушунарли бўлиш кераклиги асосий мезонга айланди. Ху Шининг шиори ортидан Лю Баннонг, Шэн Эмо, Юй Пингбо, Лю Дабай, Канг Байчинг, Жоу Зуорэн, Жу Зичинг каби адиблар бирин-кетин байхуада шеърлар ижод қилишни бошлади: 《鸽子》 (“Кабутар”), 《人力军夫》 (“Кучли аскар”), 《相隔一层纸》 (“Ажратиб турар қоғоз”), 《月夜》 (“Ойли тун”), 《一念》 (“Лаҳза”) каби шеърлар шулар жумласидандир. Бу қаторлик байхуада битилаётган шеърлар классик шеъриятнинг қонун-қоидаларига вэнянь қолипларига барҳам бера бошлади. Ху Ши бу ҳақда фикрларини давом эттириб, шеърнинг бўғинлари табиий бўлиши, қофиябозлик қилмаслик, қиммат камтарликда, безакда

¹ 龙泉明：《中国新诗流变论 1917-1949》，人民文学出版社，1999 年版，第 84 页。

² 胡适：《胡适文集》第三卷，人民文学出版社，1998 年版，第 133 页

³ 胡适：《胡适文集》第三卷，人民文学出版社，1998 年版，第 133 页。

эмаслигини таъкидлаган эди.¹ Байхуа янги шеърияти яшин тезлигида ривожлана бошлади ва энг машхур ҳисобланган 《新青年》 (“Янги ёшлар”), 《新潮》 (“Янги тўлқин”), 《少年中国》 (“Хитой ёшлари”), 《星期评论》 (“Ҳафта мунозараси”) каби кўплаб журналлар, 《京报》 (“Пойтахт”), 《晨报》 (“Тонг”), 上海《民国日报》 (Шанхайнинг “Республика”) , 《时事新报》 (“Замон ”) каби газеталари бирин-кетин ўз саҳифаларида байхуа янги шеърияти намуналарини чоп эта бошлашди. Канг Байчинг айтганидек, “Халқ шеърияти ҳаракати” юзага келган эди.² Умуман айтганда, хитой янги шеърияти деганда тил, шакл, ғоя ва мазмун жиҳатдан янгиланиш назарда тутила бошланди.

Маърифатпарварлик ва гуманизм руҳиятини ўзида мужассамлай бошлаган байхуа шеърияти янги давр хитой шеърияти замонавийлашиши жараёнининг бошланғич нуқтаси бўлди. Байхуа шеърияти тил имкониятларини кенг қўллаган ҳолда шеъриятда фикрни эркин ифодалаш мақсади рўёбга чиқди. Янада аниқроқ айтганда, тил, шакл, ифода жиҳатдан эркинлашув фикр ва ғояларнинг ҳам эркинлигига олиб келди. Байхуа шеъриятининг қиммати унинг янги шаклга келганида эмас балки, халқ дардининг жасурлик билан қуйлана бошланганида бўлди.

Гуо Можо хитой янги шеъриятида алоҳида ўринга эга шахслардан. У ёзади: “менинг барча ёзганларим, бу фақатгина лаҳзалик шиддат эмас, балки ўзинг хоҳлагандек савдой рақсга тушиш ҳамдир”³. Гуо Можо шеъриятида шиддат билан бир қаторда оғзаки нутқга хослик, таржималардан иктибослар, ўзлашган сўзлар, илмий атама ва терминлардан қурама фойдаланганлигин кўрамаиз. 《女神》 (“Маъбуда”) тўпламидан ўрин олган шеърлар қадимги шеъриятнинг турли чекловларидан ҳоли бўлиш билан бирга, мазмунан халқни олдинга чорлаш, уларга кўтаринкилик бахш этишга қаратилди. Шу тариқа шаклан ва мазмунан эркинлашиб бораётган шеърият секин-асталик билан анъаналар доирасидан чиқа бошлади. “Шунчаки, хоҳлагинимдай, ҳаётини, халқ тили ёрдамида ўзимни номоён этишни истайман... ўзни намоён этишга келсак, қофияли ёки қофиясиз шеър, тақлид ёки яратилган шеър, ҳаттоки шеър ёки шеър эмас, буларнинг ҳеч бири Менинг ўзлимга алоқадор эмас”, деб ёзган эди Фан Сонгдэ⁴. “Янги шеърият асосий эътиборини “байхуа”га қаратган, шеъриятга эмас. Барча уни эски шеърият тўридан кутқаришга уринишмоқда, қандай қилиб янги шеърият асосини яратишга эмас”⁵. “Маърифатчилик бош мавзуга айланганида, шоирлар “янги кўзалар” яшашга берилмасдан, “май” тайёрлашда давом этмоқдалар. Янги ғояларни илгари сурмоқ учун, маърифатчилик учун, моҳиятан шеър руҳини ислоҳ қилмоқ керак, бинобарин шеърият инқилобида ғояга урғу бериб, шаклга эътибор қаратмаслик устувор бўлсада, кўзланган мақсадга барибир етилади”⁶. каби фикрлар янгради. Хусусан, Ху Ши шундай таъкидлайди: “Ниманг бўлса, ўшани шеър қил, қандай гапинг бўлса, ўшани сўйла”.⁷ Кўринадики, бу даврда шоирлар асосан анъанавий шеърият таъсиридан қутилишга зўр беришди, асосий эътиборни қандай

¹ 胡适：《胡适文集》第三卷，人民文学出版社，1998年版，第134页。

² 糜白情：《新诗底我见》，选自‘少年中国’一卷九期，1920年。

³ 郭沫若：《郭沫若1920年2月16日致宗白华的信》选自尚斌如：《郭沫若专集一》，1984年版，第13页。

⁴ 潘颂德：《中国现代诗论40家》，重庆出版社，1991年版，第62页。

⁵ 梁实秋：《新诗的格调及其他》，选自‘诗刊’创刊号，1931年1月20日。

⁶ 许霆：《关于中国新诗发生若干问题的反思》，选自‘常熟理工学院学报’，2006年第3期。

⁷ 胡适：《尝试集》(自序)，选自《新青年》，6卷5号，1919年5月



бўлсада халқни уйғотишга, уларни руҳлантиришга қаратилган ғояларини етказишга қаратди. Бу учун шакл иккиламчига айланди ва шеърият минг йилликлар давомида яратилган қолиплардан кўчиб, оғзаки ва адабий-бадий тил ўртасидаги чегаралар, шеъриятдан лирик хусусиятлар йўқола бошлади. Шаклни эркинлаштиришга ҳаддан ортик уриниш оқибатида ритм, қофия каби муҳим унсурларнинг рад этилиши шеъриятнинг муҳим вазифаларидан бири бўлган эстетик завқ бериш хусусияти сустлашишига олиб келди. Кейинчалик Му Мутян бу ҳақда “Хитой янги шеър ҳаракатининг энг катта жиноятчиси менимча Ху Ши бўлади, унинг шеър прозадек бўлиши керак деган ғояси энг катта хато эди”¹. Жоу Зуорен эса бу давр шеърияти ҳақида “Янги шеъриятнинг дастлабки ўн йиллигидаги энг катта айби “унинг маъза-матраси йўқлигида”” дея фикр билдирган эди. Шу тариқа ўткан асрнинг 20-йилларига келиб янги шеърият инқирозга юз тутта бошлади. Натижада шеъриятнинг янги қонун-қоидаларини яратиш, унга мос ва хос талаб-таклифларни ишлаб чиқиш зарурият юзага келди, бу вазифани “Янги Ой” мактаби ўз зиммасига олди (кейинги мақолаларда батафсил).

Хулоса қилиб айтганда, Хитой адабиёти тарихида 19-аср охири адабиётда, хусусан шеъриятда туб бурилиш даври бўлди. Бу даврда ўта кескин ўзгаришлар рўй бермаган бўлсада, шеърият инқилобининг юзага келиши учун зарур туртки бера олди. 20-аср бошларига келиб, эски мумтоз шеърият қонун-қоидаларидан батамом воз кечиш ҳаракати кучайди, байхуада шеърлар ёзиш кескин кўпайди. Натижада шеъриятнинг муҳим хусусияти саналган бадий-эстетик завқ улашиш вазифаси ўз моҳиятини йўқота борди. Шундай бўлсада, шеъриятда минг йиллардан бери дярли ўзгармай келаётган қонун-қоидаларга қарши бориш, ўз фикри, ғояларини эмин-эркин баён қилишга интилиш тимсолида маънан эскирган чиркин феодал жамият тартибларига қарши кураш, фикр эркинлига интилиш шиддатли тус олди. Бу давр адабиёти, хусусан шеърияти халқни халқ сифатида бирлаштирди, уларни эскиликдан воз кечиб янги ҳаёт сари яқдил ҳаракат қилишлари учун руҳлантирди. Унинг бирламчи мақсади ҳам шу эди, аслида.



EDUCATIONAL SUBJECTS IN THE POEM “PHOENIX” BY THE AZERBAIJANI FOLK POET NARIMANN HASANZADEH

BASHIRLI ULVIYA

PhD student of Azerbaijan State Pedagogical University

Abstract. *The works of the People's Poet of Azerbaijan Neriman Hasanzadeh are of great importance in the upbringing of the young generation in the spirit of patriotism. In this regard, the poem “Phoenix”, dedicated to our historical past, deserves to be remembered as a special. Although the events in the work cover the 1820s, they are still echoed today. The Russian Empire attacked Azerbaijan with a large army in order to conquer the Caucasus and enslave its inhabitants. He overthrew the existing Azerbaijani khanates*

¹ 穆木天：《谭诗一寄沫若的一封信》，选自刘福春，李广田：《回读百年 20 世纪中国社会人文论争第二卷上》，2009 年版，第 278 页。

and annexed their lands. Later he won the war with Iran and usurped the lands inhabited by Azerbaijanis. However, the Azerbaijani people were not defeated and the struggle for freedom continues, albeit locally. Along with men, girls and women also participate in these wars. In the background of all these heated massacres, the image of a mother traditionally called the "Phoenix" stands out. With the image of a simple artist, carpet weaver, N. Hasanzadeh created a generalized image of Azerbaijani mothers who put national pride and homeland honor above all else.

While reading the poem "Phoenix", the reader is as if experiencing the events of a difficult period, his heart is filled with love for the country, he is ready to sacrifice his life for the country. Of course, the effect of such work is sufficient in our victory in the Second Karabakh War.

Keywords and expressions: carpet, war, Caucasus, mother, phoenix.

Аннотация. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Озарбайжон халқ шоири Нериман Ҳасанзода ижоди катта аҳамиятга эга. Бу борада тарихий ўтмишимизга бағишланган «Феникс» шеъри алоҳида ўрин тутса арзийди. Асардаги воқеалар 18-асрнинг 20 йилларини қамраб олган бўлсада, бугунги кунда ҳам ўз акс-садосини сақлаб келмоқда. Россия империяси Кавказни забт этиши ва унинг аҳолисини қул қилиши мақсадида Озарбайжонга катта қўшин билан ҳужум қилди. У мавжуд Озарбайжон хонлиқларини ағдариб, уларнинг ерларини ўз ичига олади. Кейинчалик Эрон билан урушда галаба қозониб, озарбайжонлар яшаган ерларни ўзлаштириб олади. Бироқ озарбайжон халқи энгилмади ва озодлик учун қураш маҳаллий бўлсада давом этмоқда. Бу урушларда эркаклар билан бир қаторда қизлар ва аёллар ҳам қатнашадилар. Бу қизгин қирғинлар фониди анъанавий равишда "Феникс" деб аталадиган онанинг қиёфаси ажралиб туради. Н.Ҳасанзода содда мусаввир, гиламдўз образи билан миллий гурур, ватан шаънини ҳамма нарсадан устун қўйган озарбайжон оналарининг умумлаштирилган образини яратди.

«Феникс» шеърини ўқиётганда ўқувчи оғир давр воқеаларини бошидан ўтказаётгандек бўлади, юраги юртга муҳаббат билан тўлади, ватан учун жонини фидо қилишига тайёр. Албатта, Иккинчи Қорабоғ урушидаги галабамизда бундай ишларнинг самараси етарли.

Таянч сўз ва иборалар: гилам, уруш, Кавказ, она, феникс.

Аннотация. Произведения народного поэта Азербайджана Неримана Гасанзаде имеют большое значение в воспитании подрастающего поколения в духе патриотизма. В связи с этим поэма «Феникс», посвященная нашему историческому прошлому, заслуживает того, чтобы ее запомнили как особую. Хотя события в произведении охватывают 1820-е годы, они до сих пор звучат эхом. Российская империя напала на Азербайджан с большой армией, чтобы завоевать Кавказ и поработить его жителей. Он сверг существовавшие азербайджанские ханства и присоединил к себе их земли. Позже он выиграл войну с Ираном и узурпировал земли, населенные азербайджанцами. Однако азербайджанский народ не побежден и борьба за свободу продолжается, хотя и локально. Наряду с мужчинами в этих войнах участвуют также девушки и женщины. На фоне всех этих жарких боищ выделяется образ матери, традиционно именуемой «Фениксом». Образом простой художницы-ковровщицы Н.Гасанзаде создала обобщенный образ азербайджанских матерей, превыше всего ставящих национальную гордость и честь Родины.

Читая поэму «Феникс», читатель словно переживает события тяжелого периода, его сердце переполняется любовью к родине, он готов пожертвовать своей жизнью ради страны. Конечно, эффект от такой работы достаточен для нашей победы во Второй карабахской войне.

Опорные слова и выражения: ковер, война, Кавказ, мать, феникс.

Introduction: The Caucasus theme has a special place in Hasanzadeh's work. An ancient human settlement, the Caucasus, the eternal homeland of our ancestors and modern man, has always been the focus of the poet's interest and has repeatedly turned to issues related to this place. According to him, he is a man living in the Caucasus, he is immortal, he is eternal, he is an

ancient grandfather, he is a grandfather who holds a mirror of history, digs into the memory of the past, and drinks the water of life. In short, here is his homeland, his Azerbaijan, his mother.¹

The poem “Phoenix”, written in 1976 and published in book form, is dedicated to a very turbulent period in the history of Azerbaijan, including the Caucasus. Tsarist Russia sent a large army here to conquer the Caucasus, and with all its might decided to subdue, break, and subjugate this proud land and its brave peoples at all costs. This intention, which flourished in the late 18th century, was further realized in the early 19th century, when the Russian Empire attacked with all its might, taking advantage of the division of the Caucasian peoples, especially the Azerbaijani state, into small states. Equipped with state-of-the-art weapons and mercenaries from European countries, Russian troops have spread like an irresistible force into the Caucasus. The determination and will of individual indigenous peoples is not enough to prevent this flood, the power is together, and the unity of the Caucasus has long been broken. The brother draws a weapon on the brother, the defeat of one does not matter to the other, the psychology of “passed me, hit my brother” is bearing fruit.²

Purpose and objectives: Fifteen years have passed since the Gulustan peace treaty, which formalized Iran's defeat in the Russo-Iranian war of 1813 and confirmed the division of Azerbaijan, and it is already 1828. Fatali Shah, who spent half of all the income of the Iranian state on the maintenance of his harem, became zealous again and declared war on the Russians in order to get rid of the invasion and return the lost lands. Despite all the efforts and abilities of Crown Prince Abbas Mirza, defeat is still inevitable. Not only Russian soldiers and officers, but also well-known intellectuals, poets and writers are taking part in this war. MV Lermontov, AS Pushkin, AS Griboyedov, Bestujev-Marlinsky and many others are part of the Russian army. Local intellectuals, poets and public figures of Azerbaijan, such as G. Zakir, A. Bakikhanov, F. Sheyda, are also among the Russian forces and are against their brothers.³

Dedicating a work of art to such a complex period, which has not yet found its proper political analysis, required a poet or writer not only poetic inspiration, but also an in-depth guide to history. Although N. Hasanzadeh dedicated the poem “Phoenix” to this period and its famous intellectuals and took AS Griboyedov, AS Pushkin, A. Bakikhanov, Fazilkhan Sheyda and others as artistic characters, in fact, it had a broader purpose and changed its name. and managed to reveal the general character of Russian nationalism, the content of which has not changed, with great courage and fire in the 1970 s.

Here, N. Hasanzadeh's goal as a poet, citizen, philosopher is revealed; some say that beauty will save the world, some say that culture and science will save the world, mothers will save the world. Those mothers who are against bloodshed. Mothers who can embrace all human beings, regardless of race or religion.

As you read the poem, as you live in the poet's world of images and events, you come to a conclusion: how beautifully our wise prophet said that paradise is established at the feet of mothers. It is clear from the poem that mothers are mothers in every nation, in every country. In the face of the most difficult deprivations, such mothers are wise and forgiving.⁴

¹ Hüseyinli, Q. Milli qürur hissi. Bakı, “Azərənəşr”1991, s.262-263

² Həsənzadə, N. Seçilmiş əsərləri, II cild, Bakı, “Prometey”, 2010, s.210

³ İsmixanov, M. Gənclik və mənəvi tərbiyə. – Bakı: “Gənclik”, 1980, s.182

⁴ Hüseyinli, Q. Milli qürur hissi. Bakı, “Azərənəşr”1991, s.262-263

Fazil Sheyda, who conveyed this bitter news to the mother, thinks that the mother will attack them and take revenge on her son, but the wise mother is far from revenge, she blames fate, not them. At this time, the reader can not hide his admiration for the patience and wisdom of the mother. On the other hand, Azerbaijani mothers who have lost thousands of sons in the last 30 years come to mind. After all, our mothers are able to control themselves in the hardest and difficult moment, and as a consolation, my son was martyred on the way to the homeland, and the homeland is alive". Although it does not seem appropriate to compare the sons who died in the endless Karabakh war with the death of A. Gribeydov, it seems that the loss of a son is a great sorrow for every mother, a moral shock.¹

Results and reviews: The mother and husband are both faithful companions. The poet reminding us that the wives of the Decembrists did not hesitate to go into exile in Siberia with their husbands, albeit for the sake of the poem, her husband died in the war, but because he was considered a "traitor" and her husband's body was not allowed to be buried according to custom, she also lamented her faithfulness, morals and upbringing in the example of an Azerbaijani woman who came to ask.

At this point, N. Hasanzadeh succeeded in creating an interesting contrast by associating AS Pushkin with the teachings of masculinity, courage and generosity in accordance with the nature of the Caucasian man. General Paskevich A.S. Pushkin, who said 'no' to the woman who wanted her husband's body, opened her mouth and asked for a positive solution and recalls that this woman was the one who had now asked you to carry her husband's body, and she and her husband had given you a beautiful carpet for your birthday.

Ignoring the woman's pleas and Pushkin's request, the general makes a very unfair decision. The poet was said that you should not rely too much on these mountaineers by general. They do what they know under the guise of habit, they do not listen to anyone, they do not obey. Pushkin is very upset by the general's inhuman treatment and advises Paskevich that to despise the customs of another nation, to laugh at it, is an insult to one's own nation, an inhumane act.

N. Hasanzadeh makes a very interesting comparison in this part of the work, showing that if Count Poskevich decides on behalf of the tsar, AS Pushkin fulfills his request on behalf of the Russian people. However, at this point, it is possible that the Russian people and the Russian state are in a completely different position. Despite the generosity and wisdom of the Russian people, the general representing the state seemed to have won, but was actually defeated because the people were always above the tsar, insensitive officials, doing his will [3,308- 310].

One of the highlights of the poem is the death scene of the great Iranian of the Russian Empire, A. Griboyedov. The poet wrote his research on the causes of death of the ambassador with great courage and impartiality. It is a historical fact that the cause of death of A. Griboyedov was two Armenians, who were the harem officers of Fatali Shah. Yakub Markaryan and other Armenians took the stolen property from Khaja Shah and came to A. Griboyedov's residence and asked for Russian citizenship. It is known from history that Armenians always betrayed their masters. They were easily moved to another place. A. Griboyedov, the Russian Ambassador Extraordinary and Plenipotentiary in Iran, wrote to the emperor as a very far-sighted politician: Your Majesty, do not allow Armenians to settle in central Russian lands. They are a tribe that will shout to the whole world that this is the homeland of our ancestors after decades of living here. Despite the violent protest of the Shah, A. Griboyedov ruthlessly refused to return the Armenians,

¹ Bünyadov, Z.M. Yusifov Y.B. Azərbaycan tarixi. Bakı, "Azərneşr" 1994, s.228.

thereby signing his own death. At a time when the idea of friendship between the false peoples of the Soviet Empire was established, N. Hasanzadeh did not hesitate to present this historical fact in his work. Being aware of these issues for the reader of modern poetry, on the one hand, makes him think about the lessons of history, on the other hand, he learns the root causes of today's tragedy as it is the future of a nation. . It is darkness that does not learn from its past.

Our people are generous, high-spirited, able to forgive even the most heinous crimes, but it is impossible to hide the hatred of the arch-enemy while reading these verses. No matter how careful we are to raise the young generation in the spirit of international friendship, if we do not draw correct conclusions from historical events, our defeat is inevitable. There is a saying from the broad heart of the Azerbaijani people: The enemy will stone you, you will defeat the enemy. It turns out that this statement no longer justifies itself. If those who eat our food and drink our water harm us, we must turn to another word: Giving ungrateful bread means throwing it away or putting a snake in your bosom, it will bite you like fire. One of the greatest values of the Azerbaijani people is their generosity and hospitality. Nariman Hasanzadeh masterfully performed the scenes where AS Pushkin is greeted with bread and salt everywhere and Phoenix gives him a precious gift. This is also evident in the attitude of A. Bakikhanov and others towards AS Pushkin. One of the events that finds its artistic expression in the poem is the independence and freedom struggle of the Azerbaijani people.¹

The author writes about the uprising in Guba and the chapters about Haji Mohammed, with optimism and enthusiasm, the people's desire for freedom and how much they sacrificed their lives on this path. Guba's women also joined the men in men's clothing and swords. He immortalizes this event in the form of an Phoenix and presents it as an example for future generations. Poetry pays special attention to the development of enthusiasm and respect for our national customs and traditions. The girl, whose father and fiancé were killed on the wedding night, takes up arms and retreats to the mountains to take revenge. Every night she comes to the grave of his grandfather and fiancée and plays sad and heartbreaking music. Her friends do not leave her alone, they ride horses with her and take revenge on local and foreign enemies.

Haji Muhammad, who considered it more honorable to die as a man than to crawl in front of the enemy, was ready to buy his life in captivity, so that his compatriots and invading enemies would not see him broken and stooped. The author interestingly conveys this chapter to the reader, which is a clear example of honor and dignity education. Thus, a guide passing through the cemetery with A. Bakikhanov attract attention to a new grave.

Fostering care and love for the historical heritage is also one of the remarkable virtues of the poem. History lessons, the fate of people, and ordinary knowledge should not be approached as ordinary knowledge and should not be mistaken again.

In general, poetry is based on the call for freedom, patriotism, knowledge and education, culture, tradition, custom, industriousness and national unity. The poet found his aims and objectives, artistic interpretation and solution from the writing of the work here, and with this work, the author succeeded in making great contributions to morality and education, national pedagogy. For this reason, N. Hasanzadeh's work "Phoenix" should be approached not as an ordinary epic-dramatic poem, but as a complete historical-pedagogical

¹ Məmmədov. S. Azərbaycan tarixi, (XV-XIX əsrlər), Bakı, "Maarif", 2002, s.234



SHARQ MASH'ALI

encyclopedia, scientific-trastle. Although half a century has passed since it was written, most of the issues mentioned in the poem are still up-to-date and await solutions”¹



¹ Həsənzadə, N. Seçilmiş əsərləri, II cild, Bakı, “Prometey”, 2010, s.210



**БОБУРНИНГ ТИЛ БИЛИМИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИГА БИР БОҚИШ
(«БОБУРНОМА» МИСОЛИДА)****СОДИҚОВ ҚОСИМЖОН***филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ*

Аннотация. Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуг ҳукмдор, ажойиб саркарда, беназир адиб ва тарихчи, адабиётшунос, муқишшунос бўлиши билан бирга, кучли тилишунос ҳам эди. Бобурнинг тилишуносликка оид махсус асари йўқ. Шундай эса-да, олим «Бобурнома» асарини ёзар экан, ора-орада айрим жой отларининг этимологияси ҳақида фикр юритади, уларнинг тарихий отлари ҳақида маълумот беради. Асарда муаллиф туркий тилнинг бой имкониятларидан унумли фойдаланган. «Бобурнома» тарих, классик адабиёт ва туркий ёзма адабий тилининг ажойиб асаридир. Буларнинг бари тил билими соҳасида Бобур кучли билим эгаси, ўтқир тилчи олим эканини англатиб туради. Ушбу мақола Бобурнинг тил билими соҳасидаги қарашларига бағишланган.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбек классик адабиёти; мемуар асар, хатт-и бобурий; ёзма адабий тил, туркий тил, чигатой тили; жой отлари этимологияси; китобат иши.

Аннотация. Захираддин Мухаммад Бабур был великим правителем, велекопным полководцем, несравнимым писателем и поэтом, историком, литературоведом, также знатком тюркского языка. У Бабура небыло специальное произведение по языкознанию. Несмотря на это, в своем произведении «Бабурнаме» учёный часто разъясняет этимологию некоторых топонимов и даёт сведения о исторических названиях этой местности. Автор использовал всеми богатствами тюркского языка. «Бабурнаме» является уникальным памятником истории, классической литературы и тюркского письменно-литературного языка. Всё это свидетельствует о том, что он был крупным специалистом по языкознанию. Данная статья посвящена языковедческим знаниям великого деятеля.

Опорные слова и выражения: узбекская классическая литература; мемуарное произведение; алфавит Бабура; письменный литературный язык, тюркский язык, чагатайский язык; этимология топонимов; книжное дело.

Abstract. Zahiraddin Muhammad Babur was a great ruler, a magnificent commander, an incomparable writer and poet, historian, literary scholar, and also a connoisseur of the Turkic language. Babur did not have a special work on linguistics. Despite this, in his work "Baburname" the scientist often explains the etymology of some toponyms and provides information about the historical names of this area. The author used all the riches of the Turkic language. "Baburname" is a unique monument of history, classical literature and the Turkic written and literary language. All this indicates that he was a major specialist in linguistics. This article is devoted to the linguistic knowledge of the great figure.

Keywords and expressions: Uzbek classical literature; memoir; Babur's alphabet; written literary language, Turkic language, Chagatay language; etymology of toponyms; book art.

Кириш. Ўзбек классик адабиёти ва эски ўзбек ёзма адабий тили, ўзбек тарихнавислиги ривожда Заҳириддин Муҳаммад Бобур (Zahīruddīn Muḥammad Bābur pādshāh ibn-i 'Umaršayx mīrzā ibn-i Sultān Abu-Sa'īd mīrzā Kōrāgān ibn-i Sultān Muḥammad mīrzā ibn-i Mīrānshāh mīrzā ibn-i Temūrbeg Kōrāgān)нинг хизматлари бениҳоя улўғ. У ўтмишда улўғ ҳукмдор ва саркарда, буюк адиб, машҳур тарихчи, адабиётшунос ва тилшунос, ажойиб санъатлар эгаси сифатида из қолдирган.

Таниқли тазкиранавис Ҳасанхожа Нисорий «Музаккир-и аҳбоб» тазкирасининг ўткинчи жаҳондан мангулик мулкига кўчган чиғатой султонларига бағишланган бўлимида Заҳириддин Муҳаммад Бобурни хурмат билан ёдга олиб, шундай ёзган эди: «Чиғатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннаҳр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишда кўп саъй-ҳаракатлар ва жонини аямай, жажду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо тақдир ўқига тадбир қалқони дош бера олмагач, бирор натижа чиқара олмади. ... Мулк қўлдан кетгач, таб тўтиси хинд шакаристонига майл билдириб, денгиз мавжли эътиборини Ҳиндистон мамлакатларини эгаллашга сарф қилиб, қоронғулик ўлкасини куёш ёғдули қиличи шуъласи нурлари билан чароғон этиб, хумоюн толе туфайли муҳолиф лашкарига шикаст етказиб, феруз бахт билан шоҳликнинг феруз тахтига ҳазрат Дехлида комрон ўлтурди» (Нисорий 1993,51–52).

Бобурнинг Ўрта Осиёда Темурийлар салтанати (яъни *Temür-begniñ yurti* – BN.251)ни мустаҳкамлашга бўлган урунишлари, жангу жадаллари зое кетган эса-да, ўз олдига қўйган эзгу мақсади ва улуғ ишларини Ҳиндистонда юзага чиқарди.

Бобур ҳаётининг катта бир қисми жангу жадаллар, давлат ишлари, халқ ташвиши билан боғлиқ ҳолда кечган бўлишига қарамай, бадиий адабиёт, илмий соҳаларда ҳам мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. У бутун ижодий фаолиятини туркий адабиёт ва унинг раванқи, ўз она тилисининг ривожига бағишлади, тарихнавислик, бадиий адабиёт, адабиётшунослик, диншунослик, мусиқа илми, ҳарб иши соҳаларида ажойиб ва тенги йўқ асарлар ёзди. «Бобурнома» (ёки «Вақое», «Бобурия», «Тузук-и Бобурий») асари улуғ олимнинг кўп йиллик меҳнати, ижтимоий-сиёсий ҳаётга бўлган қарашларининг хулосаси сифатида яратилган.

Афтидан, Бобур йигитлик чоғларидан ёндафтар тутиб, кўрган-кечирганлари, тарихий воқеалар, муҳим ҳодисаларни ёзиб юрган. Тинч ҳукмдорлик даври бошлангач, уларни таҳрир қилиб, мемуар асар тузган. Бундай фикрга келинишининг сабаби шундаки, «Бобурнома»даги маълумотлар шу қадар аниқ ва равшан, буларни хотирада сақлаб, кейинчалик қоғозга туширишнинг имкони ҳам йўқ. Ҳатто баъзи воқеалар кунма-кун баён қилинган.

«Бобурнома» ўша замондаёқ ҳукмдорнинг буйруғи билан форсийга таржима қилинган эди. Асарни кўчирган котибнинг китоб охирида келтирган маълумотида бу ҳақда шундай битилган: *Uşbu kitāb-kim, Bāburīyadur, Bayramxannī oyli Mīrzāxanā buyurdīlar-kim: Türkīdin fārsīya keltürgil-kim, türkī bilmağan xalāyiqqa āsān bolıyay* (BN.356).

Бобур қўллаган туркий ёзма адабий тил

Бобур ўз давридаги Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросон туркий улусини *türk*, унинг тилини эса *türkî*, *türkî til* деб атаган. Жумладан, Андижон халқи ва унинг тили ҳақида сўз юритиб, ёзади: *Eli türkdür. Şahrī-vu bāzārīsīda tükî bilmäs kişi yoqtur* (BN.5).

Ёки Бобур Ҳусайн Бойқаро давридаги Ҳирот адабий муҳитини таърифлар экан, Алишер Навоийни тилга олиб, ёзади: *'Alī-Şer-beg nazīri yoq kişi edi. Türkî til bilä tā şe'r aytipturlar, heç kim anča kör va xōb aytqan emäs* (BN.355).

Ёки Султон Ҳусайн мирзо таърифида: *Tab'-i nazmī bar edi. Devān ham tartib qīlip edi. Türkî aytur edi. Tahalluşī Husaynī edi*, деб ёзади Бобур (BN.341).

«Бобурнома»да *türk* сўзининг бошқа маънолари ҳам ишлатилган; уларни «халқ, улус; кишининг қавми» англамидаги *türk* билан қориштирмаслик керак.

Масалан, Бобур амакиси Султон Аҳмад тўғрисида сўз юритар экан: *Heç nimärsä oquyan*

emäs edi, 'āmî edi. Bāvujūd-kim, šahrda ulyanir edi. Türk va sāda edi, deb ėzadi (BN.37). Bu ўrinда *türk* сўзи «содда, оддий» маъносидадир.

Ёки Бобур қўллаган *türk* сўзининг бошқа бир маъносига эътибор қилинг: Yana İslīm Barlas edi. Türk kiři edi (BN.361); Yana Teңri-berdi Samanči edi. Türk-u mardāna va qiličliq yigit erdi (BN.365); Yana Amir 'Umar-beg edi. ... Mardāna-vu türk va yaxři kiři edi (BN.365). Бу жумлаларда *türk* сўзи «жасур, мард» маъносида келган. Буни унинг *mardāna* сўзи билан жуфт ҳолда келгани ҳам тасдиқлаб турибди: *mardāna-vu türk* бирикмаси – «мард ва жасур» дегани.

Türk сўзининг бу маъноси қадимги туркий битигларда ҳам учрайди. Жумладан, Иккинчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган юрт эгаларидан бири Билга хоқонни сифат ва унвонлари билан *türk Bilgä qayan* деб айтилган; бу ўриндаги *türk* «қудратли; жасур» деган маънодадир: *türk Bilgä qayan* – «қудратли / жасур Билга хоқон» (Содиқов 2004,66–72).

Бобур ўзининг бошқа асарларида ҳам ўз халқи ва она тилисига нисбатан *türk, türki, türki til* атамаларини ишлатган.

Масалан, аруз илмига бағишланган «Мухтасар» асарида «туркий улус, халқ» маъносида *türk* сўзини қўллаган:

Олим туркий шеърятдаги туюқ ҳақида сўз юритар экан, moʻul xanlarī bilä türk salātininīñ majālisida tuuqniñ köp ištihārī bar ekändür, deb ėzadi (Мухтасар.138a,13–138b,1).

Ёки: Bu vazn türk arasida qoşuqqa mavsumdur (Мухтасар. 132a,13).

Бобур асарда *türk* сўзи билан бир қаторда *atrāk* (араб. اتراک) сўзини ҳам ишлатган (Мухтасар. 146b,13).

Ёки Хайдар Хоразмий асарини тилга олар экан, шоирнинг туркийгўй эканлигини таъкидлаб ўтади: Mavlānā Xaydar Xvārazmī türkigöyniñ «Gulšānu-i-asfār»idur deb ėzadi Бобур (Мухтасар.165b,11–12).

XV–XVI юзийларда бутун Мовароуннаҳр халқи ва тилига нисбатан *türk, türkcä, türki* сўзлари билан бир қаторда *čiyatay ~ čayatay* атамаси ҳам қўлланган: юртини, элини *Čiyatay ~ Čayatay, Čiyatay ~ Čayatay eli / diyārī*, халқини *čiyatay ~ čayatay ulusī, čiyatay ~ čayatay xalqī*, унинг тилини эса *čiyatay ~ čayatay tili* дейилди.

Урғулаш ўринлики, *čiyatay ~ čayatay tili* атамаси, асосан, туркий ėзма адабий тилга нисбатан қўлланган.

Алишер Навоий ҳам ўз асарларида *čiyatay ~ čayatay* атамасини ишлатган. «Фавойиду-л-кибар»да кечган ғазалларнинг бирида шундай байт бор:

Navāyī istā mazāhirda čehra-i maqşūd,
'Arab-u gar čiyatay, yoqsa türkmän-u xalaj (FK.211a,6).

Бу байтда *čiyatay* деганда «халқ, улус» кўзда тутилади.

Навоий *čayatay xalqī* атамасини ҳам ишлатган. У «Мезону-л-авзон» рисоласида *tuuyu, qoşuq* сингари туркий шеър ўлчовлари хусусида хабар берар экан, ėзadi: Yana türk ulusī, bataxşis čayatay xalqī ara šāye' avzān-kim, alar surudlarin ul vaznlar bilä yasap, majālisda ayturlar (MA.275b,25–276a,1).

«Мезону-л-авзон»да Навоий *türk tili* атамаси билан ёнма-ён *čayatay lafzi* атамасини ҳам қўллаган: Türk tili bilä qalam surdum va har nečük qāidada-kim, ma'ni abkārīya ziynat-u ārayiş körgüzüp erdilär, čayatay lafzi bilä raqam urdum. Andaq-kim, bu madkür bolyan til-u lafz bināsīdur, heč nāzimya bu dast bermāydür va heč rāqimya bu muyassar bolmaydur (MA.269b,6–

8).

Бобур *čiyatay* сўзини *čayatay* деб ишлатган, чунки асар қўлғезмасида бу сўзни ёзганда *čim* дан кейин *γayn* келади: *Čayatay-xan* (چغتای خان) (BN.Fac-simile.12.11); *čayatay xanlarī* (چغتای خانلاری) (BN.Fac-simile.13.6–7).

Бобур ўз асарида *čayatay xanlarī* (BN.11) сўзини ишлатса-да, Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг туркий улуси ва унинг тилига нисбатан *türk; türkī, türkī til* сўзларини қўллаган. У ҳам умумхалқ тили, ҳам ёзма адабий тилни кўзда тутиб, шундай йўл тутган кўринади.

Бобур «халқ, улус» маъносида *sart* атамасини ҳам ишлатган. У Марғинон (مرغینان Marḡīnan – BN.Fac-simile.7.11), яъни Марғилон қасабаси тўғрисида сўз юритар экан, *eli sarttur* деб ёзади (BN.7). Исфара ҳақида эса, *eli tamām sart va fārsīgōyudur* деб ёзади (BN.7). Бу ўринда *sart* деганда хунармандчилик, боғдорчилик ва дехқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли, яъни туркийлар ва тожиклар кўзда тутилган. Асарнинг Порсо Шамсиев тайёрлаган нашрида бу ўринда *sart va kōhīdur* деб ёзилган (BN.7). Ҳарқалай, у фойдаланган нусхада ана шундай ёзилган бўлуви керак.

Бобур «халқ, улус; кишининг қавми» англамида *özbeḡ, özbeḡ ulusī* атамасини ҳам ишлатган. Лекин бу ўриндаги *özbeḡ* атамаси Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг туркий улусига нисбатан эмас, қипчоқ ўзбекларига нисбатан қўлланган. Жумладан, Қосимбек қавчин тўғрисида сўз борар экан, унинг қадимий Андижон қўшин бекларидан эканлигини таъкидлайди, унинг ютуқлари ҳақида ёзади: *Bir martaba Kāsān navāhisinī čarqan özbegnič keyiničä barīp yaxšī bastī* (BN.27).

Ёки бошқа бир мисол. Бобур асарда Султон Маҳмудхоннинг Қоракўзбегим деган хотинидан туғилган Бобоҳон отли ўғлини эслаб, ёзади: *Özbeḡlār xanni Xōjandta šahīd qīlyanda, anī va andaḡ nečä nārasidanī ḡāye‘ qīldīlar* (BN.39).

Özbeḡdin elči kelür, özbeḡ ulusīda bu elči zōrya mašhūr ekändür. Özbeḡ zōr kišini «bökä» der emiš. Jānibeg der-kim: «Bökämü-sen? Bökä bolsañ, kel küräšāliñ» (BN.41).

Ёки яна: *Šāh İsmā‘il özbegni Marvda basqanda Xānzāda-begim Marvda edi* (BN.17).

«Бобурнома»да этноним сифатида *uyur* сўзи ҳам тилга олинган: *Yana bir Abdu-l-kaḡīm ašrit edi, uyur edi. Sulṡān Aḡmad mirzā qašīda ešik-aqa edi* (BN.45).

Асарда «халқ, улус; кишининг келиб чиққан қавми» англамида *qazaḡ* сўзи ҳам ишлатилган: *Adik sulṡān ... qazaḡ sulṡānlarīdīndur* (BN.23); *qazaḡ ulusīniñ xanī Qāsımhan* (BN.23); *qazaḡ xan va sulṡānlarī* (BN.23) сингари.

Бобур ўз асарида *qazaqliḡ* деган сўзни ҳам қўллаган. Мухими, бу сўз ўзагининг «халқ, улус» маъносидаги *qazaḡ* қа боғлиқлиги йўқ; у «сарсон-саргардонлик» маъносидадир. Муаллиф ўзининг сарсон-саргардонликда юрган чоғларини *qazaqliḡlarda* деб эслайди (BN.27).

Демак, Бобур даврида Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги туркий улус *türk* номи билан юритилган, унинг тили, яъни Бобур ўз асарларида ишлатган ёзма адабий тил эса *türkī, türkī til* деб аталган.

Бобурнинг Алишер Навоий асарлари тили ҳақида ёзган сўзлари

Туркий классик адабиёти ва адабий тилининг ривожига улкан ҳисса қўшганлар орасида улуғ мутафаккир Алишер Навоийга тенглашадигани чиқмади. Бу ҳақиқатни замонасининг пешқадам олими Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам тўғри англаган эди.

Алишер Навоий асарлари тилининг ҳозирги ўзбек шеваларига муносабати хусусида

Ўзбек тилшунослари орасида ҳар турли қарашлар юради. Шулардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Навоий асарларининг тили ҳақида айтган сўзлари асосида юзага келди. Чунончи, у «Бобурнома»да Фарғона вилоятитинг пойтахти Андижон таърифидида ёзади: *Eli türkdür. Şahrı-vu bazarısida türkî bilmäs kişi yoqtur. Eliniñ lafzi qalam bilä rästtur. Ne üçün-kim, Mîr 'Alî-Şer Navâyîniñ muşannafâti bâvujüd-kim, Hirîda naşvu namâ tapıptur, bu til bilädür* (BN.5; BN.critical.5).

Заҳириддин Бобурнинг ушбу сўзларини рўқач қилиб, баъзи олимлар Навоий асарлари тилининг асосини Андижон шеvasи ташкил этган дея қарайдилар (Дониёров 1968). Бошқа бир олимлар Навоийнинг Андижонда бўлмаганлигини важъ қилиб, бу фикрни инкор этадилар (Абдуллаев 1968).

Таъкидлаш жоизки, бу ўринда Бобур ҳақ. Тарихда Навоий меросига, қолаверса, унинг ижодий маҳоратига холис баҳо берганлардан бири ҳам Бобур бўлади. Бирок, «Бобурнома»даги маълумотларни, тўғриси, матнни хато тушуниш, нотўғри талқин этиш оқибатида олимларимиз ичида турли баҳслар келиб чиқмоқда.

Англашилмовчилик матндаги *Eliniñ lafzi qalam bilä rästtur* жумласининг хато талқин этилаётганида. Буни улар «Андижон элининг тили (яъни, шеvasи) адабий тил билан мос келади» дея изоҳлаганлар. Шундай бўлган тақдирда бунинг давомидаги Навоий асарлари хусусида айтилган мулоҳазалар ҳам ўз-ўзидан шунга боғланади-қолади. Ўша қарашни қувватлайдиган бўлсак, матнни «Ҳиротда юксакликларга эришган Навоий асарларининг тили ҳам айни шевададир» дея талқин этишдан бошқа йўл қолмайди.

Фикримизнинг исботи учун Бобур айтган ўша жумлаларнинг маъносини бир бошдан чақиб кўрайлик. Эътибор берилса, муаллиф, матнда Фарғона вилояти тўғрисида маълумот бера туриб, бу юртнинг халқи турклар, тилининг эса туркий тил эканлигини таъкидламоқда. Матндаги *Eliniñ lafzi qalam bilä rästtur* жумласи икки хулосага олиб келади:

(1) мазкур жумлада Фарғона (Андижон) элининг лафзи (яъни, туркий тил) ёзма шаклда (бадий адабиёт орқали) машхур эканлиги таъкидланмоқда;

(2) бу жумла мантиқан халқ тили адабий тилга яқин эканлигини ҳам англатади. Адабий тил тарихида бундай ҳодиса учраб туради. Масалан, қорахонийлар даври адабий тилида кошғар шеvasи етакчилик қилган. Шундан келиб чиқиб, ўша давр адабий тили айрим манбаларда *kāşyar tili ~ kāşyarî til* деб ҳам аталган. Бобурнинг ёзмаларидан ҳам ўша даврда фарғона шеvasи адабий тилга жуда яқин эканлиги маълум бўлади.

Матн таҳлилида давом этамиз. Бобур Ҳирот адабий мактабининг намояндаси бўлган Алишер Навоий ҳақида сўзлаб, унинг ҳам асарлари ушбу туркий адабий тилда эканлигини таъкидлайди. Бунинг билан Бобур Навоий асарларининг тилига Андижон шеvasи асос бўлганлигини эмас, балки Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитларида ягона адабий тил амал қилганини таъкидламоқда. Бобурнинг ушбу маълумоти Темурийлар давлатининг барча ўлкаларида ягона туркий адабий тил (эски ўзбек адабий тили // «чиғатой тили») амал қилганига гувоҳ.

Мулоҳазалардан келиб чиқиб, Бобурнинг Фарғона элининг тили тўғрисида ёзган сўзларини шундай талқин қилинса, тўғри бўлади: «Эли туркдир. Шаҳри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан [ёзма адабиёт тили, ёзма адабий тил билан] мосдир. Не учун-ким [ажабланарлиси], Мир Алишер Навоийнинг таснифлари [асарлари], (унинг ўзи) Ҳирийда ўсиб-улғайганлигига қарамай, ушбу тилда [яъни Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитлари учун ягона бўлган адабий тилда]дир».

Навоий асарларининг тили ҳақида сўз кетганда уни ўша кезлардаги мавжуд

шеваларнинг бирортасига боғлаб қўйиш мумкин эмас. У Хуросондагина эмас, бутун Темурийлар салтанатида, Олтин Ўрда, қолаверса, мусулмон турк элларида амал қилган адабий тилда ижод қилди. У ўз ижоди билан темурийлар замонида амал қилган бутун бир адабий оқимнинг бошида турди, туркий адабий тилга етакчилик қилди. Бунини «Лисону-т-тайр» асарида унинг ўзи ҳам таъкидлаган эди:

Türk nazmida çu men tartip 'alam
Äylädim ul mamlakatni yakqalam (LT.192a,3).

Навоий *tamlakatni yakqalam äylädim* деганда ўз асарларининг ҳамма учун тушунарли бўлган ёзма адабий тилда эканлигини қайд этаётир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам, асарларининг катта бир қисми Ҳиндистонда эканлиги чоғида яратилган эса-да, ана шу ёзма адабий тилда ижод қилди.

Бобур айрим жой отларининг келиб чиқиши, тарихий отлари тўғрисида

«Бобурнома»да муаллиф тарихий воқеаларни баён этар экан, кўплаб жой отлари, сув отларини ҳам тилга олади. Қизиғи шундаки, Бобур улар ҳақида сўзлар экан, билимли тилшунос, зукко олим сифатида, айримларининг этимологияси – келиб чиқиши, тарихий отлари, улар билан боғлиқ ривоятларга ҳам тўхталади.

Жумладан, Фарғона вилоятининг қасаба, кендлари ҳақида сўз юритиб, Конибодомга ҳам таъриф беради; Бобур уни *Känd-i-bādām* (کنديبادام) дейди (*қаранг*: BNFac-simile.9.13). Демак, ҳозирги Конибодом ўша кезлар шундай аталган экан.

У ёзади: *Känd-i-bādāmdur. Agarçi qaşaba emäs, yaxşiyına qaşabaçadur. Bādāmī yaxşı bolur. Bu jihattin bu ismıya mavsūmdur* (BN.9).

Умаршайх мирзонинг вилояти тўғрисида сўзлар экан, ёзади:

Faryāna vilāyatī edī va Xōjand va Ora-tepā-kim, ašl-i atī «Usrūšna»dur, «Usrūš» ham derlār. Xōjandnī ba'đi dāhil-i Faryāna tutmaslar. Sultān Aḥmad mirzā-kim, Taškāndgā moyul üstigā bariḗ, Ćir suyi yaqasīda-kim, šikast tapti. Ora-tepāda Ḥāfizbeg dolday edi, ('Umar-šayx) mirzāya berdi. Andin beri Usrūšna 'Umar-šayx mirzā taşarrufida edi (BN.17).

Юқоридаги матнда *Usrūšna, Usrūš* деб келтирилган топоним «Бобурнома» асарининг қўлёзмасида *alif-u vāv* билан эмас, *alif* нинг ўзи билан ёзилган. Матннинг бошқа ерида [*u*] товушининг *alif* билан берилиш ҳолати учрамайди. Шунга кўра, бу жой отини [*a*] билан ўқилгани маъқул: *Asrūšna* (اسروشنه) (BN.Fac-simile.17.14; 18.3); *Asrūš* (اسروش) (BN.Fac-simile.17.14). Эски ўзбек тилининг қويدаси бўйича бу сўз [*a*] билан талаффуз қилинган кўринади.

Бобур Тошкентнинг тарихи ҳақида ёзади: *Ul furşatta Taškānd vilāyatī 'Umar-šayx mirzā taşarrufida edi-kim, kitāblarda Šaš bitirlār, ba'đi Ćač bitirlār-kim, «kamān-i Ćačī» andin ibārttur, berdi. Oşal furşattin tārix-i toquz yüz sekizgäçä Taškānd va Šāhruhiyya vilāyatī Ćayatauy xanlarinīñ taşarrufida edi* (BN.11).

«Бобурнома» асарининг қўлёзмасида бу шаҳарнинг оти *Taškānd* (تاشكند); унинг эски отлари эса *šīn alif šīn*; бошқа бир оти *ĉīm alif ĉīm* харфлари билан ёзилган: *Šaš* (شاش) ва *Ćač* (چاچ) (*қаранг*: BNFac-simile.13.4–5).

Бобур яна Самарқанднинг жойлашган ўрни ҳақида сўз юритади экан: ... *šimālī Taškānd va Šāhruhiyya-kim, «Šaš» va «Vanākat» bitirlār deb ёзади* (BN.93). Шунга қараганда, *Šāhruhiyya*

нинг тарихий оти *Banākat* бўлган экан.

Маҳмуд Кошғарий *Taşkend* ни *Taşkān* деб келтирган. У ҳам ўтмишда бу шаҳар *Šaš* аталганини урғулайди: *Taşkān* – *Šaš* нинг оти. Унинг асли *Taşkend* бўлиб, «тошдан қурилган шаҳар» демакдир (ДЛТ.176).

Бобур ўз даврининг билимдон этимологларидан бири эди. У Самарқанд ва унинг тарихий оти ҳақида ҳам қизиқ маълумот берган. У ёзади:

Samarqandnī Īskandar binā qīlyandur. Moʻyul va türk ulusī «Semizkānd» derlār. Temür-beg pāytaxt qīlīp edi. Temür-begdin burun Temür-beg-deg uluʻy pādšāh Samarqandnī pāytaxt qīlyan emāstūr (BN.91).

«Samarqand» ўтмишда «Semizkānd» аталганини Маҳмуд Кошғарий ҳам айтиб ўтган. У *kend-kānd* сўзига изоҳ берар экан, шундай ёзади:

kend-kānd – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида «қишлоқ», кўпчилик турклар наздида «вилоят»дир. Шунинг учун *Faryāna* ни *Özkend* – «ўз шаҳримиз» дейдилар. *Samarqand* ни катталиги учун *Semizkend* – «семиз шаҳар» дейдилар. Буни форслар *Samarqand* тарзида қўллайдилар (ДЛТ.140).

Бобур Самарқанд теварагидаги вилоят ва туманотлар тўғрисида сўз юритиб, Кешни ҳам тилга олган. У ёзади: *Yana Keš vilāyatīdur. ... Bahārlar šahrāsī-vu šahrī va bāmī-vu tamī xōb sabz bolur üçün, «Šahr-i-sabz» ham derlār. Temürbegniñ zād-u budī Kešdin üçün, šahr-u pāytaxt qīlurīya köp saʻy-u ehtimāmlar qīldī ... Čün Kešniñ qābiliyyatī šahr bolmaqqa Samarqandča emās edi, āxir pāytaxt üçün Temürbeg Samarqandnī-oq ixtiyār qīldī (BN.101).*

Бобур Самарқанд теварагидаги вилоят ва туманотларни таърифлар экан, Қаршини ҳам тилга олган. Бобур ёзади:

Yana Qaršī vilāyatīdur-kim, «Nasaf» va «Naxšab» ham derlār. «Qaršī» moʻyulča attur, «gōrxāna»nī moʻyul tili bilā «qaršī» derlār. Ğālibā, bu at Čingiz-xan tasalluʻtidīn sōñ bolıandur (BN.101).

Бу ўринда Бобур *qaršī* сўзининг этимологиясига бирёқлама ёндашган. У *qaršī* сўзининг мўғулчада сақланиб қолган биргина маъносига эътибор қаратаётир, холос. Бу сўз мўғулча эмас, соф туркийдир. У мўғулчага ўзлашиб, у тилда сўзнинг «гўрхона» маъносигина сақланган. Бобур ана шуни кўзда тутган кўринади. Ваҳоланки, *Qaršī* сўзи жой оти сифатида «гўрхона» маъносидаги *qaršī* га боғланаётгани йўқ.

Қадимги туркий тилда бу сўзнинг қўлланиш қўлами анча кенг. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида у «қаср, сарой; ўрда» маъноларида келади:

Yana qaršīqa bardī ewdīn turup. – «Уйдан чиқиб яна саройга борди» (ҚБС.210).

Асарда *qaršī* сўзи *saray*, *ordu* сўзлари билан жуфт ҳолда ҳам қўлланади:

Qaršī-saray – жуфт. «қаср-сарой»: Bu күn munda etmä bu qaršī-saray. – «Бу кун ба ерда қаср-сарой(лар) безатма»;

qaršī-ordu – жуфт. «қарши-ўрда»: Qalīr qaršī-ordu, saraylar qamuʻy. – «Қарши-ўрда, саройларнинг бари қолади» (ҚБС.210).

Бобур жой отлари тўғрисида сўз юритар экан, халқ орасида тарқалган бунинг билан боғлиқ ривоятларни ҳам четда қолдирган эмас. Масалан, Хўжанднинг ғарбидаги Ҳодарвеш деган жой тарихи тўғрисида шундай ёзади:

Xōjand bilā Kānd-i-bādām arasīda bir dašt tūšüptür, Hā-darvešya mavsūmdur. Hamiša bu daštta yel bardur. Maryīnānya-kim, šarqīdur, hamiša mundīn yel barur. Xōjandya-kim, ʻarbidur, dāyim mundīn yel kelür; tund yellāri bar. Derlār-kim, bir nečā darveš bu bādiyada tund yelgā yoluqur, bir-birini tapa almay, «Hā darveš, hā darveš», dey-dey tamām halāk bolurlar. Andīn beri

bu bādiyanī «Hā-darveš» derlār (BN.9).

Ёки, бошқа бир ўринда, Умаршайх мирзонинг масоф ва урушлари тўғрисида сўзлар экан, ёзади:

Üç maşaf uruštī. Avval Yūnus-xan bilā Andijānñiñ šimāl tarafida Sayxūn daryāsiniñ yaqasida Tākā-sekritgü degän yerdä. Bu jihatñin ul mavða' bu ismğa mavsūmdur-kim, tay dāmanasī jihatdñin bu daryā andaq tar aqar-kim, rivāyat qilurlar-kim, ul yerdin tākā sekrigändür, maylüb bolup elikkä tüšti. Yana Yūnus-xan yaxšiliq qilip, vilāyatīğa ruxsat berdi. Bu yerdä uruş bolğan üçün Tākā-sekritgü uruşı ul vilāyatta tarix boluptur (BN.15).

Юқоридаги матнда қайд этилган жойнинг оти асар қўлэмасида *Tākā-sekritgü* (تکه سيکريتگو) деб берилган (BN.Fac-simile.17.1, 5). Муаллифнинг ёзишича, бу жойнинг оти *tākā sekrigän* (تکه سيکريگان), яъни «така сақраган» сўздан олинган (BN.Fac-simile.17.3).

Бобур сўзларнинг қайси маънодан келиб чиққанини ҳам яхши билади. Унинг ёзишича:

Alačanñ vajh-i tasmiyasī munī derlār-kim, qalmaq va moʻyul tili bilā «öltürgüçi»ni «alači» derlār. Qalmaqnī neča qatla basip, qalñin kişisin qiryan üçün «alači» dey-dey kasrat-i iste'māl bilā «Alača» boluptur (BN.23).

Бобур ишлатган айрим жуфт сўзлар семантикаси

Бобур асарнинг бадиийлиги ошириш, айрим нозик тушунчаларни ифодалаш мақсадида жуфт сўзлардан ҳам унумли фойдаланган. Асардан олинган куйидаги жумлаларга эътибор қилинг:

Sultān Aḥmad mīrzā kamsuxun-u faqīr va ādamī kişi edi. Har söz-ün va iş-küç beğlärsiz qarār tapmas edi (BN.33). Бу ўринда *söz-ün* – «маслаҳат; ўртага ташланадиган фикр», *iş-küç* – «амал; бажариладиган ишлар» маъносидадир.

Бобур Ҳусайн Бойқаро ва ўғли Бадиуззамон ўртасидаги можаролар тўғрисида сўз юритиб, уни шундай хулосалайди: *Āxir ataliq-oʻyulluq arasida bu guft-u goylar aña munjarr boldi-kim, atasī atasiniñ üstigä va oʻyli oʻyliniñ üstigä Balx-u Astrābādqa čerig tarttilar* (BN.83). Ушбу жумлада ишлатилган *ataliq-oʻyulluq* «яқинлик, ота-ўғиллик» маъносидадир.

Бобур ёзади: *Taşkändgä xan qaşığa bardim. Şāh-begimni va uruq-qayaşni ham yeti-sekiz yıl bar edi, körmäydür edim, bu bahāna bilā alarni ham körüldi* (BN.113). Бу жумлада кечган *uruq-qayaş* – жуфт сўз, «қариндош-уруғлар» англамидадир.

Қадимги туркий тилда: *qadaş ~ qadaş* – «қариндош; туғишган» дегани. Бобур қўллаган *qayaş* эса [d]~[δ] нинг [y] га ўзгарган шаклидир: *d ~ δ > y*.

Ёки яна: *Bu jamā'atni qalñin atliq-yayaq kelip, ul yerdin kötarip köčägä yiqipturlar* (BN.277). Бу жумлада кечган *atliq-yayaq* – ҳарбий атамалар бўлиб, «отлик ва пиёда қўшин»ни англатади.

Har yergä barğan-körgän nokarlarim yüyildilar (BN.245).

Энди куйидаги жумлаларга эътибор қилинг:

Sultān Mas'ud mīrzāniñ beg-u içkisi va yigit-yalañi āzurda bolup edilär (BN.115).

Beglar-u içkilär va yigitlar-kim, meniñ bilā qalip edilär, aksariniñ köçläri Andijānda edi (BN.113).

Beg-u begätidin va yigit-yalañdin yeti-sekiz yüz kişi mendin tamām ayıldilar (BN.113).

Сўнгги жумладаги *yigit-yalañ* сўзи «Бобурнома»нинг Харвард университетидида тайёрланган нашридаги транскрипцияда *yigit-yelän* деб берилган. Бунда жуфт сўзнинг иккинчи компоненти *yel* сўзига боғланган чамаси. Аслида бу жуфт сўзни *yigit-yalañ* шаклида берилгани маъқул. Сабаби *yalañ* сўзи «ёш, йигирма-ўттиз ёшлардаги», хатто

«турмуш қурмаган, боши очик йигит-қизлар»га нисбатан ишлатилади: ўзбекчада *ёш-яланг* дейди. Ёки *бошяланг* – «бошида рўмоли ёки бош кийими йўқ киши»ни айтади. Тошкентнинг шарқий биқинида Яланғоч (< Yalaŋyač) деган ер бор. Бу «яп-ялонғоч» дегани эмас, «яланглик; очик жой», яъни *yalaŋliq* деган маънони беради.

Юқоридаги жумлада кечган *Beglär-u içkilär va yigitlär* бирикмаси инглизчага *The families of most of the begs, içkis* деб; кейинги жумладаги *Beg-u begät'din va yigit-yalaŋ'din* бирикмаси эса *begs and warriors* деб таржима қилинган (*қаранг*: BN.112).

Бу ўринда *içkilär* – «сарой ичидаги юқори мансабли кишилар»дир; *beg-u begät* даги *begät* – *beg* нинг кўплик шакли; тўғрироғи, стилистик жиҳатдан қаралганда, унинг кучайтирма шаклидир; *yigit-yalaŋ* деганда – «ёш-яланг, йигит-яланг» тушунилади.

Чоғиштиринг: *Yaraš tarhîn araya salîp içkâridin Maħmūd barlas keldi. Tašqarîdin Hâjî Pîr bökâwül-u uluŋ aŋalar va ne-kim bolŋan sâzanda-vu xvânanda kelip ...* (BN.71).

Ёки яна: *Āxir Badī'u-z-zamān mîrzā araya tûšûp, yarašîp, içkâri-taşqarî tûškân yigitlârni alîšîp, yandîlar* (BN.71).

Таржимада сўзларнинг ана шундай нозик маънолари инобатга олингани маъқул.

Жуфт сўзларнинг ишлатилишига яна мисоллар:

Qara-bulaqqa tûškândâ ba'di kirgân kend-kesâkkâ bašsizliq qilyan moyullarni tutup keltürdilär (BN.81). Бу жумлада кечган *kend-kesâk* «кичик-кичик кендлар» деган маънодадир.

Meniŋ anam egâçisingâ qoryanda turup, bolŋan köç-u uruq va kiši-qarasini Ora-terpägâ çiqariŋ yibârdi, özi bir neçâ kiši-qarasî bilâ jarîda qoryanda turdi (BN.183). Бу жумладаги *kiši-qarasî* «оддий кишилари, халқи, фуқароси» маъносидадир.

Çün qiš yawuq bolup edi, el ašliq-tölükini tamâm kötârip edilär, bu jihatlardin neçâ kündin sön Andijân sarî murâja'at qilildi (BN.65). Ушбу жумладаги *ašliq-tölükini* «овқати ва кийимларини» деган маънодадир.

Бобур қарама-қарши маъноли сўзларни жуфтлаш, сўз қайтариғи, яъни бир сўзни такрорлаш усулларидан ҳам унумли фойдаланган.

Асарда қарама-қарши маъноли сўзларни жуфтлаш билан англашилаётган маъно умумлаштирилади: *Xusravšāhnîŋ yaxši-yaman, uluŋ-kîçik nokarî tört-beš miŋ bolŋay edi* (BN.71).

Mašvarat qilip, ölüg-tirigni Samarqand qoryaninîŋ içidâ körüp, qoryanni berkitmâk bolduk (BN.183).

Ušbu yurtta ekândâ, Kâbulniŋ üstigâ fi'l-hâl barurni-barmasni keŋâšildi (BN.259). Бу жумладаги *barurni-barmasni* «бориш ёки бормасликни» англамидадир.

Матнда сўз қайтариғи, яъни сўзлар такрори маънони кучайтиради:

Uluŋ-uluŋ beglär va yaxši-yaxši yigitlär, qalîn kiši bu urušta talaf boldi (BN.183).

Barîp mulâzamat qilsam, ötkân kûduratlar raf' bolsa, yiraqta-yawuqta ešitür, körärga yaxši bolŋay (BN.63). Бу жумладаги *yiraqta-yawuqta* узоқ-яқинда деган маънони англади.

Нумеративларда сўз қайтариғи билан микдор оширилади: *Āxir közâ-közâ suw keltürüp quyup, tasqî elni naqbdin qaçurdilar* (BN.69).

«Бобурнома»да тилга олинган хатт-и бобурий ҳақида

Хатт-и бобурий (бобурий хати) Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тилшунос сифатидаги улуғ кашфиётидир.

«Бобурнома»да уч ўринда бобурий хати ҳақида сўз боради.

Биринчиси, тўққиз юз тўққизинчи (1503–1504) йил воқеалари баёнида, Бобурнинг ўз

кишилари билан Кобулда эканлиги чоғида олиб борган сиёсати, бу ўлкада олиб борилган ишларни эслаб тилга олинган. Бобур: *Uşbu maḥallarda bāburī xattnī ixtirā’ qildim*, деб ёзади (BN.299).

Иккинчиси, тўққиз юз ўн биринчи (1505–1506) йил воқеалари баёнида, Кобулда эканлиги чоғида Қози Ихтиёр ҳақида сўз борганда, бобурий хати ҳам тилга олинган. Мана Бобурнинг ёзганлари:

Qādī Ixtiyār va Muḥammad Mīr Yūsuf bilā kelip meni kördilār. Bāburī xattdin söz çiqti. Mufradātnī tilādi, bitidim. Oşol majlisdā mufradātnī oqur, qavā'idini bitip, nimālār bitidi (BN.373).

Учинчиси, Бобур Ҳиндистонда эканлиги чоғида, тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари баёнида тилга олинган. Бобур ёзади:

Humāyunnīḡ oylī bolyannīḡ tahniyyatīya va Kāmṛānnīḡ kadxudāliqīḡḡ tahniyyatīya Mīrzā-yi Tabrīzīnī va Mīrzābeg tayayīnī on miḡ šāhruxī saçiq bilā yibārildi. Özüm kiygān ton va baylayān kamar har ikki mīrzāya yibārildi. Mullā Bihīstīdin Hindālya muraşsa’ kamar-u xanjar va muraşsa’ davāt-u şadafkārliḡ şandali va kiygān nīmça-vu tægband va bāburī xattnīḡ mufradātini yibārildi. Yana bāburī xatṡi bilā bitilgān qit’alar yibārildi. [Humāyunya tarjumanī-kim, Hindustānya kelgāli aytqān aş’ārnī yibārildi.] Hindālya va Xvāja Kalānya ham tarjuma va aş’ār yübārildi. Mīrzābeg tayayīdin ham Kāmṛānya tarjuma va Hindqa kelgāli aytqān aş’ār va bāburī xatṡi bilā bitilgān sarxatṡlar yibārildi (BN.759).

Бобурнинг ёзганларидан англашиладики, олимнинг ихтиро қилган алифбоси муайян доирада амал қилган. Бу ёзувда котиблар тарафидан турли жанрдаги шеърлар, сархатлар битилган. Ўз вақтида улар турли муносабатлар билан қўшни ўлкаларга совға сифатида ва муҳим битиглар сифатида юборилган. Буларнинг бари Бобур подшоҳ кузатувида амалга оширилган. Лекин, не ажабким, уларнинг бирортаси бизгача етиб келмаган ёки, бор бўлса ҳам, ҳозирча фанга маълум эмас. Келгусида бирор қўлёзма хазинасидан чиқиб қолар. Чунки уларнинг бари ҳукмдорлар ва таниқли кишиларга йўлланган эди.

Муҳими шундаки, Машҳад шаҳридан Қуръони каримнинг бобурий хатида кўчирилган нусхаси топилди. Тарих китобларида Бобур ўзи ихтиро қилган ёзувда Қуръони каримни кўчиртириб, Маккага юборганлиги тўғрисидаги хабарлар бор. Эҳтимол бу қўлёзма ҳам ўша нодир китоб бўлиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам, бобурий хати қандай ёзув?, унинг имло принциплари қандай эди? деган саволлар филолог-мутахассисларни кизиқтириши табиий. Бунинг ечимини топишга чоғланиб кўрайлик.

Тарихчи Муҳаммад Тоҳир ибн Қосимнинг 1645 йили Балхда Саид Нодир Муҳаммадхон топшириғи билан ёзилган «Ажойиб ат-табақот» асарида хатт-и бобурий билан боғлиқ муҳим бир факт бор (Азимджанова 1963). Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида 409- ҳамда 411- рақамлари остида асарнинг қўлёзмалари сақланмоқда.

Китоб етти бўлимдан иборат. Уларда оламнинг яратилиши, пайғамбарлар, ер ва коинотнинг ҳолати, баъзи ажойиб ишлар, ғаройиб илмлар ҳақида сўз боради.

409- рақамли қўлёзманинг 241a–242b- саҳифаларида «*Daḡ ta’auyuni xutut az anvāi ō*» («Хатлар ва унинг турларини билиш ҳақида») сарлавҳаси остида муайян тартибда ўн тўртта алифбо келтирилган. Алифболарнинг бошида уларнинг оти ҳам ёзиб қўйилган. Шулардан ўнинчи алифбо хатт-и бобурийдир. Унинг бошланишига *Xatṡ-i bāburī inast* деб ёзилган. Шундан сўнг хатт-и бобурийнинг 28 ҳарфи келтирилиб, ҳар бири ўқилиши шундай деган маънода арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Алифбодаги ҳарфлар сираси қуйидагича

(ўнгдан чапга – фақат арабча ҳарфларни келтирамиз):

ا ب ت ث ج ح خ د ذ ز س ش ص ض ه ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا ي

411- рақамли қўлёзмада ҳам хатт-и бобурий алифбоси бор (у қўлёзманинг 67b- бетида). Бироқ, ушбу қўлёзмада жами ўнта алифбо намунаси берилади. Хатт-и бобурий уларнинг ўнинчисидир. Муҳими шундаки, ушбу алифбода 29 ҳарф келтирилади. Улар ҳам арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Мазкур алифбода юқоридаги алифбо ҳарфлари қаторига ج ва د ҳарфлари ҳам қўшилган. Бу алифбодаги ҳарфлар кетма-кетлиги қуйидагича:

ا ب ت ث ج ح خ د ذ ر ز س ش ص ض ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا ي

Баъзи олимлар Заҳириддин Бобур ўз ёзувини уйғур хати негизида тузган, деб қарамоқдалар. Лекин, юқорида келтирилган алифболар бу фикрни тасдиқламайди. Бизнингча, муаллиф хатт-и бобурийни бошқа бирор алифбо негизида тузган бўлуви керак.

Бобур ўз ғазалларидан бирида *bāburī xattī* билан бирга *xatt-i siyṅaqī* ни ҳам қаламга олган. *Xatt-i siyṅaqī* эски туркий ёзувлардан бири бўлиб, классик ўзбек адабиёти намояндалари асарларида қўлланган сўзларга бағишланган «Абушқа» луғатида ушбу ёзув тўғрисида яхши ва аниқ маълумот берилган. Луғат тузувчиси *siyṅaq* сўзини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти экани, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ғазалларидан бирида уни тилга олганини таъкидлайди ва ғазалнинг ўша байтини мисол келтиради. Мана унинг ёзганлари:

Siyṅaq – bir nav’ xatdur, Ğiyatayda xatt-i bāburī va ṅayri kibi-ke, Bābur mīrzā aš’ārīnda kelūr.
Ваут:

*Xūblar xattī nasibīṅ bolmasa, Bābur, ne taṅ,
Bāburī xattī emāsdūr, xatt-i siyṅaqīmudur (DDT,278).*

Siyṅaq атамаси, чамаси, ўрта асрлар Сирдарё бўйидаги турк маданий марказларидан бири бўлган шаҳар отига боғланади. Ана шу ўлкада ишлатилган ёзув шундай аталган бўлуви мумкин.

Бобур ўз шеърида бу ёзувни *xatt-i siyṅaqī* деб атамоқда. Шоир бу ёзувни тилга олишига қараганда, у ўз замонида анчайин тарқалган кўринади.

Яна ушбу байтда ажойиб сўз ўйини ишлатилган: *xūblar xattī* – гўзаллар лабининг усти; *Bāburī xattī* деганда икки нарса: Бобурга тегишли ҳам ёзув, ҳам унинг лаблари кўзда тутилаётир; *xatt-i siyṅaqī* да ҳам шундай.

Сигнақ хатининг намуналари ҳозирча маълум эмас. Лекин у қадимги туркий ёзувлардан бири бўлгани аниқ. Далиллар тўла-тўқис аниқлангунга бу масала очик қолади.

Туркий ёзув имлоси ва китобат иши билан боғлиқ маълумотлар

«Бобурнома»да *bāburī xattī* деб аталувчи ёзув билан бир қаторда араб алифбоси негизида шаклланган туркий ёзув ва унинг услублари, имло хусусияти, китобат иши ҳақида ҳам сўз юритилган.

Турклар араб алифбосини ўз тилларига мослаб ўзлаштирганлар. Шунинг учун ҳам асл араб алифбоси билан туркий тилга мосланган алифбо орасида имло тизимида, ҳарфларнинг

вазифаларида анчагина фарқ бор.

Араб алифбоси негиздаги туркий ёзувнинг имло принциплари пухта ишланган эди. Ёзувда унлиларни ифодалаш учун алифбодаги учта ҳарф – *alif*, *vāv*, *yā* ҳамда ҳаракатлар, турли ҳарфий ишоратлардан фойдаланилган.

Маълумки, турклар ўтмишда кенг қўллаган уйғур хатида унлилар ёзувда изчил тарзда ифода этилар эди. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида қадимги туркий ёзувнинг ана шу принципини сақлаб қолдилар. Оқибатда, араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар учун *alif*, *vāv*, *yā* ҳарфлари, кўпинча, тўлиқ ишлатиладиган бўлди.

Ёзувнинг бу хусусияти ўша замон тилшунослари назаридан четда қолган эмас. «Аттуҳфату-з-закийату филлуғати-т-туркийя» асарининг муаллифи араб алифбоси негиздаги туркий ёзувнинг имло хусусиятлари тўғрисида шундай ёзади: «Билгилки, турк тилида шакл йўқ. Шакл йўқлиги учун бир қанча аниқсизлик ва хатолар пайдо бўлар эди. Шунинг учун ана шу аниқсизликдан қутилиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар. Яъни *fathā* ўрнида *alif*, касра ўрнида *yā*, *ḍamma* ўрнида *vāv* қўллаш бошладилар» (АЗФТ,10).

Бунда муаллиф «турк тилида шакл йўқ» деганда туркий ёзувда товушлар тизимидаги «чўзиқлик» ва «қисқалик»ни бериш муҳим эмаслиги, диакритик белгиларнинг турғун вазифаси йўқлигини кўзда тутган; «ана шу аниқсизликдан қутилиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар» деганда эса арабий ё форсий матнлардан фарқли ўлароқ, туркий сўзларни ёзишда матнда унлиларни ҳарфларда тўлиқ бериш қондаси жорий этилганини кўзда туттади (*қаранг*: Содиков 2020,270–271).

Туркий имлодаги бу ўзгачаликка Бобур ҳам катта урғу қаратган ва унинг илмий жиҳатларини асослаб берган эди. У ўзининг аруз илмига бағишланган «Мухтасар» асарида туркий имло ҳақида маълумот бериб, ёзади: *Yana alif-u vāv-u yā dur-kim, türkî imlāsīda fathā va ḍamma va kasra niñ 'alāmatīdur, talaffuzğa kelmäs, taqtī'da sāqit bolur, ḡayataš ba'di maḡalda mutallafaz bolsa, mujavuzdur* (Мухтасар,23а,9–11).

Энг муҳими, «Мухтасар» асарида Бобур поэтология, хусусан, аруз нуктаи назаридан араб алифбоси негиздаги туркий ёзувнинг ўзига хослиги, имлоси, ҳарф ва товуш муносабатлари, ҳарфларнинг шеърӣ тизимдаги вазифаларини, туркий шеър ўлчовларининг фонологик қоидаларини ёритиб берди.

«Бобурнома»да китобат иши ва ёзув амалиёти, ҳужжатчилик ишлари билан боғлиқ бутун бошли атамалар тизими қўлланган.

Масалан, асарда «ёзишма, мактуб» маъносида *xaṭṭ* (араб. خط), *'arḍadāšt* (форс. عرضه داشت) атамалари ишлатилган: *Sulṭān Ḥusayn mīrzāniñ bu xaṭṭlarī mūjib-i nā-umidlik boldi* (BN.251).

Бобур ўз асарида *kitābat* (араб. كتابة) атамасини ҳам ишлатган. У Алишер Навоий билан бўлган ёзишмасини, хатини ана шундай атаган. Мана ўша ёзганлари: *Bu ikkinçi navbat Samarqandni alyanda, 'Alī-Šer-beg tirig edi. Bir navbat meñä kitābatī ham kelip edi. Men ham bir kitābat yibärip edim, arqasīda türkî bayt aytip, bitip yibärip edim. Javāb kelgünçä, tafriqa-vu ḡavḡā boldi* (BN.175).

«Бобурнома»да муҳрнинг бир тури сифатида *čahārsu muhr* тилга олинган. Асарда Мир Ғиёс тоғайи тўғрисида сўз борар экан, ёзади: *Moḡul mīrzādalarī arasīda Sulṭān Abusa'id mīrzā ešigida mundin ilgäriräk kiši yoq edi. Sulṭān Abusa'id mīrzāning čahārsū muhrī munda edi* (BN.29).

Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиёнинг йирик маданий марказларида қоғоз ишлаб чиқаришга катта эътибор берилган. Шарқнинг бир қанча марказларида ишлаб чиқарилган

қоғоз дунё бозорида доврў қозонган эди. Жумладан, Самарқанд, Ҳирот қоғози ўзининг сифати билан ажралиб турарди.

Бобур Самарқанддаги ҳунарманчилик ишлари, шаҳарнинг доврў қозонган яхши мол-таварлари тўғрисида сўз юритар экан, Самарқанд қоғозини ҳам тилга олади. У ёзади: 'Ālamda yaxši kāyaḍ Samarqanddīn čīqar. Juvāz-i kāyaḍlar suyī tamām Kān-i-gildīn kelādūr. Kān-i-gil Siyāh-āb yaqasīdadur-kim, bu qara sunī «Āb-i-raḥmat» ham derlār (BN.97,99).

Бобур ҳинд китобати ҳақида ҳам биз учун қизиқ бўлган маълумотни келтирган. У Ҳиндистон набототи ҳақида сўз юритар экан, *tār* деб аталувчи дарахтни тилга олади. Унинг кўриниши, япроқларини таърифлаб, ҳинди хатини дафтар йўсинли ана шу япроқларга битишларини таъкидлайди. У ёзади:

Yana bir tārdur, tārnīḡ šāxlarī ham bašīda-oq bolur. Tārya ham xurmā-deg közā baylap, suyīnī alīp icādūrlār. Bu sunī «tārī» deydūrlār. Munīḡ kayfīyyatī xurmā suyīnīḡ kayfīyyatīdīn tundraḡ bolur emiš.

Tārnīḡ šāxlarīnīḡ bir qarī-bir yarīm qarīyača heč bargi bolmas. Andīn soḡ otuz-qīrḡ barg šāxīnīḡ učīda bir yerdin-oq panja uradur. Bu barglarīnīḡ uzunluḡī bir qarīya yawuṣur. Hindī xatḡlarnī daftar yosunluḡ bu barglarda xeylī bitiydūrlār (BN.613).

Бобур ўз даври ҳукмдорлари ҳақида сўз юритар экан, уларнинг билим даражасига, китоб ўқишига ҳам эътибор қаратади. Жумладан, отаси Умаршайх мирзонинг ахлоқ ва атвори тўғрисида сўз юритар экан, ёзади: Ravān savādī bar edī. «Xamsatayn» va maṣnavī kitāblarnī va tārixlarnī oqur edī. Aksar «Šāhnāma» oqur edī. Tab'-i nazmī bar edī, vale še'rya parvā qīlmas edī (BN.13).

Муаллиф ўз даврида шуҳрат қозонган хаттотларни тилга олар экан, улар қандай хат турида қалам сурганларига ҳам алоҳида эътибор қилади. Жумладан, Али Дарвеш тўғрисида сўзлар экан: Mardāna kiši edī, nasxta'liḡ xaḡīnī ṭavḡī bitir edī, деб ёзади Бобур (BN.29).

Хусайн Бойқаронинг умароси ҳақида сўз юритар экан, Хожа Абдулло Марворий ҳақида: Xuṭūṭnī xōb bitir edī. Ta'liḡnī xōbraḡ bitir edī, inšānī xōb qīlur edī, деб ёзади Бобур (BN.363).

Бобур Ҳирот адабий ва маданий муҳити тўғрисида сўз юритар экан, котиб Султон Али Машҳадийни ҳам тилга олади. У ёзади:

Xuṣnavīslardīn agarči heylī kiši bar edī, vale barīnīḡ sarāmadī nasx-ta'liḡda Sultān 'Alī Mašhadī edī. Mīrzā učūn, 'Alī-šerbeg učūn qalīn kitābatlar qīldī. Har kündā otuz bayt Mīrzā učūn va yīgirmā bayt 'Alī-šerbeg učūn bitī(r) edī (BN.379)

«Бобурнома»да ўрта асрлар учун муҳим саналган кутубхоналар тўғрисида ҳам маълумот бор. Муаллиф Ғозийхоннинг кўрғонини забт эткан чоғда, унинг кутубхонасига ҳам кирганлигини ёзади: Ġāzīxannīḡ kitābxānasīya kildim. Bir nečā nafis kitāblar čīqtī. Bir nečāsini Humāyunya berip, bir nečāsini Kāmrānya yībārdim. Mullāyāna kitāblar xud bisyār erdī. Vale anča nafis kitāblar-kim, köz tuturulur edī, anča čīqmadī (BN.555).

Бобур ўрта асрлардаги илм тармоқлари, уларнинг йирик намояндалари ҳақида ҳам маълумот берган. Масалан, Ҳирот илмий муҳити ва унинг вакиллари ҳақида ёзади:

Yana Mīr Jalāluddīn muḡaddis edī. Ḥadīs 'ilmīnī Xurāsānda anča bilūr kiši yoḡ edī (BN.371).

Yana Mīr 'Aṭāullāh Mašhadī edī. 'Arabīyyat 'ilmīnī yaxši bilūr edī. Qāfiyada bir fārsī risāla bitiptūr (BN.373).

Yana Qāḡī İxtiyār edī. Qāḡīliḡnī xōb qīldī. Fiḡhda bir fārsī risāla bitiptūr, tavr risāladur. Yana bir maḡmūn bilā iḡtibās učūn āyat-i kalāmīnī jam' qīliptur (BN.373).

Бобур ўз асарида ўрта асрларда яшаб, юртларни бошқарган султонлар, хонларнинг олиб борган сиёсати, эзгу ёки ёвуз ишлари, жангу жадаллари ҳақида сўзлар экан, уларнинг насл-насаби, келиб чиқиши, оиласи, хотин ва ўғил-қизлари ҳақида ҳам тўлиқ маълумот келтиради. Ушбу маълумотлар шу қадар аниқ ва ҳарёқлама тўлиқки, улар асосида ҳукмдорларнинг шажарасини тиклаш мумкин. Айрим ўринларда муаллифнинг ўзи ҳам сулалаларнинг шажарасини келтириб ўтади. Ушбу маълумотлар ҳозирги тарихнавислик илми учун ҳам ўта муҳим ва аҳамиятлидир.

Қуйида асарда келтирилган маълумотлар асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шажарасини келтирамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг туғишганлари:

’Umaršayx mīrzā –

хотинлари ва улардан туғилган ўғил-қизлар:

(1) Qutluḡ Nigār-xanīm (Ўайатау-хан нинг наслдан бўлмиш Yūnus-xan нинг иккинчи қизи; Sulṭān Maḥmūd-xan ва Sulṭān Aḥmad-xan нинг эгачиси) → ўғил-қизи: Ṣahīruddīn Muḥammad Bābur; Xānzāda-begim (Bābur дан беш ёш улуғ).

(2) Fāṭima Sulṭān (мўғулнинг туман бегларидан) → ўғли: Jahāngīr mīrzā (Bābur дан икки ёш кичик).

(3) Umīd (андижонлик; ғунчачи эди) → ўғил-қизлари: Nāṣir mīrzā (Bābur дан тўрт ёш кичик); Mehr-bānū-begim (Bābur дан икки ёш улуғ); Šahr-bānū-begim (Bābur дан саккиз ёш кичик).

(4) Aḡa Sulṭān (ғунчачи эди) → қизи: Yādgār Sulṭān-begim.

(5) Maxdūm Sulṭān-begim → қизлари: Ruḡayya Sulṭān-begim; Qara-köz-begim (иккаласи мизонинг ўлимидан кейин туғилган) (*қаранг*: BN.17,19).

Бобурнинг отаси Умаршайх мизонинг шажараси:

’Umaršayx mīrzā –

Sulṭān Abu-Sa’īd mīrzā нинг тўртинчи ўғлидир;

Sulṭān Aḥmad mīrzā, Sulṭān Muḥammad mīrzā, Sulṭān Maḥmūd mīrzā дан кичик эди (улар Bābur нинг амакиларидир).

Sulṭān Abu-Sa’īd mīrzā Sulṭān Muḥammad mīrzā нинг ўғлидир.

Sulṭān Muḥammad mīrzā Mīrānšāh mīrzā нинг ўғлидир.

Mīrānšāh mīrzā Temūr-beg нинг учинчи ўғлидир. У ’Umaršayx mīrzā билан Jahāngīr mīrzā дан кичик, Šahrux mīrzā дан улуғ эди (*қаранг*: BN.13).

Бобурнинг бобоси (она тарафидан) Юнусхоннинг шажараси:

Bābur нинг онаси Qutluḡ Nigār-xanīm; у Yūnus-xan нинг қизидир.

Yūnus-xan Ўайатау-хан наслдан дидир.

Боғланиши шундай: Yūnus-xan ibn-i Vays-xan ibn-i Šer-’Alī Oḡlan ibn-i Muḥammad-xan ibn-i Xidr Xvāja-xan ibn-i Tuḡluḡ Temūr-xan ibn-i Esān Buḡa-xan ibn-i Dua-xan ibn-i Baraq-xan ibn-i Yesūn-tüvä ibn-i Mötükān ibn-i Ўайатау-хан ibn-i Čingiz-xan (*қаранг*: BN.19).

Бобурнинг ота уруғи тарафидан шажараси:

Temūr-beg (1336–1405)

Temūr-beg нинг ўғли Mīrānšāh mīrzā (1367–1408).

Mirānshāh mīrzā ning ўғли Sultān Muḥammad mīrzā.

Sultān Muḥammad mīrzā ning ўғли Sultān Abu-Sa'īd mīrzā (1424–1469).

Sultān Abu-Sa'īd mīrzā ning ўғиллари:

(1) Sultān Aḥmad mīrzā (1451–1494);

Амакиси Султон Аҳмад мирзонинг ўлими ҳақида Бобур ёзади: Ora-terpā navāḥīsī Aq-suḡa yetkändā šavvāl ayīniḡ avāsīṭida tārix sekiz yūz toqsan toquzda qīrq tōrt yašīda 'ālam-i fānīdin vidā' qīldi (BN.35).

(2) Sultān Muḥammad mīrzā;

(3) Sultān Maḥmūd mīrzā (1453–1495);

Амакиси Султон Маҳмуд мирзонинг ўлими ҳақида: Rabū-l-āxir ayīda ... qavī 'āriḡa yūzlanīp altī kündā 'ālamdin keṭti. Qīrq üč yašar edi, deb ёзади Бобур (BN.51).

(4) 'Umaršayx mīrzā (1456–1494).

Умаршайх мирзонинг ўлган кун-ой-йили: Бобур отасининг фожеали ўлимини эслаб ёзади: ... ḡarīb vāqe'a dast berdi ... Ušbu tārixda dušamba küni ramaḡān ayīniḡ tōrtidā 'Umaršayx mīrzā jardīn kabūtar-u kabūtarxāna bilā uṭup, šunqar boldi. Otuz toquz yašar erdi (BN.33).

'Umaršayx mīrzā ning ўғли Bābur mīrzā (1483–1530).

Бобурнинг тахтга ўлтурган санаси (кун-ой-йили): хижрий 899 йил. Бу санани эслаб: Sešanba küni ramaḡān ayīniḡ bešidā tārix sekiz yūz toqsan toquzda Farḡāna vilāyatida on ikki yašta pādīshāh boldum, deb ёзади Бобур (БН.5; BN.3).

Асарни кўчирган котибнинг китоб охирида келтирган маълумотига кўра Бобур ўлимининг санаси шундай: toquz yūz otuz yetidā jumādi-l-avval ayīniḡ altīsīda ṡahārbāḡīda-kim, ošul pādīshāh öz qolī bilān ābād qīlip erdi, ḡālī mutayayyir bolup, bu ālam-i bevafānī padrud qīldi (БН.356).

Асарни кўчирган котибнинг китоб охирида келтирган маълумотига кўра: ul pādīshāhqa teḡri ta'ālā tōrt oḡul va üč qīz karāmat qīlip erdi.

Оғланлар: (1) Muḥammad Humāyun pādīshāh; (2) Kāmṡān mīrzā; (3) Mīrzā Askarī; (4) Mīrzā Hindāl.

Qīzlar: (1) Gulrang-begim; (2) Gulṡehra-begim; (3) Gulbadan-begim. Ušbu üč qīz bir anadan erdilār (БН.357).

Muḥammad Humāyun pādīshāh ning ўғли Akbar šāh.

Сўнги сўз. Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуғ ҳукмдор, ажойиб саркарда, беназир адиб ва тарихчи, адабиётшунос, мусиқашунос бўлиши билан бирга, кучли тилшунос ҳам эди. Бобурий хатини айтмаганда, унинг тилшуносликка оид маҳсус асари йўқ. Олим «Бобурнома» асарини ёзар экан, ора-орада айрим жой отларининг этимологияси ҳақида мушоҳада юритади, уларнинг тарихий отлари ҳақида маълумот беради. Яна бир жиҳати, асарда муаллиф туркий тилнинг бой имкониятларидан унумли фойдаланган. У сўзларни билиб-билиб ишлатади, сўзларнинг маънолари, уларнинг услубий хусусиятларини англашда ҳар бир адиб ва тарихчи Бобурга тенглашавермайди. «Бобурнома» юксак балоғат даражасида ёзилган асардир. Буларнинг бари тил билими соҳасида Бобур кучли билим эгаси, ўтқир тилчи олим эканини англатиб туради.

Бобур Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросон элларининг туркий улуси учун умумий бўлган ёзма адабий тилда, яъни *türkī til* да ижод қилди. У ёзма тилдан фойдаланибгина қолмай, ўзининг шеърий, насрий асарлари, илмий китоблари билан туркий тилнинг чексиз имкониятларини кўрсатиб берди; туркий ёзма адабий тилнинг равнақи учун хизмат қилиб,

уни юксакликларга олиб чиқди.

Ҳавола этилаётган асарлар:

A3ФТ – Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Тошкент, 1968.

BN – *Zahiruddin Muhammad Babur Mirza. Bâburnâma. Part One, Two, Three. Chaghatay Turkish Text with Abdul-Rahim Khankhanan's. Persian Translation, Turkish Transcription, Persian Edition and English Translation by W.M. Thackston, Jr. / Sources of Oriental Languages and Literatures –18. Edited by Şinasi Tekin. Gönül Alpay Tekin. Turkish Sources – XVI. / Published at The Department of Near Eastern Languages and Civilizations. Harvard University, 1993.*

БН – *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент, 1989.

BNFac-simile – «Бобурнома»нинг Хайдаробод қўлёзмаси: *The Bábar-nâma (Fac-simile)*. Edited by Annette S.Beveridge. – London, 1905.

BN.critical. – *Zahir Al-din Muhammad Babur. Babur-nama (Vaqayi')*. Critical edition based on four Chaghatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. Kyoto Syokado, 1995.

FK – «Фавойиду-л-кибар»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган *Suppl. Turc. 317 / 1513* кўрсаткичли Навоий куллиётида (202b–265b).

DDT – *Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof.* – SPb., 1869.

ДЛТ – *Маҳмуд Кошғарий*. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.

LT – «Лисону-т-тайр»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган *Suppl. Turc. 316 / 1513* кўрсаткичли Навоий куллиётида (155b–193a).

МА – «Мезону-л-авзон»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган *Suppl. Turc. 317 / 1513* кўрсаткичли Навоий куллиётида (269b–277b).

Мухтасар – *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. – Тошкент, 1971. (Мисоллар иловадаги факсимиле матндан олинди).

ҚБС – «Қутадғу билиг» сўзлиги. Тузувчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2020.

Абдуллаев 1968 – *Абдуллаев Ф.* XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи. – Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. 238–257- б.

Азимджанова 1963 – *Азимджанова С.* Новые сведения о «Хатт-и Бабури». – XXVI Международный конгресс востоковедов. Доклады делегации СССР. – Москва, 1963. С. 5–10.

Дониёров 1968 – *Дониёров Х.* Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир (унлилар системаси ҳақида). – Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. 279–301- б.

Нисорий 1993 – *Ҳасанхожа Нисорий*. Музақкири аҳбоб. Форс тилидан И. Бекжон таржимаси. – Тошкент, 1993.

Содиқов 2004 – *Содиқов Қ.* Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004. 66–72- б.

Содиқов 2020 – *Содиқов Қ.* Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020..





**РОЛЬ ГЛАГОЛЬНОЙ ЛЕКСИКИ В РАЗГРАНИЧЕНИИ СТИЛЕЙ
ПЕРСИДСКОГО ЯЗЫКА
(НА ПРИМЕРЕ КНИЖНО-ПИСЬМЕННОГО
И РАЗГОВОРНОГО СТИЛЕЙ)**

АЗИМДЖАНОВА ДИНАРА

кандидат филологических наук, доцент, ТГУВ

Аннотация. В статье раскрываются возможности глагольной лексики в разграничении стилей современного персидского языка. В ней освещаются некоторые характерные особенности книжного и разговорного стилей, вырабатываемые с помощью глагольной лексики.

В формировании и разграничении функциональных стилей немаловажную роль играет лексика. И, несмотря на то, что в словарном фонде каждого языка многие слова являются общеупотребительными и стилистически нейтральными, именно с помощью определенных лексических единиц осуществляется отграничение одного функционального стиля от другого. В каждом из стилей проявляются своеобразные, присущие только ему особенности, заключающиеся в использовании тех или иных средств и способов выражения.

Учитывая структурное многообразие глагола, в статье раскрываются возможности каждого типа глагола персидского языка. Описываются отдельные способы, используемые в языке для передачи оттенков книжно-письменного и разговорного стилей. Подчеркивается, что в этом процессе участвуют как лексические, так и грамматические средства языка. В частности отмечается, что при передаче особенностей книжно-письменного и разговорного стилей с использованием простых и т.н. сложных глаголов в этом процессе участвует как простые глаголы, так и составные части сложного глагола, а также фразеологические и идиоматические обороты.

Опорные слова и выражения: функциональные стили, глагольная лексика, синонимы, структурные типы глаголов, именная часть, глагольная часть, рамочная конструкция.

Аннотация: Мақолада замонавий форс тилининг услубларини фарқлаида феъл лугати имкониятлари очиб берилган. Ушбу мақолада феъл лугати ёрдамида ишлаб чиқилган китобий ва сўзлашув услубларининг баъзи характерли хусусиятларини ажратиб кўрсатади.

Функционал услубларнинг шаклланиши ва фарқланишида лугат муҳим роль ўйнайди. Ва ҳар бир тилнинг лугатида кўп сўзлар кенг тарқалган ва услубий жиҳатдан нейтрал бўлишига қарамай, маълум лексик бирликлар ёрдамида бир функционал услуб бошқасидан ажралиб туради. Услубларнинг ҳар бирида фақат унга хос бўлган ўзига хос хусусиятлар намоён бўлади, улар маълум воситалар ва ифода усулларидан фойдаланишидан иборат.

Мақолада феълнинг структура хилма-хиллигини ҳисобга олиб, форс тилидаги феълнинг ҳар бир тури имкониятлари очиб берилган. Китобий ва сўзлашув услубларининг сояларини этказиши учун тилда қўлланиладиган индивидуал усулларни тавсифлайди. Бу жараёнда тилнинг ҳам лексик, ҳам грамматик воситалари иштирок этиши таъкидланади. Хусусан, оддий ва мураккаб феъллардан фойдаланган ҳолда китобий ва сўзлашув услубининг хусусиятларини ўтказишида оддий феъллар ҳам, мураккаб феълнинг таркибий қисмлари ҳам, фразеологик ва идиоматик иборалар ҳам иштирок этиши қайд этилган.

Таянч сўз ва иборалар: функционал услублар, оғзаки лугат, синонимлар, феълнинг тузилиши



турлари, исмий қисм, оғзаки қисм, дистант ҳолатдаги феъллар.

Abstract: *The article reveals the possibilities of verbal vocabulary in the differentiation of styles of the modern Persian language. It highlights some of the characteristic features of bookish and colloquial styles, developed with the help of verbal vocabulary.*

Vocabulary plays an important role in the formation and differentiation of functional styles. And, despite the fact that in the vocabulary of each language many words are commonly used and stylistically neutral, it is with the help of certain lexical units that one functional style is distinguished from another. In each of the styles, peculiar features inherent only to it are manifested, consisting in the use of certain means and methods of expression.

Considering the structural diversity of the verb, the article reveals the possibilities of each type of verb in the Persian language. Describes the individual methods used in the language to convey shades of book-written and colloquial styles. It is emphasized that both lexical and grammatical means of the language are involved in this process. In particular, it is noted that when transferring the features of book-written and colloquial styles using simple and so-called complex verbs, both simple verbs and the constituent parts of a complex verb, as well as phraseological and idiomatic phrases, participate in this process.

Keywords and expressions: *functional styles, verbal vocabulary, synonyms, structural types of verbs, noun part, verb part, frame construction.*

В формировании и разграничении функциональных стилей немаловажную роль играет лексика. И, несмотря на то, что в словарном фонде каждого языка многие слова являются общеупотребительными и стилистически нейтральными, именно с помощью определенных лексических единиц осуществляется отграничение одного функционального стиля от другого. В каждом из стилей проявляются своеобразные, присущие только ему особенности, заключающиеся в использовании тех или иных средств и способов выражения.

Для разграничения функциональных стилей используют целую систему лингвистических признаков, позволяющих выделить тот или иной стиль. Например, для разговорного стиля – это и особое произношение отдельных фонем, фонетические варианты слов, целый ряд специальных грамматических форм и словообразовательных единиц, особенности построения словосочетаний и предложений, интонационный рисунок и т.п. Но все же на первый план при разграничении стилей выдвигается лексика, потому что в зависимости от поставленной цели, каждый стиль выбирает те слова, которые в других стилях либо малоупотребительны, либо вообще не используется. В этом плане не составляет исключение и лексика книжно-письменного стиля.

Глагольная лексика, относясь к лексической системе языка, также может участвовать в разграничении функциональных стилей. И это относится ко всем структурным типам глаголов персидского языка: простым, сложным и префиксальным.

1. Существует целый ряд **простых и сложных глаголов характерных для книжного стиля**: فرمودن *farmudan* “изволить сказать”, “говорить” (вместо общеупотребительного گفتن *goftan* с этим же значением); سپردن *sepordan* “давать”, “вручать” (вместо دادن *dādan*); نگاشتن *negāştan* “писать” (вместо نوشتن *neveştan* с этим же значением); نگرستن *negaristan* “смотреть”, “взирать” (вместо نگاه کردن *negāh kardan* с этим же значением); نهادن *nahādan* “класть” (вместо گذاشتن *gozāştan*); گشودن *gošudan* “открывать”, “раскрывать” (вместо общеупотребительного باز کردن *bāz kardan*); تشریف بردن *tašrif bordan* “уехать”, “изволить уйти” (вместо нейтрального رفتن *raftan*); تشریف آوردن *tašrif āvardan* “изволить прийти”, “прийти, приехать” (вместо آمدن *āmadan*).

... به این مسئله بنگریم ...
 “Если мы посмотрим на эту проблему с более широкой перспективы ...” (1995، اطلاعات);

moqaddame-ye kutāh-i dar moarref-e šāer negāšte ast مقدمه کوتاهی در معرف شاعر نگاشته است
 “Он написал краткое вступление для представления поэта” (۱۹۸۷، №۱۲، ادابیات، دفتر های هنر و ادابیات);

همکاریهای مشترک برای توسعه صنایع انرژی در کشورهای حوزه خزر ... می تواند عرصه های نوینی از همکاریهای
hamkāri-hā-ye moštarak barāye towse'-ey sanā'e-ey energy dar hamkāri-hā-ye howze-ye hazar ... mitavānad 'arse-hā-ye navin-i az hamkāri-hā-ye mantaqe-yi rā miyān in kešvarhā begošāyad “Совместное сотрудничество для развития энергетической отрасли в странах Каспийского региона ... может открыть новые возможности для регионального сотрудничества между этими странами”.

Abstract. This article contains information on the role of women in public life during the reign of the Mamluks in Egypt (1250-1517), their influence on the Mamluk sultans, and Queen of Egypt Shajaratu-d-dur, which contributed to the creation of the Mamluk state. The article is based on the works of many medieval Arab historians. It is known that in Islamic countries there is an opinion that a woman cannot rule the state. After the death of Sultan Turanshah in 1250, prominent people of Egypt saw the need for the ascension of Shajaratu-d-dur to the throne. She ruled Egypt for 80 days. When she realized that the courtiers were beginning to rebel against her rule, she married commander-in-chief Oybek. And when Muad ad-Din Oybek al-Turkmani ascended the throne, the period of direct rule of the Mamluks began. In the palaces of the Mamluk sultans, women were glorified and called “hotun”. Women at that time were followers of Sufi sects along with men. Hund Shakarboy, the wife of the Sultan of Hushkadam, was known as the patron of the Badavia sect. Writers of that period described women in their works. Women spent their time mainly in their homes and went outside mainly for shopping at the market and for weddings.

Keywords and expressions: Egypt, mamluk, sultan, fringes, Burjits, history, woman, girl.

Хар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, биринчи галда, оила даврасида, она тарбияси билан шаклланади. Миср ижтимоий, сиёсий тарихида аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг оилага бўлган муносабати, ижтимоий ҳаётдаги ролини ўрганиш муҳим омиллардан биридир. Лекин баъзи маълумотларга кўра, ўзга юртларда ҳукмронлик қилган хоразмлик деб, эътироф этиладиган аёллардан бири Шажара ад-Дур бўлиб, келиб чиқиши тўғрисида тахминлар кўп, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон-хотун саройида тарбия олганлиги, мўғуллар истеълоси даврида оиласи билан қочганда йўлларда дарбадарликда қолиб кетиб, чўрига айланганлиги тўғрисида араб тарихчиларининг тахмини бор¹. Ўрта аср тарихчиси ал-Мақризий томонидан Шажара ад-Дурнинг туркийлардан бўлганини, у Султон Солиҳ Айюб томонидан сотиб олинган ва Султон унга уйланиб, озод қилмагунча паст мавқеда бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, у келиб чиқиши жиҳатидан мамлукларга яқин ва Мисрдаги “Мамлук султонларининг биринчи вакили”, - деб билган². Шоир, адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд шу даврни ўрганган турк олимаси Баҳрия Учокнинг Шажара ад-Дурнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни қуйидагича келтиради: Малика Шажарнинг келиб чиқиши араблардан эмасди. У Абдуллоҳ деган туркийлардан бўлган кишининг қизи бўлиб, чамаси, қирғин жангларида отаси ўлгач, чўри сифатида бадавлат хонадонларга сотилган. Ўрта аср одатларига кўра, энг гўзал чўрилар султонларга, амирларга ва ҳатто халифаларга совға қилинган. Малика Шажар қудратли давлат раҳбари – малика ал-муслимийн даражасига етганида ҳам халифага чўрилик пайтларини унутмай, олтин, кумуш тангаларга ўзининг исми ёнига “*ал - Мустасимийа*”, деган сўзни кўшиб зарб эттирган, бу билан у халифа ал-Мустасимнинг чўриси эканлигини тан олган³. 1250 йилда Султон Туроншоҳнинг ўлими Мисрга хавф солиб турган Людовик IX ва мўғулларнинг таҳдиди вақтига тўғри келди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу таҳдидларга қарши туришни талаб қилар эди. Шунда Ал-Мансур минтақасида 1249-1250 йилларда француз қироли Людовик IX кўшинларини енгилда баҳрий мамлук қисмлари кучли эканликларини намоён қилдилар. Шундай қийинчилик даврида Мисрнинг эътиборли кишилари тахтга Шажара ад-Дурни лозим кўрадилар. Шажара ад-Дурни Аббосий халифа Муста‘сим биллоҳ Бағдоддан Қоҳирага Нажм ад-дин Айюбийга совға сифатида юборган эди. Айюбий тахтга ўтиргач, Шажара ад-Дурнинг ҳам мартабаси ошди, уни Айюб қулликдан озод қилиб, ораларида фарзанд туғилгач, Малик Солиҳ унга расман уйланди ва шу сабабли, Шажара ад-Дур малика мақомини олди. Фарзандларига Халил деб исм қўйдилар. Малика ҳаттоки, жанг майдонларида ҳам доимо эридан айрилмасди. Фарзанди Халил сабабли уни “*ал-маликат исматуд-дийн Шажар ад-дур*” (малика дур дарахти), “*би малика-т- ил-муслимин волида т-ил-малик Халил*” (мусулмонларнинг маликаси, подшоҳ Халилнинг онаси), –деб атардилар.

Шажара ад-Дур салтанатида дуч келган биринчи муаммо бу – Димьятни эгаллаб олган салибчилар муаммоси эди. Шажара ад-Дур марҳум султон Солиҳ Нажм ад-Дин Айюбнинг

¹ Ходжаева R. Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII-XV асрлар). –Ташкент: “Hilol Mediya”, 2013.– В. 113-114

² Тақий ад-Дин ал-Мақризий. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk . Bayrut: Dar al-kutub al-ilmia. 1997. – В. 361. (Bundan keyin: al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk.)

³ Mahkam Mahmud. Malika Shajar qismati. <https://ziyouz.uz/matbuot/mustaqillik-matbuoti/mahkam-mahmudov-sharqning-hukmdor-ayollari-1991>

Бейбарс, Октой, Ойбек, Қутуз каби туркий лашкарбошилари ва амирлари ёрдамида салбчиларга қарши шиддатли курашиб, улар устидан ғалаба қозонган. Шундай қилиб, Султона Шажар ад-Дур дуч келган хавф таъсиридан халос бўлишга муваффақ бўлди. Бирок буларнинг барчаси Шажара ад-Дурни ўша даврдаги сарой аъёнлари уни қўллаб-қувватлаши учун етарли эмас эди, янги Султонани, биринчи навбатда, аёл киши эканлиги боис ҳам, мусулмонлар ўзларига аёл ҳукмронлик қилишини хоҳламаганлар. Афтидан, Шажара ад-Дур бу ҳолатни ҳис етиб, у сарой аъёнларига яқинлашишга ҳаракат қилиб, уларга мартабалар ва совға-саломлар берган, шу билан бирга, улар ишончи ва унга нисбатан меҳрини қозониш мақсадида солиқларни камайтирган ва, умуман олганда, яхши сиёсатни ўрнатган¹. Унинг исми мусулмонлар маликаси ва содиқларнинг бош қўмондони Султон ал-Мансур Халилнинг онаси сифатида, танга устига “Ал-Мустасимийа Солиҳийя” шаклида ёзилган. Эҳтимол, Шажара ад-Дур ўзи асли келиб чиқиши жория бўлганига, айюбийлар наслидан келиб чиқмаганлигини ҳис қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун у ҳукм чиқаришга қонуний жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Шажара ад-Дур, бир томондан, “Умм Халил Ал-Солиҳийя” деган номни оқлашга интиланган бўлса, бошқа томондан турмуш ўртоғи Айюбийлар сулоласи шаънини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган². Шажара ад-Дурнинг номи Бағдоддаги халифа номидан кейин Миср масжидларида хутба вақтида зикр этилган, олтин тангаларга зарб қилинган. Бу тангалардан биттаси Лондондаги Британия музейида сақланиб келмоқда³. У 80 кун давомида Мисрни бошқарган. Бу сана бўйича ҳам тафовутлар бор. Баъзи манбаларда 3 ой деб ҳам ёзилган. Унинг бош маслаҳатчиси амир Ойбек эди. Маълумки, ислом давлатларида “ҳукмдор аёл киши бўлиши мумкин эмас” деган қараш бор. Мусулмон умматининг раҳнамоси бўлган Бағдоддаги Аббосий халифа ал-Мутаъсим аёл кишининг давлатни бошқаришига фатво бермайди ва жиддий норозилигини билдиргач, у бош қўмондон Ойбекка турмушга чиқишга мажбур бўлади. Му’из ад-дин Ойбек ат-Туркманий 1250 йилда тахтга ўтиргач, энди бевосита мамлуқлар бошқаруви даври бошланган.

Унинг тимсоли ҳозир ҳам ўзига тадқиқотчилар, санъаткорлар эътиборини жалб этмоқда, унинг исми билан кўчалар аталган, у тўғрисида китоблар ёзилмоқда, кинофильмлар, телеспектакллар яратилмоқда, романлар битилган, шу жумладан, машҳур ёзувчи Жиржи Зайдоннинг “Шажара ад-Дур” романи ҳамда Муҳаммад Арйоннинг худди шу ном билан ёзган романлари мавжуд⁴. Ойбек ат-Туркманий 1257 йилгача Миср тахтида султон Ойбек ал-Муъизз номи билан ҳукмдорлик қилган. Аммо қатъиятли Шажара ад-Дур ҳамон давлат ишларига аралашаргани боис, ҳукм учун курашда иккалови ҳам фожеали ҳалок бўлганлар.

Мамлук султонлари даврида мисрлик аёллар нафақат қўлларига хина қўйишган, балки тирноқларини кизил бўёқ билан бўяшган, бу ҳолат баъзи хорижий саёҳатчиларнинг эътиборини тортган. Бундай кўриниш кўплаб аёллар танасининг турли қисmlари билан

¹ Ibn Iyas Muhammad ibn Ahmad. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. Al-Qahira: kutub al-hay'a al-misriya. 1982. – B. 89 (Bundan keyin: Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur.)

² ‘Abd al-Fattah Ashur. Al-‘Asr al-mamalik fi Misr va-sh-Sham. Al-Qahira. Dar an-nahda-l-arabiya. 1965. – B. 13.

³ Ahmad Muxtor Al-‘Ibodiy. Qiyom davlat al-mamolik al-uvla fi Misr va-sh-Shom.–Iskandariya: Al-muassasa shabbob al-jomi'a, 1982. – B.119

⁴ Xodjaeva R. Mamluklar davri arab adabiyoti (XIII-XV asrlar). –Toshkent: “Hilol Mediya”, 2013.– B. 114 Abu Abd al-lah bin al-Hoj al-Molikiy. Al-Madhal ila tanmiya al-A'mol bitahsiyn an-niyat bat-tanbih ala ba'd al-bad'l bal-a'void. J.2. Al-Qahira. Maktaba dor at-turas. 2007. – B.167

безатилган татуировкадан фарқ қилган¹. Бу даврда агар аёллар кўчага чиқишни хошлаша, энг чиройли кийимларини кийиб, ўзида бор барча безакларни тақиб, хушбўй ҳидли атирлардан сепиб кейин чиққанлар². Бу тақинчоқлар орасида янтардан ишланган “анбария” деб аталадиган заргарлик буюми ҳам бўлган³. Шунингдек, қимматбаҳо балдоқ (ҳалқа)лардан ҳам фойдаланганлар⁴. Икки қўлларига жавоҳирлар билан безатилган билакузук таққан⁵. Ва бошида олтин ва марваридлар билан безатилган “асаиб” деб аталувчи тақинчоқ бўлган. Бу тақинчоқ отларнинг терисидан ишланган бўлиб, тасмага ўхшаш фақат чиройли безак берилган эди⁶. Мамлук султонлари даврида жамиятдаги аёлларнинг мавкеига келсак, мамлуклар тоифасида бўладими ёки бошқа одамларми, аёлларга жуда ҳурмат кўрсатилган. Мамлуклар аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, “خوند” – “хунд” ва “خاتون” – “хотун” каби номлар билан атганлар. *Хунда* номи султонларнинг хотинларига хос бўлган, лекин баъзи жойларда катта табақа аёлларга нисбатан ҳам қўлланилган. *Хотун* сўзига келсак, у, дастлаб, малика, амира деган маънони англатади, кейинчалик эса умуман, аёл, ёки хоним маъносида ҳам ишлатилган. Ўзбек тилида “хотин” сўзи аёл⁷ маъносида қўлланилади. Улар, шунингдек, султонларнинг қизлари, хотинлари ва опа-сингилларига ёзган ёзишмаларидан уларга турли хил ҳурмат, эҳтиром изҳорлари берилган⁸. Мамлук султонлари аёлларга пул ва мол-мулк беришга ваъда бермай, ҳаттоки “агар биз ҳар бир аёлнинг хоҳиш-истаклари, кийимлари, улар хоҳлаганидек уйлар билан таъминлашимиз керак бўлганида эди, уларнинг истакларини рўйхатини ўзини ёзиш учун бир нечта жилдли китоб ёзишимиз керак бўлар эди”, – деб айтганлар. Ўрта аср тарихчиси аз-Зоҳирий фикрини давом эттириб, “Биз “хунд” лардан бири вафот этганида, унинг бойлиги ҳисоблаб кўрилганида атиги олти юз минг динор бор эди”, – деб ёзади⁹. Бу билан аз-Зоҳирий мамлук султонлари аёлларига катта миқдорда маблағ бермаганлигини тасдиқлайди. Султон ан-Носир Муҳаммаднинг қизи эса, Амир Таранинг хотини бўлгач, ундан жуда катта бойлик мерос қолган. Ушбу бойликлар қирқ минг дирҳам ёки ўша вақтдаги икки минг Миср динорига тенг эди¹⁰. Баъзи султонлар ўз ҳарамиддаги аёлларни, одатда, Гизада ва бошқа жойларда бўладиган тадбир, маросимларга олиб боришган. Бунда султон ҳарамиддаги аёллар отлар устига қўйилган махсус бўялган ипак матолар билан ўралган фойтунларда борганлар¹¹. Уларнинг отларини амирлар бошқариб, улардан кейин кўплаб амирлар, мамлуклар, ходимлар ушбу аёлларни кузатиб юрганлар.

¹ Abu Abd al-lah bin al-Hoj al-Molikiy. Al-Madhal ila tanmiya al-A'mol bitahsiyn an-niyat bat-tanbih ala ba'd al-bad'i bal-a'void. J.2. Al-Qahira. Maktaba dor at-turas. 2007. – B.167

² al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.536

³ Taqiy ad-Din al-Maqriziy. Kitob al-mavo'iz va al-i'tibor bi-zikr al-xutat va al-osor. J.3. –Buloq: Kaston Viit, 2002 – B.166

⁴ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.536

⁵ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.528

⁶ Ibn Tag'riberdi Abu al-Mahosin. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.9 –Lubnon: dor al –kutub al-ilmiya, 1992 – B.176 (Bundan keyin: Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira.)

⁷ O'zbek tilining izohli lug'ati : 5 jildli : 80 000 dan ortiq so'z va so'z birikmasi. // A.Madvaliev tahriri ostida. – Toshkent: “O'zbekiston milliy entsiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2006-2008. – B.415

⁸ Shahob ad-Din al-Qalqashandiy. Subh al-a'sha fi sinaot al-insho. –Qohira: Dor al-Kutub. J.7. 1914-1919. – B.166

⁹ Xalil ibn Shahin az-Zohiriy. Zubdat kashf al-mamolik va bayon at-turuq va-l-masolik. –Qohira: Dor al-arab li-l-bustoniyy, 1988. – B.121

¹⁰ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2.– B.777

¹¹ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.6– B.256-257

Агар султоннинг хотини ёки онаси Хаж сафарига борадиган бўлса, султон бу маросим учун жиддий тайёргарлик кўриб, уларни олиб юришга мўлжалланган махсус замбарак тайёрлаттирган. Уларни кузатиб бориш учун Султон карвон ҳозирлатиб, уларга ҳамроҳлик қилишни энг сара амирларга буюрган¹. Хаж маросимларини бажариб, Мисрга қайтган онаси ёки хотинини султон уни Қоҳира ташқарисида кутиб олишга чиққан, сўнг бу амални бажарган онаси ёки хотини учун буюк байрам сифатида нишонлашга буюрган². Шунингдек, амирлар уларга қимматбаҳо совғалар ва ҳашаматли буюмлар ҳадя этишган³. Агар султон харамдаги хотинларидан бири касаллиги ҳақида хабар топса, ўша заҳоти унинг ҳолидан хабар олгани борган. Агар Султон хотинининг касаллигини даволаш учун шифокор “ҳаво алмаштириши” зарур эканлигини тавсия қилса, шунда у Булоққа бориб, Нил дарёси жозибасидан баҳра олишига рухсат берган⁴. Даволаниб, шифо топгач, Султон катта байрамни нишонлар, бу тадбирга аёлни табриклаш учун давлатнинг хурматли вакиллари, сарой аъёнлари, шу жумладан амирлар, қозилар ташриф буюришган. Унинг дарвозаси олдида ноғора ва табил чалувчилар тўпланганлар. Кейин Хунд олов, шам ва чироқлар билан ўралган ажойиб манзара қуршовида ҳамда орқасида амирларнинг хотинлари ва канизаклар билан қалъадаги уйига қайтган⁵. Аммо агар Султон ёки амирларнинг хотинларидан бири вафот этса, барча амирлар марҳуманинг руҳи учун Қуръон тиловати қилганлар. Султон ёки амир кўпинча марҳума хотинининг руҳига бағишлаб, камбағал ночорларга хайр-эҳсон ва маблағларни тарқатар эди⁶. Агар Султон хотинларидан бири ҳомиладор бўлса, у бутун эътиборини шу туғилажак бола ўғил бўлишига, тахт вориси бўлиб, унинг ишларини давом этиради, деган умидда ўша аёлга қаратарди. Агар у хоҳлаган нияти амалга ошса, у ҳолда янги туғилган чақалоққа бағишлаб катта байрам ўтказилар эди. Онасини эса, улуғлаб, Байт Заркаш доирасига ўтказиб, унга хурмат кўрсатганлар. Бу тадбир етти кеча-кундуз ўтказилиб, аёлга мукофот сифатида минглаб динорлар берилган⁷. Бу аёлларга бўлган хурмат фақат султонлар ва улар амирларининг аёллари билан чегараланмаган. Миср султонлари даврида Миср халқининг аёлларга бўлган хурмати баланд бўлгани тўғрисида далиллар мавжуд.

Бунинг энг яхши исботини одамлар ўзларининг аёллари ва қизларига – “ست الخلق” – “Ситту ал-хулқ” – “олти хулқ, олти борлиқ”, “ست الحکام وست الناس” – “Ситту ҳуккам ва ситту ан-нос” – “олти ҳукмдор ва олти одам”, “ست القضاة وست الكل” – “Ситту ал-қадот ва ситту ал-кулл” – “қозиларнинг олтитаси ва ҳамма нарсанинг олтитаси” каби мағрурлик, мақтов, улуғлаш каби кўплаб номлар берилишида кўриш мумкин⁸. Агар аёллардан бири йўлга чиқса, агар унинг эри қодир бўлса, у эшак ва унга ҳамроҳлик қилиши учун хизматкор олиб келган. Бу вақтда ёзилган асарларда аёлларнинг камчиликлари ҳақида кўп айтилмаган, аксинча, кўпчилик манбаларда уларни мақташган. Масалан, Ўрта аср тарихчиси ас-Саховий

¹ Taqiy ad-Din al-Maqriziy. Kitob al-mavo'iz va al-i'tibor bi-zikr al-xutat va al-osor. J.4. –Buloq: Kaston Viit, 2002 – B. 250

² al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.235

³ Ibn Iyas . Kitob tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.2. – B. 50-51

⁴ O'sha asar. B. 49

⁵ Ibn Tag'riberdi Abu al-Mahosin. Muntaxabot min havodis ad-duhur fi mada al-ayyom va ash-shuhur / al-Muhaqqiq Muhammad Kamol ad-Din Izzu ad-Din. – Qohira: Olam al-Kutub, 1990. – B.226.

⁶ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2.– B.165- 171

⁷ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.6– B.119

⁸ Abu Abd al-lah bin al-Hoj al-Molikiy. Al-Madhal ila tanmiya al-A'mol bitahsiyn an-niyat bat-tanbih ala ba'd al-bad'l bal-a'void. J.2. Al-Qahira. Maktaba dor at-turas. 2007. – B.237



замонасининг аёлларидан бирини “етақчилик, ишонч ва маҳоратга эга” деб тавсифлаб, “ўлимидан кейин ўзини гўзал машҳадда кўради”, – деган¹. Шунга қарамай, мамлук султонлари даврида аёл кишининг Миср жамиятидаги ўрнини тасвирлашда, у эркакнинг шериги ва ҳаётда унинг ўнг қўли, жамиятдаги муносиб мавқега эга эди, деб айтиш мумкин.

Мамлук султонлари даврида жамоатчилик томонидан топилган камчиликлардан бири баъзи қозилар томонидан иш кўриб чиқилганда “агар эркак ва унинг рафиқаси орасида бўлаётган муаммо кўтарилган бўлса, аёл ғалаба қозонган”. Хижрий 792 йилда Амир Минташ ва Султон Зоҳир Барқуқ ўртасидаги ғалаён пайтида Амир Минташ султоннинг сингилларини ҳибсга олишга буйруқ берган. Сингиллари ва уларни жорияларини қўлга олиб, Қоҳира кўчаларида судрашган, бу манзарани кўриб турган гувоҳлар: “...аёлларни йиғиси бутун шаҳарни тутиб кетганди”, – деб тасвирлаганлар². Бундан тушунамизки, мамлуклар даврида Миср жамиятида аёллар қобилиятли бўлишига қарамай, ҳозирги замон даражасидаги гендер тенглигига етиб бормаган. Бунинг асосий сабаби, аёлларга замонавий нуқтаи назардан ёндашувда. Ўрта асрларда Аллоҳ аёлни фақат завқ ва эксплуатация учун яратган, деган тушунча бўлган. Бу фикр ўша вақт одамлари катта пул эвазига бемалол аёлларни сотиб олишида яққол намоён бўлади. Султон ан-Носир Муҳаммад тўртта аёлга уйланган, ҳарамида эса 1200 та жорияси бўлганини кўриш мумкин³. Амирлар, умуман олганда, ҳар бир киши ўз маблағига қараб, жорияларни сотиб олишда мамлук султонларига тақлид қилганлар. Ўрта асрларда икки хил рангдаги жориялар бўлган: оқ ва қора. Султон ас-Солиҳ ‘Имод ад-дин Исмо‘ил оқ танли жориялардан кўра, қора танли жорияларни сотиб олишни афзал кўрган⁴. Жориянинг нархи ва уй ишларидаги қадр-қиммати унинг гўзал, меҳрибон, овозининг мулойимлиги, соғломлиги каби фазилатларга боғлиқ бўлган⁵. Ушбу даврда Қоҳира кул бозорларида “чорва моллари сотилгани каби куллар ва жориялар сотилувчи бозор ҳам бўлган. Ҳар бир чорва бозорида бўлгани каби, кул бозорларида ҳам даллол бўлиб, у ҳам чиройли юз ёки ёқимли овозли жорияларни намоёиш этган. Султонлар бу даллоллардан олган пулининг ярим миқдори ёки воситачиликка тенг солиқ ундирганлар ва бу солиқ хижрий 715 йилда Носир Муҳаммад ибн Қаловун бекор қилингунига қадар сақланиб қолди”⁶. Кўпинча, бир хонадон хўжайини ўз жориясига уйланган. Қозилар аввал жорияни никоҳ шартномаси тузишдан олдин озод қилиниши кераклигини таъкидлаганлар. Озод қилгачгина, никоҳ ўқилишига руҳсат берилган⁷. Кўпгина жорияларнинг исмлари замонавий манбаларда тез-тез учрайди, чунки улар султонлар ва амирларнинг саройларида муҳим роль ўйнаган.

Султонлар жорияларнинг баъзиларига уйланишгач, худди Султон Хушқадам ва Султон Ашраф Барсбай ҳукмронлиги даврида содир бўлгани каби жориялар “خوند الكبرى” – “Хунд

¹Muhammad ibn Abd ar-Rahmon as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'. J.12.– Bayrut: Dor al-Jayl, 1992. – B.4. (Bundan keyin: as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'.)

²Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira.J.5. – B.492; as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'. J.12. – B.4

³ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira.J.9. – B.210

⁴ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.733, Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.2. – B.134

⁵ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira.J.5 – B.492

⁶ O'sha asar. J.9 – B.45

⁷Ibn Hajar al-'Asqaloniy. 'Anba' al-g'umr bi 'anba' al-'umr. J.7. Al-majlis al-A'la li-sh-shuun al-islamiya, 1998. – B.496

ал-кубра” – “буюк хотин” мақомига эга бўлганлар¹. Яна шундай ходисалардан бирига тўхталсак. Хаванд Тўғой, ал-Хаванд ал-Кубра номи билан ҳам танилган аёл Султон ан-Носир Муҳаммаднинг канизаги эди. Кейинчалик у сеvimли хотинига айланди. Ўз гўзаллиги билан танилган Тўғой катта кучга эга бўлдики, ўрта аср тарихчиси ал-Мақризийнинг айтишича, Султон учун ерни ўпгани каби, баъзи қози ва амирлар унинг олдида ҳам ерни ўпишар эди. Тўғой Султон Носир Муҳаммадга ўғил туғиб бергани учун, Унга “Умм Анук” исмини беришган. Тўғой 749 йилда вафот этди ва ўзидан катта бойлик қолдирди.

Баъзи ўрта аср тарихчилари “Ўша даврда, биз бир одам унга хизмат қилиши учун жория сотиб олганини эшитганмиз, ўша канизак ўзи борган хонадон хонимидан нафратланиб, унга ҳасад қилиб, ўша соҳибани ўз хўжайинига ёмон кўрсатиб, ўлдиртирган ҳолат ҳам бўлган”, – деб ёзганлар².

Мамлук султонлари даврида Мисрда жамият ҳаётидаги аёлларнинг улушига келсак, бу, шубҳасиз, диққатни жалб қиладиган катта нисбатдир. Бунинг сабаби, ўша даврда аёлларга хос бўлган ижтимоий тўсиқларга қарамай, улар жамоат ҳаётига катта ҳисса қўшганлар. Ўрта аср тарихчиси Абд ар-Раҳмон ас-Саховий ўзининг “Ад-дуваъ-ломий фи аён ал-қарн ат-тасий”(IX асрнинг машҳур кишилари ҳақида ёрқин нур”) китобида аёлларнинг мингдан ортиқ неъматларини тилга олган³. Султон Инол сингари баъзи султон ва ҳукмдорлар ўз хотинларининг “чиройли” сўзлари таъсири остига тушиб қолган ҳолатлар ҳам бўлган⁴. Ибн Тағрибердининг сўзларига қараганда, Султон Инолнинг рафиқаси Хунд Зайнаб Султонга ширин сўзлар билан “Султоннинг ҳар бир совға ва пора олишини Сизнинг саҳий ҳиссангиз”, – деб таърифлаган⁵. Шунингдек, Ибн Ийёс бундай бошқарувни “мамлакат ишларини якка ҳолда бошқариш” лозим деб атаган⁶. Бундай тавсифлар баъзи мамлук аёлларига ўхшаш ҳолатдир. Масалан, Султон Ал-Ашраф Зайн ад-дин Ша‘боннинг онаси, Султон Ал-Ашраф Сайф ад-дин ибн Барсбойнинг рафиқаси ҳокимият ишларига аралашар эди⁷.

Султон ва амирларнинг аёллари давлат ишларига аралашгани ва давлат сиёсатини бошқаришда иштирок этгани ҳақида қўплаб далиллар мавжуд. Ушбу мисоллардан биринчиси, ўрта аср тарихчилари “хулқи қийин, кучли, айёр аёл” деб таърифлаган Шажара ад-дурдир⁸. Миср тарихидаги энг оғир даврларида мамлакатни мўғуллар ва салибчилардан қутқариб, ўз ишларини бошқаришда аёл бўлишига қарамай мардонавор ҳукмронлик қилган, шунингдек, султон ўрнини эгаллаб ва саксон кунни ўтказди, бу даврда у жуда хушмуомалалиги ва бой ақл-идрокли эканини намоён этди.

Худди шундай воқеа 676/1277 йилда мамлуклар султони Ас -Са‘ид Баракатхон ва унинг амирлари ўртасида тортишув бўлганида, Султон онасини амирлар билан музокарага юборган. Улар аёл кишига бўлган барча ҳурматларини кўрсатишиб, унинг таклифларини

¹ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.7. – B.738

² al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.872, Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.2. – B.134

³ as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'. J.12. – B.12

⁴ O'sha asar. J.12. – B.54-55

⁵ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.7 – B.465

⁶ Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.2. – B.189

⁷ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.4. – B.479.

⁸ Ibn Iyas. Kitab tarix Misr al-mashhur bi bada'i-z-zuhur fi viqa'i-d-duhur. J.1. – B.91

кўриб чиқишиб, ушбу музокаранинг натижалари тўғрисида хабардор қилиш учун Султон Ас -Са'ид Баракатхон ёнига қайтиб келишади¹.

Ал-Мақризий 737/1337 йилда баъзи волийлар савдогарларни молларини мусодара қилиши ва уларга қилинган ишларни эслатиб ўтади. Амирларнинг кўпчилиги савдогарни авф этиш учун чиқишади, лекин Султон улардан ҳеч бирини эшитмайди, шунда Султон ан-Носир Муҳаммаднинг хотини Ситту Ҳадақ савдогарга қилинган адолатсизликка қарши тургач, унинг фикрини эшитиб, кўриб, дарҳол, аёлининг хоҳишини бажаради². Ибн Ҳажар Султон ан-Носир Муҳаммаднинг хотини малика Тўғой ҳақида гапириб, ўша аёл сабаб, буғдойдан олинган солиқ тури бекор қилинган³. Бу каби воқеалар мамлук ҳукмронлиги даврида бир неча бор такрорланган. Бунда султонларнинг аёллари ўзлари ва амирлар ўртасида келиб чиққан низоларни бартараф этиш учун музокаралар ўтказганлар. Ўша давр аҳли аёлларнинг кучи ва таъсирини англаб етгач, ўзларини эҳтиёжларини амалга оширишда уларга воситачилик қила бошладилар. Агар савдогар давлатнинг масъул шахсларига даъво қила олмаса, йўлини қидириб, султоннинг ҳарамига шикоятини юбориб, унинг дарров эҳтиёжлари қондирилди⁴. Ас-Саховий Балқийний илми тўғрисида гапириб, ўзининг мавқеига рафиқаси Хунд ал-Узма сабаб эришганини ёзган⁵.

Мамлуклар даврида мамлук қони бузилмаслиги учун маҳаллий аҳоли қизларига эмас, фақатгина туркий жорияларга уйланишга рухсат берилган. Кейинчалик, черкес ҳукмронлари даврида бу чекловлар ҳам аста-секин ўз кучини йўқотган.

Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни айрим давлат ишларига аралашиб билан чекланиб қолмай, улар илмий ва диний ҳаётда ҳам фаол иштирок этдилар. Тарихда кўплаб аёллар машғул бўлган соҳалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мамлук султонлари даврида улар наҳв ва сарф бўйича илм олиб, шеър ёзганлар⁶. Аёллар ўша даврдаги фақиҳлардан, муҳаддис, уламолардан кўп илмларни ўрганганлар⁷, лекин фикҳ, ҳадисшунослик билан шуғулланганлари ҳақида маълумотлар кам.

Кўпинча аёллар сув бўйлари, денгиз қирғоқлари, Нил дарёси бўйлари ва бошқа ўйин-кулги, ҳар хил томошага мўлжалланган жойларга борардилар, бу ерларга аёллар борса, ҳаё пардаси кўтарилишини инобатга олиб, қози ва дин пешволари аёлларни бундай жойларга бормасликка чақирардилар⁸. Шунинг учун баъзи султонлар аёлларни кўчаларга олиб чиқишга ёки қабрларга, хиёбонларга боришига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилардилар. Аммо бу тақиқ фақат бирмунча вақтга чўзилди, шундан сўнг вазият олдинги ҳолатга қайтган⁹. Бу 741/ 1438 йилда содир бўлганидек, Миср ва Қоҳирада барча аёлларга уйларида чикмаслиги, бирон-бир аёл кўча ёки бозор майдонидан ўтмаслиги ҳақида

¹ Ibn Tag'riberdin. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.7 – B.266-267

² al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.2. – B.412

³ Ibn Hajar al-'Asqaloniy. 'Anba' al-g'umr bi 'anba' al-'umr. J.7. Al-majlis al-A'la li-sh-shuun al-islamiya, 1998. – B.101

⁴ Ibn Tag'riberdi. Kitob an-nujum az-zohira fi muluk Misr va-l-Qohira. J.7 – B.166

⁵ as-Saxoviy. Ad-duval lomi' fi ay'yon al-qarn at-tasi'. J.12.– B.25

⁶ Ibn Hajar al-'Asqaloniy. 'Anba' al-g'umr bi 'anba' al-'umr. J.4. Al-majlis al-A'la li-sh-shuun al-islamiya, 1998. – B.395

⁷ Badr ad-Din al-Ayniy. Aqd al-Jamon fi tarix ahl az-zamon. J.2. – Qohira: Daar al-kutub al-qavmiya, 2010. – B.207

⁸ Abu Abd al-lah bin al-Hoj al-Molikiy. Al-Madhal ila tanmiya al-A'mol bitahsiyn an-niyat bat-tanbih ala ba'd al-bad'I bal-a'void. J.2. Al-Qahira. Maktaba dor at-turas. 2007. – B.17-23

⁹ al-Maqriziy. As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk. J.4.– B.423,729

муружаат қилинган. Агар кимда-ким чиқса, ўлдириш билан таҳдид ҳам қилинган. Аксарият аёллар, қизлар, қари хотинлар кўчага чиқишдан ўзларини тийган. Кимда-ким кўчага чиққан бўлса, кўринган аёлларни калтаклашган. Кўрқитиш орқали бу масалани ҳал қилишмоқчи бўлганлар. Бу ходисадан кейин бирон-бир йўлда биронта аёл ҳам кўринмаган. Кўплаб бевалар ва ёлланма меҳнат билан шуғулланувчи аёллар сони камайиб кетган. Бу иқтисодиётга жиддий зарар келтириб, кўплаб маҳсулотлар, жумладан, аёллар кийим-кечаклари ва атторлик савдоси узилиб қолган¹. Мамлуклар жамиятида ёки ўрта асрлардаги бошқа ислом жамиятларида, аёллар чекланган касблар турлари бўйича фаолият юритганлар. Аёллар кўпроқ аёллар ҳаётига бевосита боғлиқ хизматлар билан шуғулланганлар. Улар тўлғоқ тутган ҳомиладор аёлларга доялик қилганлар, аёлларнинг сочларини чиройли турмак қилишга хизмат қилувчи аёллар сартарошлари ҳам бўлган. Агар аёл киши вафот этса, унга ғассолалар (ювувчилар) майитни ювиб, кафанлаб беришган. Аёллар ҳаммомлари, касалхоналарда хизматчи вазифаларини келтириб ўтиш мумкин. Шунингдек, турмушга чиқаётган қизларни безашда кўмак берувчи гўзаллик ходималари ҳам бўлган. Бу касблар ичида доялар ва сартарош аёллар катта миқдорда маош олишган. Кийим-кечак билан савдо қилувчи аёллар тўқимачилик саноатининг ривожланишида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлиб, уларнинг миқдорлари ўша пайтда, асосан, бой оилалар бўлганлар.

Маҳоратни талаб қилмайдиган касблар ҳам бўлиб, улардан энагалар янги туғилган чақалоқларни кўкрак сути билан боқиш, уни парваришлаш хизматини бажарган. Бу вазифани кўпроқ жориялар бажаришган. Шунингдек, аёллар маҳорат талаб қиладиган бир неча касблар бўйича эркаклар билан рақобатлашган. Қизларга таълим беришда эркаклар билан бир қаторда, аёл муаллималар ҳам бўлган. Эркак ва аёл безакчиларга келсак, улар турли хил хизматларни тақдим этган. Аёллар учун флеботомия (қон кетишига асосланган даволаниш) ва ҳижома (ортиқча қонни олиб ташлаш) кабиларни, шунингдек, тишларни тозалаш ва оқартириш каби хизмат турларини ҳам аёллар бажарганлар.

Муҳаммад Саҳри Баршавийнинг ёзганидек, Мамлук султонлигидаги энг машҳур мамлук аёлларидан бири Шажара ад-Дурнинг меъморчилик ва санъатга бўлган қизиқиши Қоҳирада бадий ижоднинг буюклиги ва меъморий ютуқлардан гувоҳлик берадиган иккита мақбара қурилишида намоён бўлади. Улардан биринчиси Ас-Солих Нажм ад-дин Айюб мақбараси бўлиб, 648/1250 йилда Ас-Солихия мадрасаси ёнида рафиқаси Шажара ад-Дурр томонидан ан-Нухҳасийн (Ал-Муизз ад-Дин Ал-Фотимий) кўчасида барпо этилган. У Қоҳиранинг Ал-Халифа кўчасида, Аҳмад ибн Тўлун масжиди майдонида жойлашган. Шажара ад-Дурр ҳам 656/1258 йилда вафот этганида шу ерга дафн этилган. Султон ан-Носир Муҳаммад ибн Қаловуннинг рафиқаси Ал-Хунд Тўғой ал-Кубра 749 /1348 йилда Амир Тоштемир ас-Соқий ерларида хонақоҳ ташкил этган бўлиб, у вақф маблағлари ҳисобидан қурилган. Султон ан-Носир Муҳаммад ибн Қаловуннинг қизи Темур ал-Ҳижазийа Боб ал-Вазир кўчасида ал-Ҳижазийа мадрасасини қуриб, унга китоб жавони, минбар қўйган. Шунингдек, у жума куни хитоб қилиш учун минбар қўйдириб, ичкарасига гумбаз қурдирган бўлиб, у ерга ўзи дафн этилган. Мадраса ёнида у мусулмон етим болалар ва таълим изловчилар учун у ерда яшаб, ўқишга мўлжаллаб хоналар қурдирган². Султон Ан-Носир Муҳаммад ибн Қаловуннинг мураббияси Ас-Сайида Хадақ 737/1336 йилда масжид қурдирган.

¹ Ahmad 'Abd ar-Roziq. Al-Mar'a fi Misr al-mamlukiya. Qohira: al-hay'a al-misriya al-oma lil-kitob, 1999. – B.48

² <http://www.shbabmisr.com/mt~132888>

Юқорида шаҳарлардаги аёллар ва уларнинг жамоат ҳаётидаги улуши ҳақида айтиб ўтилди. Қишлоқ ҳаётига келсак, бу мамлуклар даврида қийин бўлган Уларнинг ҳаёт тарзи машаққатли бўлиб, эрини ишларига қарашган. У дарёдан ёки оқимдан ичимлик суви олиши, у билан кийимларни ювиши, уйга ичимлик суви олиб келиши керак. Бунга қўшимча равишда, болаларини эмизиши, эри ва оиласи учун овқат тайёрлаши, нон, фул таоми ва байсар¹ пишириши керак эди². Мисрдаги мамлуклар жамиятдаги аёллар ўзларининг мавжудлигини, бу жамиятдаги ўринларини диний ва хайрия муассасаларини барпо этиш орқали намоёниш этганлар.

Мамлуклар ўз аёлларини шарафлаб, уларга миннатдорлик туйғуси билан қарашган, бу уларга берилган номларда ҳам кўринади. Масалан: “بركة الدولة” – “барака ад-Давла” – давлатнинг баракаси, “بركة المملوك” – “барака ал-мамлук” – мамлукнинг баракаси, “بركة السلاطين” – “барака ас-салаатийн” – султонлар баракаси, “جلال النساء” – “жалал ан-ниса” – аёллар кўрки, улуғворлиги, “الجهة الكريمة” – “ал-жиҳа ал-қарийма” – раҳмдил томони, “الجهة الشريفة” – “ал-жиҳа аш-шарийфа” – олижаноб томони, “خاتون” – “Хотун” – “хотин”, “خوند” – “Хунд” (хотин), “الجليلة” – “ал-Жалила” – буюк, кўркем, “الدار” – “ад-даар” – “уй”, “الستارة” – “ас-Ситара” – “пана жой”, “سليلة ملوك والسلاطين” – “Салийла мулук ва ас-салатийн” – Султон насл-насабини давом эттирувчи, “غسن الإسلام” – “Ғусн ал-ислам” – “исломнинг шоҳи”, “فروع القوة عين الملوك” – “фуру аш-шажара аз-закийя” – “гўзал дарахтнинг новдаси”, “والسلاطين” – “Қувва айн ал-мулук ва ас-салатийн” – “султон ва подшоҳларнинг кўз қуввати” – каби номлар билан аташган. Бу исмларни султонларнинг қизлари, хотинлари ва сингиллари билан ёзишмаларида ҳам кўриш мумкин.

Бу асрда аёллар масаласи мураккаб ва нозик мавзулардан саналади. Айниқса, Шарқда аёлларнинг оилавий, ижтимоий ва маиший ҳаётига тегишли бўлган ҳаёт тарзи шарқий урф одатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Энг қизиғи, зикр этилган аёлларнинг барчаси этник жиҳатдан келиб чиқиши туркий бўлгани сабабли, улар жамиятда туркий анъаналарнинг узок вақт сақланиб қолишига катта ҳисса қўшганлар.

Демак, кўпгина жориялар, гўзал ва оқилалиги билан малика даражасигача кўтарилиб, ширин муомаласи, жозибаторлиги билан Мисрдаги барча амирларни мафтун этиб, ўзига бўйсундира олган.



¹ Ful arablarning loviyadan pishiradigan taomi Yusuf bin Muhammad bin Abd al-Javvad bin Ash-Sharfiniy. Hazzu al-Qahuf fi sharh qasiyd Abi Shodif. – Buloq, 1890 – B.54

² Yusuf bin Muhammad bin Abd al-Javvad bin Ash-Sharfiniy. Hazzu al-Qahuf fi sharh qasiyd Abi Shodif. – Buloq, 1890 – B.54

LIFE AND TIME IN ORKHON-YENISEY MONUMENTS

DILBER JAMALI

*researcher, doctoral student, Institute of Linguistics named after Nasimi
of the Azerbaijan National Academy of Sciences*

Abstract. *The Turks, who have the steppe culture, also thought about these questions and reflected their worldviews in the monuments. They had certain ideas and beliefs about the existence, formation and creation of the universe. The ancient Turks had certain ideas and worldviews about life, set a measure for time, used the Turkish calendar with twelve animals, and this is widely reflected in the language of the monuments. The fact that the calendar with twelve animals reflects the Turkish culture and some sources confirm it suggests that the calendar belongs entirely to the Turkish way of thinking. A calendar with 12 animals was developed in the language of the Orkhon-Yenisei monuments. In the article, it is known that the concepts of life and time and cosmogony were formed in the world view of the ancient Turks.*

Keywords and expressions: *life, time, Orkhon, Yenisei, monuments, calendar*

Аннотация. *Чўл маданиятига эга бўлган турклар ҳам шу саволлар устида ўйлаб, дунёқараишларини ёдгорликларда акс эттирган. Уларда оламнинг мавжудлиги, шаклланиши ва яратилиши ҳақида маълум гоёлар ва эътиқодлар мавжуд эди. Қадимги туркийларда ҳаётга оид маълум тасаввур ва дунёқараишлар бўлган, вақт ўлчови ўрнатилган, ўн икки ҳайвон билан туркий календардан фойдаланган ва бу ёдгорликлар тилида кенг ўз ифодасини топган. Ўн икки ҳайвонли тақвим турк маданиятини акс эттиргани ва баъзи манбалар бунни тасдиқлаганлиги тақвим бутунлай туркий тафаккурга тегишли эканлигини кўрсатади. Ўрхон-Енисей ёдгорликлари тилида 12 ҳайвондан иборат календарь ишлаб чиқилган. Мақолада маълумки, қадимги туркларнинг дунёқараишида ҳаёт ва замон, космогония тушунчалари шаклланган*

Таянч сўз ва иборалар: *ҳаёт, замон, Ўрхон, Енисей, ёдгорликлар, календарь.*

Аннотация. *Турки, имеющие культурное наследие, отразили эти вопросы и отразили свое мировоззрение в памятниках. У них были некоторые идеи и убеждения о существовании, формировании и сотворении Вселенной. Древние тюрки имели некоторые представления о жизни, формировали свое мировоззрение, измеряли время и использовали дюжину турецких календарей животных, которые широко отражались на языке памятников. Тот факт, что 12 календарей животных отражают турецкую культуру и что некоторые источники подтверждают это, разумно сказать, что календарь полностью турецкий. Календарь с 12 животными был разработан на языке орхон-енисейских памятников. В статье известно, что представления о жизни и времени и космогонии формировались в мировоззрении древних тюрков.*

Опорные слова и выражения: *жизнь, время, Орхон, Енисей, памятники, календарь.*

Introduction. There are concepts of linguoculturology. A *concept* is a French word that is an abstract and general description of a particular concept or thought in a mind. Subjective elements of culture realized in language are called linguoculturological concepts. *"The object of linguoculturology is a concept. This word is a very close idea to both "conception" and "category" and is a global as a unit of thought. While studying the linguocultural aspects of Karabakh folklore, Kazimov mentioned more than ten linguocultural concepts. For instance: "homeland", "world", "love, affection", "mind and thought", "good, evil", "family, household", "human",*

"labour", "home", "debt", "death", "time", "guest" and so on.¹ The more an individual's system of concepts, lifestyle, and thinking is extensive, the more this list can be expanded. Of course, here we will focus only on the concepts that play an essential role in human life. The textual content of the Orkhon-Yenisei monuments can give us certain concepts: life and time, family, faith, birth and death, and so on.

The meaning and importance of life, the reason for the creation of human beings and the universe, and how they came into being are among the questions of philosophy. The Turks, who have a Bozgir culture, also thought about these questions and reflected their worldview in the monuments. The divine Turks, who had certain ideas and beliefs about the existence, formation, and creation of the universe, believed in the creation of the earth, the sky, and the "son of man," the human race, by a divine force, while the shamanistic Turks believed it was by Ulga or Bay Ulga. According to them, life consisted of birth, creation, war, struggle, and death. The cause of death was the order of the "öd tengri".

In the old Turkish faith, we are confronted with the "tree of life" about the source of life. It is a "tree cult" that is seen as a source of life among shamanistic Turks and Turks of other religions too. This tree serves as a tool for shamans to travel from the earthly world to other worlds. It has eight or nine branches. Birds landing on their branches indicate that they carry the spirits of the dead. Generally, this sacred tree is considered a birch tree. Shamans make instruments from birch wood. A holy and helpful spirit named Umay also descends to the earth with a birch tree. According to Turkish mythology, the first man was created under a nine-branched tree. In Turkish thought, the "Saint Tree" is a way to be reunited with God. In short, the tree is a symbol of the beginning of life. In the system of shamanism, the most sacred tree is the birch tree. This is most often seen in the Altai Turks.

In the Orkhon-Yenisey monuments, the word "ıǵaç" (tree) is used twice (BX, c, 11, T, shm, 25): "*Çıntan ıǵaç kelürip öz yaraş*" ("*Sandalwood has brought a crop...*") (BX, c, 11)²

First, the Chinese emperor, who had sent 500 envoys and soldiers to Bilga Hagan's funeral, had sent "çıntan ıqaç," or sandalwood, along with the valuable gifts³. Of course, the "çıntan ıqaç"(sandalwood), which is not present in Turkish culture, belongs to the Chinese tradition. According to the general opinion in Turkology and V. Thomsen, "*this word, which is a valuable type of tree, is derived from the Chinese word "chandana" of Sanskrit origin*". In accordance with E. Aydın's research, "*this plant, which is used as "incense" at the funeral, is a tree to show good intentions by sending a delegation of mourners to the Chinese ambassadors who took part in the mourning ceremony on the sad day of the enemies of the Chinese emperors*"⁴. Most likely, the tree would be burned during the mourning ceremony, and smoke would be released from it to form spirit. *We know from history that Bilge Kagan was inclined to Buddhism, but with the wisdom and smart policy of his vizier and father-in-law Bilge Tonyukuk, he was carried away from this idea*⁵.

¹ Kazımov, İ. B. Qarabağ Folklorunun Linqvokulturloji Aspektləri // Qarabağ Folkloru: Problemlər, Perspektivlər mövzusunda II Respublika Elmi Konfransının materialları, Ağcabədi şəhəri, 15 noyabr, 2013.-s. 203-213, – Bakı : 2013. – s.206

² Rəcəbli, Ə.Ə. Qədim türk yazısı abidələri/Ə.Ə.Rəcəbli: [4 cildə]. Bakı : Nurlan, – c. 1. 2009. – 324 s.

³ Thomsen, V. Orhon Yazıtları Araştırmaları (Çev. Vedat Köken)/ O.N.Tuna. – Ankara: TDK Yay. – s.66

⁴ Aydın E. Eski Türk yazıtlarındaki çıntan ıqaç "Sandal ağacı" üzerine, //– Ankara: Ahmet Yasevi Üniversitesi Müteveilli Hayat Başkanlığı, Bilig dergisi, 2011. № 56, – s. 29

⁵ Taşağıl, A. Göktürkler: [3 cildə] /A.Taşağıl. – Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi, – c.3. – 2004. – s.45-46

We did not find in the monuments the fact that the tree was considered a cult and worshipped and referred to as a living being. In general, we can say that belief in any natural forces, worshipping them as sacred and holy are separate concepts, and we came to the conclusion that the ancient Turks did not worship the tree, but simply considered it a blessed and valuable being.

*"It should be noted that in the KDO, there is a fact of Kazan khan received information about his land from wood, worms and so on."*¹

It is not always easy to clarify the meaning and purpose of some words used in ancient Turkish written monuments. The concept of a tree is one of them. The sanctity of the tree is part of many religions or belief systems. Animism, Judaism, shamanism, divinity, Christianity, ancient Egyptian beliefs, Zoroastrianism, Indian, Turkish and Mongolian beliefs has the image of a "tree of life". Furthermore, in the belief of Azerbaijani Turks, trees are not cut on the day of ancestral spirits. Even cutting down a young tree is considered a sin, as equally killing someone. Taking as a sample, the saying "The ones who cut wet or head, will not live long" used in the Azerbaijani language confirms this. In Dada Gorgud, the expression "let not the coarse tree dry up" shows the greatness and sanctity of the tree. In Anatolian Alevi, the custom of visiting trees and bowing to an old tree is proof of belief in a tree.

In nomadic Turkish culture, such activities as cattle-breeding, horsemanship, and hunting were reflected. They lived in tents or rooms made of felt. *"For grazing animals, they were moving to pastures and wetland"*². Thus, at the Bay Bulun monument, we see that the deceased is proud of his "quadrupedal", i.e. fast-running herds, while he is alive. The Turks had the ability to organize by managing large herds in the steppe. Perhaps this was the reason why the urban and sedentary Chinese could not overpower the nomadic Turks.

In addition to meat, the Turks also used milk and skin of animals. The Turks traded silk, fur of horses, sable, squirrels and other animals with the Chinese. The use of "Kök tiyin", blue squirrel skin, i.e. fur, is reflected in the monuments (BX, c 12)³. Thus, E. Aydın notes that *the word "kök" - "göy" here means grey or ash colour along with blue and green*⁴. Because it is obvious that the word 'göy' -'blue' does not apply to squirrels. Of course, we are not interested in the colour of the squirrel, but in what purpose its name is used on the monument. Therefore, it is impossible not to touch on the socio-economic life of the Goy Turks.

In some Goyturk cities on the historic Silk Road, trade, especially fur, played a fundamental role. At the Barga monument (the erection date of the monument is unknown), a person who went to Tabgaj khan at the age of 15 said that he had gained gold, silver, and əgritəb (camel) power. The word "əgritəb", which is used only once in monuments, is used to mean a camel (*one or two protrusions formed from a pile of fat on the back of the animal*). This is a sign that the Turks use camels in social life.

The Turks, who had a certain idea of time, had already reached the level of calculation of it. For this reason, they made extensive use of the twelve-animal calendar. The historical roots of this calendar, known to our modern world as the Chinese calendar, are connected with the Turks. There are different opinions about this in Turkology.

¹ Kitabi Dədə Qorqud / tər.ed.Ş.Cəmişidov. – Bakı: AE NPB Türk, –1995. – s.34-35

² Ögəl, B. Türk Kültür tarihine giriş / B.Ögel. – Ankara: Kültür Bakanlığı yayınları, – 1991, s. 163

³ Rəcəbli, Ə.Ə. Qədim türk yazısı abidələri/Ə.Ə.Rəcəbli: [4 cildə]. Bakı : Nurlan, – c. 1. 2009. – 324 s

⁴ Aydın, E. Bilge Kagan Yazıtında Geçen kök teyeñ hayvan adı üzerine, //– Ankara: Bilkent Üniversitesi Büyük Türk dili Kurultayı Bildirileri, Bilkent Yayınları, – 2006. № 1, – s.349

French turkologist J.P. Rox claims this view: "The Chinese twelve-animal calendar was undoubtedly used systematically by the Turkic peoples at very early times. *This calendar was presented to the Turks by the Chinese in 568 lavishly. However, the calendar was used by the Turks even before this presentation*"¹. Thus, J.P. Rox writes that the creation of the calendar is based on a legend. According to legend, the twelve animals on the calendar are based on a ruler gathering animals and crossing a large river. As the mouse was the first to cross the river, it is counted as the first year in the calendar, and the other eleven animals are ranked by years according to the sequence in which they crossed the river. H.N. Orkun also states that V. Thomsen thinks that the calendar belongs to the Chinese².

*Y.Choruhlu tried to explain these disputes based on foreign sources and said that V. Eberhard confirms that the calendar belongs to the Turkish culture with the symbol of the dragon there*³. He mentions that this based on Chinese sources, but does not show substantiated evidence. Evidence that this calendar passed from the Turks to the Chinese is also reflected in their way of life. It is also a convincing fact that the nomadic Turks, who lived with animals and believed in a celestial religion, created a calendar that combined the sun with animals. The Turks, who spread over large bozgir steppes, had a more agile lifestyle than the Chinese because of their nomadic lifestyle. For this reason, they observed celestial events and celestial bodies in order to keep their time in the field in memory, to plan their migrations, and to find their way. It should not be overlooked that the nomadic lifestyle of the Turks, as well as their livestock or hunting, may be one of the reasons for this calendar.

As the basis of our opinion, N. Biray notes, "Turks, nomadic in the bozgir steppes, collectively follow the movements of celestial bodies, by observing events in the sky, they associated it with animals and used time in a systematic way when migrating to the plateau in spring and winter quarters in winter"⁴. Later, they even named the years after those animals.

The Kazakh Turks call this twelve-year system "yıl sürüş" (year-round), the Turkmen "jil övürmək", and the Kyrgyz "cıl sürü". It would be fair to say that the calendar was created out of the need to systematize and record historical memory. This calendar is even used in the Manas saga. In fact, what is essential here is not to whom the calendar belongs. The main thing is that the ancient Turks understood the concept of time and used it. While informing about the calendar, M. Kashgari also spoke about the calendar as the "*Turkish calendar*"⁵. Thus, he said that non-Muslim Turks in cities, divided the year into four and gave a name to every three months (yenigün, oğlaq ay, ulug oğlak, uluğ ay). The Turkologist even wrote that according to this calendar, they determine the character and destiny of children according to their birth in any calendar year, and

¹ Raux, J.P. Eski Türk Mitolojisi, (çev. Musa Yaşar Sağlam) / J.P.Raux. – Ankara: Bilgesu, – 2011. S.147

² Esin, E. Eski Türkçede bazı ünvanların yapısı üzerine//– Ankara: Ahmet Yasevi Üniversitesi Müttevelli Heyet Başkanlığı, – 2006 . № 16.

³ Çoruhlu, Y. Türk mitolojisinin anahtarları/ Y.Çoruhlu. – İstanbul: Kabalcı yayınevi, – 2000. – s. 169

⁴ Biray, N. 12 Hayvanlı Türk Takvimi-Zamana Ve İnsana Hükmetmek // – Ankara: Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi Taed 39 Prof. Dr. Hüseyin Ayan Özel Sayısı, – 2009. s. 2

⁵ Kaşgarlı, M. Divanü-luğat- it -turk./ çev. B. Atalay: [4 cildde] M.Kaşgari. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, – c. 1. – 1986, s.344-346

make assumptions about how the year will pass. *M. Kashgari connects the history of the calendar with the Uyghurs and narrates even an Uyghur legend about the origin of the calendar*¹.

Akay Kina from Tuva, one of the shamans living in Yakutia, says the following about the twelve animal calendars of the Turks: *“The Chinese adopted the twelve animal calendars of the Turks and made their name. However, the animal calendar was more in line with the lifestyle of the nomadic Turks. The twelve animals here (sıçğan, öküz, bars, tabışğan, lui, yılan, at, koy, biçin, takığu, it, lağzın) are the animals of the middle world according to divinity. Instead of the monkey official in the Chinese calendar, there is a human figure in the Turkish calendar. This man in the ancient Turkish calendar holds a golden jug in his hand, and the person who makes contact with the sky holding the golden jug in the calendar is a Turk”*².

Although this calendar later lost its function, it was actively used again in the 13th century after the Mongol invasions. B. Ögel, who studies Turkish culture, language and history from Chinese sources, writes: *“The twelve animal calendar is the common property of Chinese and Turks. Decorated with animals, this calendar is alien to Chinese thought and tradition. Animals and animal style are a feature of Central Asian culture full of life and struggle”*³. The researches of O.Turan, N.Biray and R.Kulju on the fact that the calendar belongs to the Turks also prove it. R. Kulcu writes: *“Since the Turks were nomads and engaged in animal husbandry, this calendar could have been more specific to them. Because this calendar is not used by the Turks in modern times, and as the Chinese now use the calendar, the 12-animal calendar is accepted as the Chinese calendar in world science”*⁴.

So that, the calendar is based on the solar year. The year consists of 365 days and 5 hours.⁵

According to the calendar, the sequence of years is as follows: sıçğan yıl (year of the mouse) (year 1), ud yıl (year of the ox) (year 2), bars/pars yıl (year of the tige) (year 3), tabışğan yıl (year of the rabbit) (year 4), lüi yıl (year of the dragon) (year 5), yılan yıl (year of the snake) (Year 6), (year of the Horse) (year 7), koy yıl (Year of the Sheep) (8th year), biçin yıl (monkey year) (9th year), tağuku yıl (chicken year) (10th year), dog year (11th year), lağzın yıl (pig year) (12th year) [125, c.1, p. 16]. There is a simple formula to find out which animal year you are in. Add 9 to the year you are in (AD) and divide by 12.

The monuments contain a calendar of frequent historical events. Of the 12 animal calendars, 10 were recorded in Turkish and 2 in Chinese. So let's look at some examples of calendar use:

1. *Sıçğan yıl / Year of the Mouse* - Although the historical event of the year of the mouse is not recorded in the monuments, it is considered to be the beginning of the year in the ancient

¹ Kaşğarlı, M. Divanü-luğat- it -turk./ çev. B. Atalay: [4 cildde] M.Kaşğari. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, – c. 1. – 1986, s.344-349

² Arpacı, G.Y. Gök-Tanrı inancının bilinmeyenleri Akay Kinenin bilgileri ışığında/ G.Y.Arpacı. – İstanbul : Çatı Kitapları, – 2012. – s. 199-200

³ Ögel,B. Düünden bu güne türk kültürünün gelişme çağları/ B.Ögel. – İstanbul: Türk dünyası araştırmaları vakfı– 1988, s. 298

⁴ Külcü R. Türklerin kültür mirası “12 hayvanlı türk takvimi” <http://dergipark.gov.tr/download/article-file/286479>. 5

⁵ Külcü R. Türklerin kültür mirası “12 hayvanlı türk takvimi” <http://dergipark.gov.tr/download/article-file/286479>, 2

Turkish calendar. "People born in this calendar year have strong 6th sense and become capable and agile people"¹

2. *Ud year / ox year*- It should be noted that no historical events or story have been recorded in the monuments related to this calendar. Although other monuments mention the year of the khagan's death or burial, or the history of conflicts and battles with any tribes, we do not find a record of the year of the ox.

3. *Bars/pars yıl- Year of the Tiger* - "Bars yıl, ekinti ay bis yigirmike"(on the fifteenth of the second month of the year of the tiger) (IB, 67) In the Irk Bitig monument, the date of the monument was marked as a calendar year because it coincided with the year of the tiger.

4. *Tabışgan yıl- / rabbit year*- "*Keyik yiyü, tabışgan yiyü olurur ertimiz*" (*We sat and eat deer and rabbits*) (T, s., 8)². According to the Altai Turks' calendar of twelve animals, 6 months of 12 months are believed to be easy and comfortable, and 6 months will be difficult. The year of the rabbit is also one of the easy and convenient years³.

5. *Lüi yıl / Dragon year* - "*Üzə teñri kan lui yılka yetinç ay küçlig ap kağanımda adıralu bardınız*" (*Above, god khan, you left my strong brave khagan in the seventh month of the year of the dragon*) (O, 12)⁴. We should mention that the word *lüi* is in Chinese.

6. *Yılan yıl / Year of the Snake* - "*Yılan yıl onıç ayka İnöz İnənçü Besbalıka barıpman..*"(*In the tenth month of the year of the snake, I am going to Inoz Inencu Besbalik*) (HT,24)⁵. According to the belief of the Altai Turks, it is one of the most difficult and bad years in the calendar.

7. *At yıl / year of the horse*-Year of the horse is the name of the 7th year. It is not possible to give an example because we have not come across any historical events related to the year of the horse in the monuments. The word horse is used more literally in monuments. According to Turkish belief, the year of the horse was one of the best years

8. *Koy yıl / Year of the Sheep*:- *Koy yılka yorıdım* (I marched in the Year of the Sheep) (MC, n., 9) [64, c.1, p.427]; "*Kül tigin koy yılka yiti yegirmikə uçdı, tokuzınç ay yiti otuzka yoğ ertürtimiz*"(" *Kul Tigin died on the seventeenth of the year of the sheep, we buried him on the twenty-seventh of the ninth month* ") (KT, n. -w., 1)⁶

9. *Biçin yıl - year of the Monkey* - Developed in connection with the calendar year in the monuments: *Barkın, bədizin bitig taş(ın) biçin yılka yitinç ay yiti otuzka kop alkadı (mız)* (*Vault, pattern maker, written stone monkey year*)(KT, shm-shr, 1)⁷;According to the calendar, those born in this year are agile, far-sighted, cunning, creative people. The year of the monkey, *biçin yıl*, which is one of the twelve years, is described as a difficult year for the Altai Turks, and a year when many people will die and wars will take place. It was believed that there would be drought

¹ Biray, N. 12 Hayvanlı Türk Takvimi-Zamana Ve İnsana Hükmetmek // – Ankara: Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi Taed 39 Prof. Dr. Hüseyin Ayan Özel Sayısı, – 2009. s. –6

² Rəcəbli, Ə.Ə. Qədim türk yazısı abidələri/Ə.Ə.Rəcəbli: [4 cilddə]. Bakı : Nurlan, – c. 1. 2009, s.367

³ Külcü R. Türklerin kültür mirası "12 hayvanlı türk takvimi" <http://dergipark.gov.tr/download/article-file/286479>. 4

⁴ Rəcəbli, Ə.Ə. Qədim türk yazısı abidələri/Ə.Ə.Rəcəbli: [4 cilddə]. Bakı : Nurlan, – c. 1. 2009, s.271

⁵ Rəcəbli, Ə.Ə. Qədim türk yazısı abidələri/Ə.Ə.Rəcəbli: [4 cilddə]. Bakı : Nurlan, – c. 1. 2009, s.25

⁶ Rəcəbli, Ə.Ə. Qədim türk yazısı abidələri/Ə.Ə.Rəcəbli: [4 cilddə]. Bakı : Nurlan, – c. 1. 2009, s.306

⁷ Rəcəbli, Ə.Ə. Qədim türk yazısı abidələri/Ə.Ə.Rəcəbli: [4 cilddə]. Bakı : Nurlan, – c. 1. 2009, s.306

and famine too.¹ It was discovered that the monument was erected in the year of the monkey at the Kul Tigin monument. Later, several other historical events related to the year of the monkey were recorded at the Moyun Chor monument and the Talas II monument: *Otuz oğlan sağdısları piçin(a) altı yigirmi ər atım Kara Çor, ayağ adı Kara Yazmaz (Thirty best men from sixteenth monkey year my name Qara Chor, honorary title Qara Yazmaz)*²

10. *Takiğu yıl* - year of the chicken - "Takiğu"-chicken. *Anta kısırə takiğu yılka .. bodun...un tüpüp*”” (After that, in the year of the chicken ... the people ... heard) (MCh, shm, 10); *Takiğu yılka....(bermis)....yok kilmis (In the year of the chicken ... gave ... destroyed.)* (MCh, q, 43) [64, c.1, p.394] From 12 animals in the calendar it is considered one. In the year of the chicken, the harvest was plentiful, but enmity arose among the people, because the hen was looking everywhere for food and eating grain.³

11. *It yıl / Year of the Dog*:- *Bunca kazğanıp kañım kağan it yıl onıç ay altı otuzka uça bardı (My father Khagan had earned this much and died on the twenty-sixth of the tenth month of the year of the dog)* (BX, c, 10). An event related to the year of the dog is only recorded on the southern side of the Khagan monument in line 10.

12. *Lazğın yılı / Year of the Pig* - This lexical unit is of Chinese origin and is the Chinese version of the word pig. It is found in 3 places in the monuments - Bilga Khagan, Moyun Chor, Ihe-Ashete.

In the Turkish calendar, the years of monkey, snake, rabbit, chickens, sheep and ox are considered difficult years. The reason for this is that in the Turkish way of thinking, the beak of a chicken, the claws of a horse, a pig, a sheep and an ox are rigid. The year of the snake is a kind of sign for drought. *The Kazakh nomads even called these years "jul" (absence, hardship) years*⁴. *M. Kashgari mentions the year of the pig in the Turkish calendar as a year with a lot of snow and blizzards*⁵.

In monuments, we encounter other words and expressions that lexically represent the concept of time. These are: *ay, yıl, it, amtı (now), tün, kün, kün toqsık (tomorrow or sunrise), kün ortusu (once), kün bastık (evening), tün ortusi (noon), öd (zaman)* and so on.

“Öd tenri” - the existence of an auxiliary "god of time" as part of the religious the Goytanri religious beliefs (Minusinsk, in the monuments of the Altın Köldə) formed the idea that the Goytanri religious belief was polytheistic. *According to J.P. Rox, "God is the owner of the time, but, unfortunately, it is impossible to know whether the "öd tengri" is an independent being or a manifestation of the God*⁶. *However, we think that the expression "öd tengri" mentioned here is God himself*⁷. In Old Turkish, the word "öd" has several meanings. A. Rajabli gives five meanings of the word “öd”: *gallbladder, to warn, to advise, time, fortune, destiny, to understand and*

¹ Külcü R. Türklerin kültür mirası “12 hayvanlı türk takvimi” <http://dergipark.gov.tr/download/article-file/286479>. 4 s.3

² Rəcəbli, Ə.Ə. Qədim türk yazısı abidələri/Ə.Ə.Rəcəbli: [4 cilddə]. Bakı : Nurlan, – c. 1. 2009, s.311

³ Kazımov, İ.B. Mahmud Kaşğari “Divan”ı və çağdaş türk dilləri / İ. B. Kazımov. – Bakı: Elm və Təhsil, – 2014 .s.57

⁴ Biray, N. 12 Hayvanlı Türk Takvimi-Zamana Ve İnsana Hükmetmek // – Ankara: Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi Taed 39 Prof. Dr. Hüseyin Ayan Özel Sayısı, – 2009. s. – 7

⁵ Kaşğarlı, M. Divanü-luğat- it -turk./ çev. B. Atalay: [4 cilddə] M.Kaşğari. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, – c. 1. – 1986, s.344-349

⁶ Raux, J.P. Altay Türklerinde ölüm/ J.P.Raux. – İstanbul: Kabcacı yayıevi. – 1999. s. 97

⁷ Raux, J.P. Altay Türklerinde ölüm/ J.P.Raux. – İstanbul: Kabcacı yayıevi. – 1999. s. 97



comprehend. The god of time is the ruler of time. There is only one place where 'Öd teñri' is used in a sentence: "Öd teñri yasar, kisi oğlı, köp ölgäli (H.N.Orkun: ölüglü) törümis" ("God writes the fate of fortune, the son of man is all born mortal" (KT, shm. 10).

Here it is clear that 'öd' is time. Time is a lofty being that can rule a person's destiny and ultimately lead him to death.

Conclusion: As a result, it can be said that the ancient Turks formed certain ideas and worldviews about life, measured time, used the Turkic calendar with twelve animals, and this was widely reflected in the language of monuments. The fact that the twelve-animal calendar mirrors Turkish culture and some sources confirm this, suggests that the calendar belongs entirely to Turkish thought.



АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИ ҚУЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

ТАДЖИЕВА ФЕРУЗА

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Маъмун университети

Аннотация. Ушбу мақолада Хива хонлигида қулчилик муносабатлари масаласи акс этган архив ҳужжатлари (Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқишунослик институти қўлёмалар фондида, Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви фондларида ва Хива Ичон-қалъа музей қўриқхонаси қўлёмалар хазинасида ва қолаверса Россия Федерациясининг Оренбург вилояти Давлат Архиви фонди) таҳлил қилиниб, хонликда қулларга бўлган муносабат масаласи ўрганилган. Ҳужжатларда асосан қул олди- соттиси, қулларни озод қилиши масалалари ҳам ўз аксини топган. Хива хонлигида қул ва чўриларни ҳадя қилиши одатлари, қулларни ҳадя қилишига оид ҳужжатлар ҳам тадқиқ қилиниб, улар асосида Хива хонлиги ижтимоий – маънавий ҳаётида ислом динининг ўрни масаласи ҳам таҳлил қилинган. Хива хонлигидаги қул ва чўриларнинг қуллик ҳолатидан қутулиши чораларидан бири пул бадалига озодликка эришиши бўлиб, баъзи архив ҳужжатларида мазкур масала ҳам ўз аксини топган. Рус қулларини озод қилиши бўйича Оренбург вилоят Давлат тарих архиви ҳужжатларини ўрганиши асосида Хива хонлиги ва Россия сиёсий муносабатлари қай даражада бўлганлиги, рус ҳукуматининг қулларни озод қилиши учун қўллаган чора – тадбирлари ҳақида ҳам сўз юритилган.

Умумий ҳолатда архив фондларида сақланаётган қулчиликка оид мавжуд ҳужжатлар, нафақат Хива хонлигидаги қулчилик муносабатларининг хонлик ижтимоий ҳаётидаги ўрни масаласини, балким хонликнинг Россия билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари масалалари ҳам мазкур мақола орқали очиқ беришига ҳаракат қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: чўри-жория, қозихат, дўғма, ҳадис, закот, ҳадя, човдур кадхудолари, рус асири, орден-медаллар, губернатор, адъютант, миссия, туркман, қирғиз, қозоқ.

Аннотация. В данной статье анализируются архивные документы по вопросу о рабстве в Хивинском ханстве (в Рукописном фонде Института востоковедения Академии наук Узбекистана, Национальном государственном архиве Республики Узбекистан и Хивинском музее Ичан-Кала). заповедника, а также Оренбургского областного государственного архива Российской Федерации).

Документы в основном касались продажи рабов и освобождения рабов. Также были изучены обычаи дарения рабов и служанок в Хивинском ханстве, документы о дарении рабов, на основе чего проанализирован вопрос о роли ислама в общественной и духовной жизни Хивинского ханства. Одной из мер по освобождению рабов и служанок из рабства в Хивинском ханстве было освобождение за деньги, и этот вопрос также нашел отражение в некоторых архивных документах. На основе изучения документов Оренбургского областного государственного исторического архива об освобождении русских рабов обсуждался также уровень политических отношений между Хивинским ханством и Россией, а также меры, предпринятые русским правительством для освобождения рабов.

В целом в данной статье предпринимается попытка раскрыть имеющиеся документы о рабстве, хранящиеся в архивах, не только роль рабства в общественной жизни Хивинского ханства, но и политические и экономические отношения ханства с Россией.

Опорные слова и выражения: чури-жория, казихат, догмат, хадис, закят, дар, чавдур кадхудолари, русский пленник, ордена-медали, правитель, адъютант, миссия, туркмен, киргиз, казах.

Abstract. This article analyzes the archival documents on the issue of slavery in the Khiva khanate (in the Manuscripts Fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan, the National State Archives of the Republic of Uzbekistan and the Khiva Ichon-Kala Museum Reserve, as well as the Orenburg Region State Archives of the Russian Federation). The question of the relationship that has been studied. The documents mainly covered the sale of slaves and the release of slaves. The customs of gifting slaves and maids in the Khiva khanate, the documents on the gift of slaves were also studied, on the basis of which the issue of the role of Islam in the social and spiritual life of the Khiva khanate was analyzed. One of the measures to free slaves and maids from slavery in the Khiva khanate was to get free for money, and this issue is also reflected in some archival documents. Based on the study of documents from the Orenburg Regional State Historical Archive on the liberation of Russian slaves, the level of political relations between the Khiva Khanate and Russia, as well as the measures taken by the Russian government to free slaves were also discussed.

In general, this article tries to reveal the existing documents on slavery kept in the archives, not only the role of slavery in the social life of the Khiva khanate, but also the political and economic relations of the khanate with Russia.

Keywords and expressions: maid, kazikhat, dogma, hadith, zakat, gift, chavdur kadkhudolari, Russian captive, orders-medals, governor, adjutant, mission, turkmen, kyrgyz, kazakh.

Хива хонлигида кулчилик муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун, айниқса, архив маълумотлари муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида, Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви фондларида, Хива Ичон-қалъа музей кўриқхонаси қўлғезмалар хазинасида ва қолаверса, Россия Федерациясининг Оренбург вилояти Давлат Архиви фондидаги архив ҳужжатларида Хива хонлигидаги кулчилик муносабатлари, яъни куллар олди – сотдиси, кулларни инъом қилиш ёки мерос қолдириш ва кулларга озодлик бериш масалалари акс этган.

Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида Хива хонлигида кулчилик муносабатлари мавзусига оид архив ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар асосан ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Куллар олди – сотдисига бағишланган ҳужжатлардан бири, №494 қўлғезма ҳужжатида ҳижрий 1221 йил моҳрамазон ойида (1806 йил ноябрда) Оролбой Қозокнинг ўғли Солиҳбой шариатга мувофиқ Фотима исмли бир нафар чўри жорияни Мулла Қутлуғмурод қизи

Авазбикага ўн тўрт Бухоро тиллосига сотганлиги тўғрисидаги қозихат матни келтирилган. Хужжат қози – ул қуззо Исмоил хўжа ибн Иброҳим хўжанинг муҳри билан тасдиқланган бўлиб, хужжат пастида мажлис иштирокчиси бўлмиш гувоҳлар: Муҳаммадул Ғаффор хўжа, Муҳаммад Ниёз хўжа ва Абдусаттор хўжаларнинг исмлари келтирилган[1].

№ 559 рақамли хужжатда ҳам олди – сотди масаласини, яъни “Ҳижрий 1264 йил муҳаррам ойида (1848 йил январ ойи) Тангрибердибой ўғли Муҳаммад Каримбой шариатга мувофиқ ўзининг покиза мол – мулки бўлган Калбинбоғ мавзеида жойлашган 300 таноб ер мулкини Муҳтарама Лолабика, Кишбика ва Оймонбикаларга 40 та Хоразм тиллосига сотган ва Ражаб исмлик битта қулни 10 тиллога ва иккита жория – чўри Раъно ва Дастаргулларни сотиб олганлиги тўғрисидаги қозихат”да кўришимиз мумкин.

Хужжат қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган. Ёзув қатор пастида мажлис иштирокчиси бўлмиш гувоҳлар: Олимбой, Мулла Исмоил, Мулла Саид, уста Алланазар ва бошқа мусулмонлар исмлари келтирилган[2].

Хива хонлигида қул ва чўриларни ҳадя қилиш одатлари ҳам мавжуд бўлган. Хўжайин ўз қул ва чўриларидан айримларини ўзининг яқин кишиларига ёки қариндошларига инъом қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Кичик амалдорлар ўзидан юқори мансабдорларга, муридлар ўз пирларига ва ҳокимлар хонга ана шундай инъомларни қилиб турганлар.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида қулларни ҳадя қилишга оид ҳам хужжатлар мавжуд. Жумладан, қўлёзма рақами № 236 бўлган хужжатда қуйидагилар келтирилган: “Ҳижрий 1276 йили муҳаррам ойида (1859 йил январ ойи) Авазжон ўғиллари Бобожон ва Раҳмонберганлар томонидан Раҳмонқули ва Гулхонимбика Аллақулининг фарзандлари ҳамда Мулла Абдураҳмоннинг қизи муҳтарама Шукурбикаларга тегишли бўлган мол – мулкларни тақсим этиб, шариатга мувофиқ бир қумғон ва яна икки қумғон, битта кичик тунг ва бир сигир, уч чўян қозон ва бир дўғма, Хиванинг кўҳна қалъасида жойлашган яна икки хона уй (ёзув қаторида уйнинг чегара ҳудудлари ва чегарадош кўшнилари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган) ва яна 95 Хоразм тиллосини ушбуларнинг барчасини васиятга мувофиқ тақсим этиб берилгани тўғрисида қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган. Мажлис иштирокчилари домла Сайидниёз, Домла Муҳаммаджон ва Муҳаммад Паноҳбой”[3].

Қўлёзма рақами № 500 бўлган иккинчи хужжатда эса: “Ҳижрий 1279 йил Робиъус соний ойида (1862 йил октябр ойи) шариатга мувофиқ бўлган ҳолда Муҳаммад Каримнинг қизи Лолабика томонидан Ниёз Муҳаммад Маҳзум ўғли Абдулла Маҳзум ва Эшмуҳаммад ўғли Юсуф Калонтар гувоҳлар иштирокида Қличниёзнинг қизи муҳтарама Ўғилжонбикага унинг ҳаққи мулкини Гулбозор исмли бир чўри ва (давомида жуда кўп майда – чўйда буюмлар рўйхати келтирилган) 60 тилла бахш қилдим”. Хужжат қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган. Муҳр: Қоззи қуззо Абдураҳим бин қози Муҳаммад Шариф эшон марҳумий. Ёзув қатор пастида мажлис иштирокчиси бўлмиш гувоҳлар: Эшонхўжа, Бобожонбой ва бошқа мусулмонлар исмлари келтирилган[4].

Хива хонлигидаги қул ва чўриларнинг қуллик ҳолатидан қутулиш чораларидан бири пул бадалига озодлик олишдан иборат бўлган. Лекин ўз қимматини қошлай оладиган даражада пул тўплаш ҳар бир қул ёки чўрининг қўлидан келадиган иш эди, деб бўлмайди. Зеро, қулликда бўлган кишининг бунчалик катта маблағ тўплай олиши ҳам анча қийин масала бўлган. Шу билан бирга, бундай катта маблағ бир-икки йилда эмас, балки 20-30 йиллар давомида тўплаши мумкин бўларди. А.Вамберининг таъкидлашича, қул ёки чўри ўз хўжайинига етти йил хизмат қилгач, пул бадалига озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлган[5].

Айрим вақтларда яхши хизмат қилган қул ва чўрилар муддат тўлмасдан аввал пул бадалига озод бўлиш ҳуқуқини ҳам олганлар. Хива қулдорлари пул бадалига озод қилиш ишига алоҳида эътибор берганлар. Улар бадавлат хонадондан қўлга туширилган қул ва чўриларни қиммат баҳода бўлса ҳам олар эдилар. Чунки бир кун бўлмаса бир кун, мазкур қул ва чўриларнинг қариндош-уруғлари хабар топиб келиб катта пул бадали ҳисобига уларни сотиб олишларини билганлар.

Маълумки, ижтимоий ҳаёт қонуниятига мослашган қулчилик шакллари каби қулни озод қилиш услуби ҳам ўзига хос тартибни касб этган. Жумладан, Хива хонлиги архивидаги қулларни озод қилишга бағишланган ҳужжатларнинг кўпчилигида қуйидаги ҳадисни, “Кимки, бир қулни мўъмин бўлган ҳолда озод қилса, батаҳқиқ Аллоҳ таоло унинг ҳар бир аъзосини дўзах оловидан омонда сақлайди” кўрамыз. Хива хонлигида ҳам қул озод қилиш тартибида ана шундай шариятга асосланган ҳолда қулларни озод қилиш ҳоллари кўп учрайди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам мазкур тартиб асосида қулларни озод қилишга оид ҳужжатлар мавжуд. Жумладан, № 905 қўлёзмада шундай дейилган: “Ҳижрий 1271 йил Робийус соний ойида (1855 йил октябр ойи) ўрта бўйлик Абдулланинг ўғли Яъқуб Машарип ўзининг покиза ҳалол мол – мулкидан сотиб олинган бир нафар чўри – жориясини Ййд номли холисона Аллоҳ таоло учун Пайғамбар алайҳиссаломнинг ваъдаси ва муборак ҳадисига кўра “Кимки бир қулни мўъмин бўлган ҳолда (иймон келтирган ҳолатда) озод қилса, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир аъзосини дўзах оташидан омонда сақлайди” ҳадисига биноан озод этган”. Ҳужжат қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган. Муҳр: Қози Абдулла раис ибн Нурмуҳаммад. 1271. Ёзув қатор пастида мажлис иштирокчиси бўлмиш гувоҳлар: Мулла Абдурахмон, Мулла Муҳаммад Мурод ва бошқа мусулмонлар исмлари келтирилган[6].

№ 985 – сонли қўлёзма ҳужжатда ҳам қулларни бундай озод қилиш шакли акс этган: “Ҳижрий 1281 йил Робийус соний ойининг 18 – чи куни (1864 йил 19 сентябр) Бобо оталиқ қавмидан бўлган Урганчли Аҳмадниёзбекнинг ўғли Отамуродбек шариятга мувофиқ бўлган ҳолда вакил гувоҳлар иштирокида Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисига мувофиқ (Ҳадиснинг арабча матни келтирилган) 10 тилла маблағга тенг бир нафар қулни озод қилганлиги қозининг муҳри билан тасдиқланган”. Ёзув қатор пастида мажлис иштирокчиси бўлмиш гувоҳлар: Муҳаммад Латиф хўжа, Муҳаммад Ниёзбек, Ваис халифа ва Муҳаммад Солиҳбек. Қози: Маҳзум бин Саид Хўжа эшон[7] номлари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архивида Хива хонлиги архивининг бир қисми сақланади. Бу архив ҳужжатларида ҳам қулчиликка оид қўлёзмалар бўлиб, айнан юқорида келтирилиб ўтилганидек, қуллар олди-сотдиси, оиладаги қуллар сонидан келиб чиқиб закот олиш, қулларни озод қилиш ва ҳады қилиш каби ҳуқуқий муносабатлар акс этган. Жумладан, мазкур архивда И-125 фонд, 2 инвентар, 90-рўйхатда сақланаётган ҳужжатда Сайид Муҳаммадхон (1856-1864) даврида эронлик собиқ қул (исми келтирилмаган) хонга арз қилиб мурожаат қилган. Арзнома мазмунига қарайдиган бўлсак, мазкур қул хон саройида хизмат қилган. Лекин озодликни қўлга киритган қариндошлари (озодлик қандай эришилганлиги сабаби ҳам келтирилмаган) уни мажбурлаб ватанларига (Эронга) олиб кетганлар. Аммо мазкур собиқ қул ўз ватанида қайтанга қариндошлари томонидан зуғумга учраганлиги сабабли яна хон хизматига қайтишга рухсат беришини сўраган[8]. Бу хатнинг жавоби ва натижаси маълум бўлмасада, турли сабабларга кўра қулларнинг ҳам барчаси ўз юртига қайтиб яхши ҳаёт кечирган дея олмаймиз. Қандайдир

бир сабабга кўра, ёки ўзгаларнинг таъсири натижасида ўзлари учун олдинги ҳаёт тарзида яшашни афзал билганликларини шу ҳужжат ҳам асослайди.

№ 94 – рақамли ҳужжат ҳам Сайид Муҳаммадхон даврига тааллуқли бўлиб, унда 1856 йилда (ҳужжатда ҳижрий 1272 йилда) Муҳаммад Муродбек деган шахс хонқалик қози ва бойларга ёзган мактубида Мирҳайдарбой исмли шахснинг чўрисини эгасига қайтаришни сўраган. Мактуб мазмунига кўра, аслида мазкур чўри човдур туркманлари томонидан уюштирилган босқин пайтида олиб қочилган. Чунки, мактубда човдур кадхудолари (уруғ бошлиғи) бу ҳақда билдилар деган сўзлар келтирилган[9].

№ 418^a – рақамли ҳужжат 1-варағида Товушқон йилида (архивдаги ҳужжатлар хронологиясига эътибор қаратилса ё 1855 ёки 1867 йилда) кул баҳоси 90 тилло бўлганлиги келтирилади[10].

Энг аввало мазкур тадқиқот мавзуси учун зарур бўлган қуллар олди-сотдисидан солиқ олиш ва қуллар учун тўланадиган жон солиғи – закотларга оид ҳужжатлар ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хива хонлиги архиви бўлимида сақланаётган И-125 фонд, 2 инвентар рўйхатидаги 37 варақдан иборат ҳужжатлар тўпламининг 11 варағида хонликдаги кул ва чўриларнинг ҳамда улардан олинадиган закот миқдорлари ҳисоб-китоби ҳақида сўз юритилган. Бу ҳужжатларда фақат оилалар ва уларга тегишли қуллар сони келтирилган. Баъзи ҳужжатларда бир неча қулга бир неча хўжайин шерикликда эгалик қилганликларини кўришимиз мумкин.

Жумладан, тўпламининг 1 – варағида: “Фармонли Муҳаммаджонбой уч дўғма, бир болали чўри. Қизилтақирдан Олийэли Муратбой йўлдошлари билан беш дўғма, бир чўри, Ғамалли (?) Муҳаммад Ҳусайн икки дўғма, бир чўри....Божқирли Холмурод шайх йўлдошлари билан икки дўғма ва чўри...”[11].

Иккинчи варақда: “Чотқўпирли Қурбонниёз тўрт дўғма...Жавлон кора уч дўғма...Орнабой икки дўғма...”[12].

Учинчи ҳужжатда: “Моҳи зулҳижжанинг ўн саккизида келган Мулла Ҳусайн уч дўғма, Тохир сўфи икки чўри, бир дўғма. Абдулло икки дўғма. Авазберди така икки дўғма. Бобошайх икки дўғма. Вапо бир дўғма. Аҳли Вали така икки дўғма”[13].

Тўпламининг 19 – варағида “Алланазар букри йўлдошлари билан саккиз дўғма... Пирмуҳаммад йўлдошлари билан тўққиз дўғма... Тожи ота йўлдошлари билан икки чўри, икки дўғма... Муҳаммадниёз кўса икки дўғма. Булар ҳаммаси Ҳазораспдан чиққан”[14].

20 – варақда энди қуллар туялар сони билан биргаликда келтирилиб ўтилади. “...Отаулло патакни тўрт дўғма, Қозоқ шайх олти дўғма. Отаулло патакни меҳмони Жаъфарбой бир дўғма, бир чўри. Карвонбошининг иниси уч дўғма. Жаъмий ўн тўрт дўғма бир чўри патакли”[15].

22-24 варақларда закот солиғи олиш учун мўлжалланган қишлоқ хонадонлари рўйхати ҳамда уларга тегишли қуллар сони келтирилган бўлиб, унда ҳам қуллар туя, қўй ва бошқа жониворлар билан бирга келтирилган. Чунки, закот солиғи мазкур иш ҳайвонлари, қуллар ва сотиладиган жонзотлардан келадиган фойданинг маълум улушини давлатга тўлаганликларини кўрамыз.

Жумладан, 22 – варақда қуйидагилар келтирилган: “Митти тиғиржик икки тева бир дўғма Қорақалнинг ўғли икки тево бир дўғма. Оллаёр жинг-жинг бир тева бир дўғма, мунинг йўлдоши бир тева бир дўғма Хумангли Холниёз тўртта тева икки дўғма. Менглиниёз қардошли бир дўғма икки тева. Омон пахта икки тева бир дўғма. Зарли Хўжа

юз ўн қўй. Бекжоннинг меҳмони саккиз тева. Бойрам қилганинг меҳмони тўртта тева чўри юмирили уч тева. Назар табибнинг ўғли тўртта дўғма бир қарноқ. Пул деганни қардашлининг меҳмони бир дўғма. Шери махтум бир тева икки дўғма Мулла Бекли во жума келди во Омонкелди уч дўғма икки қарноқ беш тева. Инакелди така бир дўғма бир тева. Кўкланг деган қардошли бир дўғма бир тево Равота икки тева икки дўғма. Хожа така бир тева бир дўғма, Муҳаммадрахим қози бир дўғма Қорабой дев бир дўғма. Юсуф кал бир дўғма. Менги така бир дўғма Одина Муҳаммад йимирта бир дўғма Меҳли Мулла Абдулла бир чўри. Яна бир Қурбон бир дўғма. Саъд Пахлавоннинг иниси бир дўғма қардошли Ойдўстнинг иниси ўн тева 2 дўғма Қанжиқнинг ховлисида Кўкланг Дўстмуҳаммад бир дўғма. Қорадошли Муҳаммадвали бир дўғма Гадойниёзли Меҳли Муҳаммад Ниёз бир чўри”[16].

23 – варақда: “Ғозибод атрофи Муҳаммад Махвир даракли тўққиз саккиз тилло олинди. Боботойлоқ 3 дўғма 1 чўри 5 тева 10 тилло. Минглидан 1 дўғма 20 танга. Авазниёз билан Юсуфдан Мурод такадан Муҳаммад қора дўғма 3 чўри 8 тилло 3 танга. Отаберди 55 қўй билан 3 тева 5 тилло олинди. Қутлуғмурод 4 дўғма 10 тилло олинди. Бойназар 2 дўғма 4 тилло. Аваз бирла Юсуфдан Файзи даракли 5 дўғма икки дўғма икки танга 13 тилло урала 100 қўй 50 танга. Сафар саллахни меҳмони йигирма қўй 10 танга. Тойлоқ 50 қўй. Хотам 50 қўй 9 тева 11 тилло 2 танга олинди. Дурдибой бирла Хасан 4 тева 30 танга. Нуруллабой 300 қўй 15 тилло 5 танга. Омон келди 190 қўй саккиз тилло бир танга. Шохободли Роҳмон 240 қўй 12 тилло 3 танга олинди. Муҳаммадхон эшон бир дўғма 20 танга. Хўжамурод юз қўй 50 танга Юсуф Баҳодир 2 дўғма бир чўри 11 тилло 5 танга Қилич Муҳаммад уста байрам 140 қўй, 65 танга Инакелдибой 50 қўй 3 тева 45 тилло. Қорайилғинли Омон икки дўғма қирқ икки танга. Бежик мулла бирла Меҳмар қора уч юз қўй 15 тилло олинди. Шохмурод ота 30 қўй ўн беш танга. Бердижондин икки юз қўйга саккиз тилло тўрт танга олинди. Омонниёз кални меҳмони оға икки юз қўйга юз ўн уч танга олинди. Оға Муҳаммад тўқсон қўй беш тилло. Инокелдибой меҳмони Ёмут кўкланг 230 қўй 2 дўғма 2 танга 17 тилло, Қиличниёзни меҳмони, Тавоқли уч чўри бир дўғма ўн олти тилло”[17] – деган сўзлар битилган бўлиб, бу ҳужжатда ҳам закот солиғи хусусида сўз кетади ҳамда унда қуллар қанча баҳода баҳолангани тадқиқот учун аҳамиятлидир.

24 – варақда эса куйидаги маълумотлар мавжуд: “Хўжаниёз аравачини меҳмони Муҳаммад юз пул эллик танга, Бодешим бир чўри 4 тилло. Қозоқ кўк билан Шихдан 180 қўй 90 танга. Муҳаммаддан Хасан сўфи 140 қўй, 70 танга, Қосим 400 қўйга янголик қўй бирла 60 тева. Қелдиқули эшон 2 дўғма 33 танга. Хонободли Абдуғаффордани 100 қўйга 50 танга олинди. Авазниёз бирла Юсуфдан Муҳаммад Шариф сўфи бир дўғма, бир чўри. Хасан Муҳаммадни 50 қўй, 2 тева. Уйғур Абдулло чалиш 180 қўй. Хонободли Ғаффор бир тева, 200 қўй. Хўжам сўфи 180 қўй, 1 тилло бердилар. Ҳилолий атрофи Авазниёзлардан пул бир дўғма. Тақиршиқ бир дўғма. Алланур махзум бир дўғма, 8 тилло бердилар. Оллаёр жинг-жинг бир бир дўғма, 20 танга Муҳаммад Дурди кўк бир дўғма, 2.5 тилла. Оллаёрлардан 4 сигир, 11 тилла. Ашир кал билан Қоракалдан 2 дўғма, 5 тилло. Бекки бир дўғма, 2 тилла, Хумангли Ҳолниёзбой 2 дўғма, 5 тилло, Саъдий Пахлавон 3 дўғма, 7 тилло, Аби Эшон меҳмони билан, Жума келди 3 дўғма, 2 чўри, 20 тилло. Кўкланг қарадошли бир дўғма, 22 танга, Инокелди калта 140 қўй, 5 танга Биркелди ота 210 қўй, 105 танга, Ота Қилич така 4 дўғма, 11 тилло. Сар-Сар келди 160 қўй, 80 танга. Ота Муҳаммад Шайх 400 қўй, 200 танга”[18].

Мазкур архив фондларида сақланаётган № 125 инвентарь рақамли, 2 рўйхат, 590 -

рақамли ҳужжат қул олди – сотди шартномаси бўлиб чиқди. Унда: “Ҳижрий 1288 – 1871 мелодий йилда “Кўктийик” жамоасидан бўлган Гадейбой ўғли Шононбой ўзининг мулки бўлган Абдулланинг тахминан 13 яшарлик боласини, Юнуснинг ўғли эшик оғаси бўлган Абулқосимга ўн тилло маблағга сотганлиги қозиларнинг думалоқ муҳри билан тасдиқлаган. Ёзув қатор пастида гувоҳлар исмлари келтирилган. Булар: Қози Мирзо ибн домла Мирзо Азиз, Қози Раҳматулла ибн.....Мажлис иштирокчи гувоҳлар: Мулла Муҳаммадсодик раис. Ва Яхшибой юзбоши ва Муҳаммад юзбоши. Исо юзбоши. Шу ҳужжатнинг иккинчи варақида худди шу шартноманинг қисқартирилган шакли келтирилган. Аммо, унда қулнинг баҳоси 40 тилло деб келтирилган. Мазкур келтирилган баҳо ҳақиқатга яқин[19].

№ 591 - рақамли ҳужжатда: “Ҳижрий 1254 – 1838 мелодий йилда Жумодул аввал ойинда Жаннатмакон Абул Ғозий Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон томонидан ўзининг покиза ҳалол мол – мулкидан сотиб олинган асли хуросонлик бўлган Хасан исмлиқ бир нафар қулини Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисига мувофиқ “Кимки бир қулни мўъмин бўлган ҳолда (иймон келтирган ҳолатда) озод қилса, Аллоҳ таолло унинг ҳар бир аъзосини дўзах оташидан омонда сақлайди” ҳадисига кўра озод қилганлиги қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган”. Муҳр: Қози Муҳаммад Шариф ибн Ҳожи Муҳаммад марҳумий. Ёзув қатор пастида мажлис иштирокчиси бўлмиш гувоҳлар исмлари зикр қилинган[20].

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлғиналар фондида сақланаётган қозилиқ ҳужжатларида ҳам қуллар олди – сотдиси ёки озод қилинишига доир маълумотлар мавжуд[21].

Жумладан, № 494 – рақамли қозилиқ ҳужжати 12 - варағида: “Ҳижрий 1221 йилнинг рамазон ойида – 1806 йил ноябрь – декабрь ойларида, Сорибой қозоқ Оролбой қозоқ ўғли, тўққиз яшар Фотима исмли чўрини Мулла Қутлукнинг қизи Аваз бикага 14 бирмисқолли тиллага (уларнинг иккитаси абдулмўминхоний тангаси, қолганлари подшоҳий тангалари) узил – кесил (баъйи бат батат) сотганлигини тасдиқлайди. Шу жойда яна бир нарсани эътироф қилиш лозимки, агар чўри озодликка чиқиш ҳуқуқига (мустаҳҳақ) эга бўладиган бўлса ёки умуман унинг асли насли – насаби (хуррат ал – асл) озод кишилардан бўлса, бундай ҳолатда уни сотиб олган Аваз бика ҳоҳлаган пайти тўлаган пулини қайтиб беришни талаб қилишга ҳақли бўлган.

Гувоҳлар: Абдулғаффор хўжа, Муҳаммад Ниёз хўжа, Абдусаттор хўжа, Оат Муҳаммад сўфи, Ота Ҳусайн ва Уста Хўжаниёз. Ҳужжат қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган. Муҳр: Қози ал – қуззот қози Исмоил хўжа ибн Иброҳим хўжа Алавий. 1221(1806-1807)”[22].

№ 500 – рақамли ҳужжатнинг 14 – варағида: “Ҳижрий 1279 йилнинг робий ойида – 1862 мелодий йил октябрда, Лола бика Муҳаммад Карим қизининг, Абдуллоҳ Маҳдум Ниёз Муҳаммад Маҳдум ўғли ва Юсуф калонтар Эшмуҳаммад ўғли гувоҳлигида тасдиқланган ишончли вакили Юсуфжонбой Хўжаниёз ўғли, Гулбозор исмли чўрини барча зеб – зийнат буюмлари ҳамда уй – рўзғор анжомлари (икки жуфт билакузук, битта соч тақинчоғи – қошли игна, бир камар, тўққиз кўрпа, бир тўшак, иккита сўзан, бир қилич, тўртта тугма ва бошқалар) билан Ўғилжон бика Қилич Ниёз қизига умумий баҳоси 60 бирмисқолли тиллага, ва мазкур пулни Ўғилжон бикага ҳадя қилиш шarti билан узил – кесил сотганлигини тасдиқлайди. Ҳужжат қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган. Гувоҳлар: Эшонхўжа, Бобожонбой. Муҳр: Қози ақсо ал - қуззот Абдурахим ибн Қози Муҳаммад Шариф эшон Марҳумий. 1275(1858-1859)”[23].

№ 559 – рақамли ҳужжатнинг 21 – варағида: “Ҳижрий 1264 йилнинг муҳаррам ойида –

1847 милодий йил декабрь – 1848 йил январда, Муҳаммад Каримбой Тангрибердибой ўғли, ўз қизлари Лола бика, Киш бика ва Оймон бикаларга Гуллан боғдаги тахминан 3 ярим таноб ерини (чегаралари кўрсатилган) муомаладаги 30 тиллага сотганлигини тасдиқлайди.

Каримбой мазкур пулни дарҳол кўрсатилган қизларига, ҳар бирига 10 тилладан ва ўз уйида туғилган (ғуломи - хонозод) тахминан 12 яшар Ражаб исмли дўғмани ҳамда тахминан 35 ёшли Раъно ва тахминан 26 ёшли Дастагул исмли хуросонлик иккита чўрисини ҳада қилди.

Хужжат қозининг иккита: думалоқ ва тухумсимон муҳрлари билан тасдиқланган. (илова) Гувоҳлар: Олимбой, Мулло Исмоил, Мулла Саййид, Уста Оллоҳдод, Паҳлавон Ниёз ва бошқалар. Муҳр: Аксо ал - қуззот Қози Муҳаммад Мусо ибн Абдулла хўжа Марҳумий. 1275 (1858-1859)”[24].

№ 905 - рақамли хужжатнинг 11 – варағида: “Ҳижрий 1271 йилнинг робий ойи 17 кунда – 1855 милодий йил 7 январда Абдуллоҳ ўғли Яъқуб томонидан ўзининг асли хуросонлик бўлган 15 ёшлар чамасидаги Ийд исмли чўрисини ҳамма ҳуқуқларини сақлагани ҳолда озод қилишини билдирган хужжатни имзолаган. Юқорида тилга олинган Яъқуб бундан буён озод қилинган чўрига нисбатан ҳеч қандай эгалик ва алоқа қилиш ҳуқуқига даъво қилмаслигини билдирган. Хужжат қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган. Гувоҳлар: Мулло Абдурахмон, Мулло Муҳаммад Мурод ва бошқалар. Муҳр: Абдуллоҳ Қози ибн Нурмуҳаммад. 1271 (1854-1855)[25].

№ 985 – рақамли хужжатнинг 10 – варағида: “Ҳижрий 1281 йилнинг робий ойи 18 кунда – 1864 милодий йил 20 сентябрда, урганчилик, Бобо оталиқ қавмидан бўлмиш Аҳмад Ниёз ўғли Отамуродбек, Шоҳмуродбек қизи Мастура биканинг Хўжаниёзбек ва Муҳаммадсодиқхўжа томонидан тасдиқланган ишончли вакили сифатида, Мастура бика номидан асли хуросонлик бўлган Ризоқули исмли қулни 10 бирмисколли тилла ҳисобига озод қилган. Хужжат қозининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган. Гувоҳлар: Муҳаммад Латиф хўжа, Муҳаммад Ниёзбек, Оташ халифа, Муҳаммад Солиҳбек ва бошқалар. Муҳр: Қози Саййид Маъсум раис ибн Саййид Одилхўжа эшон”[26].

Бундан ташқари Хива хонлигида қулчилик ва қулликка оид хужжатлар Россия Федерациясининг Оренбург вилояти Давлат Архиви фондидаги архив хужжатларида мавжуд.

Оренбург вилояти Давлат архивида сақланаётган 6 – жамғарма (фонд), 10 – рўйхат (опис), 1 – бўлим, 157 – иш 242 бетдан иборат бўлиб, санаси 1805 йил апрелдан 1810 йил 26 апрелгача бўлган даврда тўпланган. Унда Хива ва Бухоро савдогарлари бундан буён қирғиз – қозоқ қабилаларидан қуллик учун болаларни сотиб олишларини тақиқловчи фармон мазмун – моҳияти келтириб ўтилган ҳамда Хива савдогарлари учун алоҳида қатъий тақиқлар қўйилганлиги таъкидланади[27]. Бу тўпландан тадқиқот мавзуси учун фақат 10-26 варақлар ҳамда 48-87 варақлар муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу хужжатлардаги маълумотлардан қуллар нафақат босқинчилик – талончилик юришлари, ўзаро урушлар орқали ҳам пайдо бўлган ёки кўпайганлиги, балки муҳтожликдан қутулишнинг чораси сифатида ёш болалар ҳам ўз ота- оналари томонидан Россия, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудларидаги қул бозорларига олиб бориб сотилишлари оқибатида қуллар сони кўпайиб борганлигининг гувоҳи бўлинди[28].

Мазкур хужжатлар ичида № 197 – иш ҳам қизиқиш уйғотади. Чунки унда турли сабабларга кўра ҳарбий хизматдан бўйин товлаб, жазодан қочган ҳарбийларнинг Россияга қайтарилиши ҳақида сўз боради. Демак, қуллар сонини кўпайтирувчи яна бир сабаб бу,

Россия фуқаролари бўлган татар, бошқирд ва ҳатто рус ҳарбийлари жиноят қилганлари ёки ҳарбий хизматдан бўйин товлаганликлари учун белгиланган ўлим жазосидан қутулиш йўли сифатида, ҳатто асирлик азоб- уқубатларига рози бўлган ҳолда Хива хонлиги ҳудудларига қочиб келиб шу ердан паноҳ топганлар[29]. Бундай ҳолат кўп бора рус манбаларида тилга олинади. Ўз ватанини ташлаб келганларнинг кўпчиликлари хонликда яшаб қолишлари осон кечган. Агар улар мусулмон бўлса. Хусусан, татар ва бошқирдлар мусулмон бўлганликлари учун уларнинг хонликда яшаб кетишлари бошқа дин вакилларига нисбатан осонроқ кечган. Аммо, рус асирларининг аҳволи татар ва бошқирдларга нисбатан оғирроқ бўлган. Рус асирларининг бир қисмигина яхши ҳаёт кечириб кетаолганлар. Яна шуни ҳам эътироф қилишимиз лозимки, Хива хонлигида улар меҳнатсевар ва мард халқ сифатида шу билан бирга темирга ишлов беришда моҳир бўлганликлари эътироф этилгани учун ҳам рус асирларининг ҳаёти эрон қулларига нисбатан яхши бўлган. Рус асирларини иложи борица сарой хизматига ва ҳарбийликка олганлар. Уларнинг баъзиларини эгаси уйлантириб ҳам қўйган. Бундай “имтиёзли” қулларга ўз динида қолишга ва эркин тоат-ибодат қилишларига рухсат ҳам берилган.

Россия давлати Хива хонлигидаги рус асирларини қайтаришга уриниб, турли элчилик, миссияликларни юбориш билан бирга бу сиёсатда савдогарлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Яъни, хонлик ҳудудларига қатнаётган савдогарларга ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам хонликда сақланаётган рус қулларини озод қилиб, ватанларига олиб келиш вазифаси юкланган эди.

Архивда сақланаётган 3 варақдан иборат № 198 – ҳужжатлар тўпламида 1806 йилги фармонга кўра Баширов деган савдогарга Бухоро, Хива, Урганч ҳамда туркман ва қорақалпоқлар Ўрдасида савдо қилиш учун рус асирларини озод қилиш шarti билан рухсатнома берилган[30].

№ 404-иш энди бу жазо тайинлаш айбномаси бўлиб, унда Редут чегара истехкоми казаки Ганшиннинг қирғиз Султонкелдини уни ўғирлаб Хивага сотганлиги айбномаси ҳисобланади[31].

№ 884-886 сонли йиғмажилдларда 1812 йилда Оренбург Дала қўшини оддий аскарлари Ф. Шестаковнинг Хива асирлигидан озод бўлиб, Томск губерниясидан уй-жой беришлари ҳақидаги фармон бўлиб, 18 варақдан иборат бу ҳужжатда Ф.Шестаковнинг ҳисоботи ҳам бор. Шунинг учун ҳали бу ҳужжат тўлиқ ўрганилиши лозим[32].

№ 906-йиғмажилдда ҳам Астрахан фуқароси И. Гергилевнинг ўғли билан биргаликда Хива асирлигидан тўлов эвазига озод қилинганлиги воқеаси тафсилотлари келтирилган[33].

№ 1269-йиғмажилд маълумотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда 1815 йилдан бошлаб, Россия ҳукумати Хива хонлиги билан муносабатларида энг асосий талабнома бу рус қулларининг озод қилинишини сўраб элчиликлар ва миссиялар юборишни кучайтирганлиги ва агарда бу элчиликлардан фойда камроқ бўлса, Россия ҳукумати хивалик савдогарларни чегара шаҳарларда ушлаб олиб, қуллар озод қилинмагунча уларни ушлаб туриш сиёсатига ўтди. Баъзида савдогарларнинг мол - мулкани мусодара қилиб юборганлар[34].

Яна бир муҳим ҳужжатлардан бири № 1542-1873-йиғмажилдлар бўлиб, асосан Хива билан Россия давлатининг савдо муносабатларини яна ривожлантириш масаласи юзасидан Оренбург ҳарбий губернатори адъютанти, поручик Герман, маслаҳатчи Бекчурин ва поручик Субханкуловлар Хива хонлигига савдо алоқаларини янада ривожлантириш ва дўстлик алоқаларини тиклаш учун элчилик сифатида юборилган. Мазкур элчилик

ҳисоботидан ташқари элчилик вакили А. Субханқуловнинг йўл эсталиклари ва миссия тафсилотлари акс этган хотира китоби ҳам бор. Лекин унда Хива хонлигида қулчилик муносабатлари ҳақидаги маълумотлар унчалик кўп эмас[35].

№ 1572- рақамли ҳужжатлар тўпламида 1817 йил май – август ойларида Оренбург Чегара комиссияси томонидан қирғизларнинг чиқлин уруғига мансуб бошлиқ Сиримовга Хива асирлигидан аскар Колотилкиннинг ёш қизини сотиб олиш топшириғи берилган. Ҳужжат 16 варақдан иборат бўлиб, қул қилишда асирларнинг ёшига умуман эътибор бериб ўтирилмаганликнинг гувоҳи бўламиз[36].

№ 1585-тўпдамда Хива маъмурларининг Оренбург ва Троицк чегара божхоналарига келиб, бож йиғиб кетганликлари таъкидланади. Аммо, бу Хива хонлиги саъй – ҳаракати билан бўлиб, хон маъмурлари ўзлари билан бир неча рус асирларини олиб келган эдилар. Хива маъмурларининг бундай йўл тутганликларини тушуниш қийин. Чунки, 150 варақдан иборат бўлишига қарамай бу варақларнинг сифати ниҳоятда қочиб, тўлик ўқиб чиқишнинг ва ҳужжат мазмун – моҳиятини очиб беришнинг иложи йўқ[37].

№ 1623-йиғмажилдда қирғиз – қозоқ уруғларидан бирининг бошлиғи Саримов ва карвонбоши Сардалин томонидан Хивадан бир неча рус асирлари олиб келинганлиги воқеалари акс этган[38].

Биринчи қисм ҳужжатлар тўплами ичида энг қизиқарлиси бу № 1734- йиғма жилд бўлиб, унда 1814 йилда Оренбург ва Урал қўшинлари казакларини сотиб олиб, Россия чегарасига олиб келган хиваликлар ҳақида сўз юритилади[39].

Бу ҳужжатларни кўздан кечириш жараёнида савдогарлар рус асирларини озод этиш жараёнида энг фаол бўлганликларини кўриш мумкин. Жумладан, хивалик савдогар С. Бакиев 1818 йилда Саратовлик деҳқон В.Рибровни Бухоро асирлигидан озод қилган[40]. № 1924-ишда ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган. Яъни, Кичик Жуз оқсоқоли Ю. Саримов Хива асирлигидан кўплаган рус асирларини озод қилганлиги учун кумуш медалъ билан тақдирланган[41].

Хива хонлигига асирликка тушган қуллар ичида ҳарбийлар ва Каспий денгизига балиқ овлаш учун чиққан балиқчилар катта кўпчилиликни ташкил қилган. Жумладан, 1820 йилда Эмба бўғозида асир олинган рус балиқчилари билан биргаликда Оренбург чегара қўшинлари Қизил қалъаси аскарлари катта тўлов эвазига озод қилинган[42].

Айнан шу 1820 йилда Россия ҳукумати асирларни қулликдан сотиб олиш учун тўлов пули миқдори ҳам жорий қилинди[43].

1823 йил июлда Астрахань губернияси деҳқонлари ва битта эронлик қул тўлов эвазига озод қилинди[44].

Архив ҳужжатларини ўрганиш жараёнида 1823 йилдан 1830 йилгача Россия ҳукумати Хива хонлигида асирликда бўлган 100 дан зиёд ҳарбийларни катта товон пули тўлови эвазига асирликдан кутқарганлигини кузатиш билан бирга, айни шу йилларда туркманлар, қирғиз ва қозоқлар янада фаоллашиб, 1000 дан зиёд рус фуқароларини асирликка олиб кетганликлари таъкидланади. Чунки, Россия ҳукумати асирларни озод қилиш учун жорий қилган тўлов пули катта миқдорда бўлиб, қайтанга бу қул овловчиларнинг янада фаоллашишига олиб келган холос[45].

Натижада, рус ҳукумати эндиликда кўп миқдордаги рус асирларини озод қилиш учун яна элчиликлар юбора бошлади. Жумладан, 1828 йил октябрь ойидан 1829 йил февралгача хонликда Аитов бошлиқ гуруҳ асирларни озод қилиш учун фаолият олиб борди. Аммо, бу ҳеч қандай натижа бермади[46].

Россия ҳукумати асирларни озод қилишга озгина ҳиссасини қўшган шахсларни ҳам мукофотлаб бошлади. Жумладан, Хива шаҳридаги рус асирларининг асосий маҳалласи ҳақида маълумот берганлиги учун қирғиз К. Казиревни, қирғиз С. Таубаев ва Б. Избосаровларни, қозоқ султонлари Б.Айчувақов ва С. Урганичбоевларни, бухоролик савдогар Ғ. Атағалиевни, қирғиз Серкачевни бир неча рус фуқаросини Хива асирлигидан озод қилиб келганлиги учун, пул мукофотлари ҳамда орден-медаллар билан тақдирландилар[47].

Рус ҳукуматининг асирларни озод қилиш бўйича бундай фаол ҳатти – ҳаракати Хива хонлигидаги рус асирларига ҳам етиб борган албатта. Натижада, 1830 йилда улар Оренбург генерал – губернатори П.Сухтелен номига асирликдан қутқаришларини сўраб хат юборганлар[48]. Бу хат бутун рус жамиятида катта шов – шувларга сабаб бўлиб, илғор зиёли қатлами вакиллари ҳаттоки императорга ҳам жуда кўп марта мурожаат қилганлар.

Бунинг натижаси ўлароқ 1831 йил май ойида Россия ҳукуматининг Осиё ишлари бўйича департаменти Хива ва Бухоро давлатларида асирликда азобланаётган рус фуқароларини озод қилиш бўйича ҳужжат қабул қилди. Бу ҳужжат мазмун – моҳияти билан архив ҳужжатларидан танишиш мумкин. Аммо, афсуски 55 варақдан иборат ҳужжатлар тўпламининг катта қисми жуда сифатсиз бўлганлиги учун тўлиқ таҳлил қилишнинг иложи бўлмади[49].

1834 йилда Урал қўшинлари бўлими Хива асирлигидан озод қилиш учун 10000 рубль пул ажратган[50].

1835 йилда Осиё департаменти ва Ташқи ишлар вазирлиги билан Хива хонлигидаги рус асирларини озод қилиш ҳамда хонлик билан сиёсий ва савдо алоқаларини яхшилаш борасидаги чора – тадбирлар акс этган ҳужжат қабул қилинди[51]. Афсуски, 362 варақдан иборат мазкур ҳужжатлар тўпламини ҳам тўлиқ ўрганишнинг иложи йўқ.

Хулоса

Умуман олганда, архив маълумотлари мазкур тадқиқот мавзуси юзасидан энг аниқ маълумотларни бериб, якуний илмий хулоса чиқариш имконини беради. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви ва Хива Ичон-қалъа музей қўриқхонаси қўлёзмалар фондларида ҳамда Россия Федерациясининг жуда кўплаган архивларида ҳали қулчилик муносабатларига оид ўрганилиши лозим бўлган ҳужжатлар кўпчиликти ташкил қилади ва келгусида мазкур мавзу билан шуғулланувчи тадқиқотчилар заруриятини туғдиради.

Қулликнинг узоқ вақт сақланиб қолганлигини тасдиқловчи яна бир ҳужжатда (бу қўлёзма Хивалик мулла Аҳмаджон Турдиоҳуновнинг шахсий қўлёзмалар фондидан олинган ва илк бора илмий муомалага киритилмоқда) шундай дейилган: “Тарихи ҳижрий 1320да моҳ Жумодус соний ойининг йигирма бешида (1902 йил 27 сентябрь) Ғойбули Ғуломқул Жуманиёз оқсоқол билан, оғосининг иқрори билан мард бўлгон мазкурдин 1320нчи йилнинг дўғма солғутини олдик. Мазкурға бундин дўғма солғути важҳидин даҳл қилмасун деб моҳ мазкурда хат битилди. 20 (тилло) олинди”.

Бир сўз билан айтганда, қулчиликнинг бекор қилиниши Хива хонлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қандай оқибатларни олиб келганлиги, қулчиликнинг бекор қилинишининг ижобий ва салбий тарафлари бўлганлигини кўрсатади. Ижобий томони хонликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қулчилик муносабатлари жуда катта тўсиқ эди. Яъни, унинг мавжудлиги хонликнинг қоқоқлик ботқоғида қолиб келишининг энг

асосий сабабларидан бири ҳисобланиб, бу ҳолат тезда бартараф қилинган, албатта ва хонлик ўта қолақ кулдорлик – феодал ишлаб чиқариш муносабатларидан аста-секин бўлсада илғор бозор муносабатлари доирасига тортила бошлади. Салбий тамонни эса, қулчиликнинг бирданига тугатилиши, илгари қул меҳнатидан фойдаланиб хўжалик юритиб келаётган мулкдорлар қатламининг йиллик даромадига катта таъсир қилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. ЎзРФАШИ инв. № 494, 1-2-варақлар.
2. ЎзРФАШИ инв. № 559, 1-2-варақлар.
3. ЎзРФАШИ инв. № 236, 1-варақ.
4. ЎзРФАШИ инв. № 500, 1-варақ.
5. Вамбери, А. Очерки Средней Азии: (дополнение к «Путешествию по Средней Азии») / А. Вамбери, профессора восточных языков и литературе при Пражском университете. - М.: тип. А.И. Мамонтова, 1868. – С. 206.
6. ЎзРФАШИ инв. № 905, 1-варақ.
7. ЎзРФАШИ инв. № 985, 1-варақ.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗР МДА). И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 90-иш. 1-варақ.
9. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 94-иш. 1-варақ.
10. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418^a-иш. 1-варақ.
11. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418-иш. 1-варақ.
12. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418-иш. 2-варақ.
13. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418-иш. 3-варақ.
14. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418-иш. 19-варақ.
15. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418-иш. 20-варақ.
16. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418-иш. 22-варақ.
17. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418-иш. 23-варақ.
18. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 418-иш. 24-варақ.
19. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 590-иш. 1-2-варақлар.
20. ЎЗР МДА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 27-иш. 1-варақ.
21. Бу ҳақда: Каталог хивинских казийских документов XIX - начала XX вв. / Сост.: А.Урунбаев, Т.Харикава, Т. Файзиев, Г.Джураева и К.Исогай. – Ташкент – Киото: Изд-во Международный институт по изучению языков и мира Киотского университета по изучению зарубежных стран, 2001. – 691 с.
22. Каталог хивинских казийских документов XIX - начала XX вв. / Сост.: А.Урунбаев, Т.Харикава, Т. Файзиев, Г.Джураева и К.Исогай. – Ташкент – Киото: Изд-во Международный институт по изучению языков и мира Киотского университета по изучению зарубежных стран, 2001. – С. 161.
23. Каталог хивинских казийских документов XIX - начала XX вв. – С. 163.
24. Каталог хивинских казийских документов XIX - начала XX вв. – С. 183.
25. Каталог хивинских казийских документов XIX - начала XX вв. – С. 293.
26. Каталог хивинских казийских документов XIX - начала XX вв. – С. 320.
27. Государственный Архив Оренбургской Области (далее ГАОО). Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 157 –242
28. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 157. ст. 48-87.



29. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 197. ст. 13.
30. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 198. ст. 2.
31. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 404. ст. 4.
32. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 884-886. 14.
33. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 906. ст. 4.
34. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1542. ст. 29.
35. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1572. ст. 29; Замечания поручика Абдунасыра Субханкулова о своей поездке из Оренбурга в Хиву летом 1818 г. // В кн.: Путевые дневники и служебные записки о поездках по южным степям. XVIII-XIX века // История Казахстана в русских источниках XVI-XX веков. Том VI. Алматы. Дайк-пресс. 2007. – С. 206 – 219; ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1873. ст. 67.
36. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1572. ст. 16.
37. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1585. ст. 150.
38. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1585. ст. 12.
39. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1734. ст. 4.
40. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1889. ст. 17.
41. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 1 – часть, Дело 1924. ст. 15.
42. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 2136. ст. 22, Дело 2233. ст. 4.
43. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 2847а. ст. 5.
44. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 2908. ст. 5.
45. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 2909. ст.11. Дело 3281. ст. 69. Дело 3343. ст. 42.
46. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 34229. ст. 9.
47. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 3347. ст.5. Дело 3407. ст.3. Дело 3464/1. ст.23. Дело 3917. ст. 63. Дело 3921. ст. 34. Дело 3951. ст. 7.
48. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 3661. ст. 8.
49. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 3755. ст. 55.
50. ГАОО. Фонд 6, опис 10, 2 – часть, Дело 4156. ст. 15.
ГАОО. Фонд 6, опис 10, 3 – часть, Дело 4371. ст. 362..



**ЗАРДУШТИЙЛИК (МАЗДА ЯСНА) ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА
НАЗАР ВА УНИНГ БУГУНГИ ТАҚДИРИ ҲАҚИДА**

ГУЛЯМОВА НАРГИЗА

тадқиқотчи, ТДШУ

***Аннотация.** Мақолада зардуштийлик (Мазда Ясна) динининг қисқача тарихи, бугунги глобаллашган инсоният жамиятида тутган ўрни, кам сонли қолдиқ жамоаларининг Эрон ва Ҳиндистонда тутган ўрни ва мавқеи, диндорликнинг ижтимоий ҳолати, келажаги ҳақидаги фикрлар баён этилган.*

Таянч сўз ва иборалар: Зардуштийлик, тарих, Мазда Ясна, Хиндистон, Эрон, Истикбол, Эрон, диний жамоалар, глобализув, истиқбол, такдир.

Аннотация. В статье рассматривается краткая история религии Мазда Ясна, место, статус ее в современном глобализованном мире и вопросы рассматриваются В статье обсуждаются вопросы судьбы немногочисленных общин зороастрийцев в странах, где существует данная религия.

Опорные слова и выражения: Зороастрианизм, Эран, религиозные общины, глобализация, перспективы, судьбы.

Abstract. The article discusses a brief history of the Mazda Yasna religion, its place, status in the modern globalized world and issues. The article discusses the fate of the few Zoroastrian communities in countries where this religion exists.

Keywords and expressions: Zoroastrianism, Eran, religious communities, globalization, prospects, destinies.

Зардуштийлик, кенг маънода айтсак, ҳали ҳам турли халқлар турмуш тарзи, урф-одатлари, ирим-сиримлари доирасида “яшаб келмоқда”. Бу фикрни қўштирноқда беришимнинг маъноси шуки, зардуштийлик минг йилдан ортибдики, расман дин сифатида мавжуд эмас. Бундан истисно сифатида Эроннинг Жануби-ғарбида, Хиндистоннинг Мумбай шаҳри, Гужарот вилоятида, бир қатор Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида, шу жумладан Сингапурда, Гонгконгда, Шри Ланкада, Австралияда кичик, деярли ёпиқ зардуштийлик жамоалари сақланиб келаётгани кўрсатилиши мумкин.

Зардуштийликнинг умуман жаҳон динлари тарихида тутган ўрнини бир маънода юксак баҳолаш ҳам мумкин. Яъни, бу дин дунёда биринчи расман кодификациялашган, ўз муқаддас китобига эга дин бўлган. Шу билан бирга бу дин кўп жиҳатдан жаҳон динларига хос аломатларга ҳам эга. Аввало, пайғамбарлик миссияси, теологик масалаларда худо тушунчасининг олий мақомга кўтарилиши, ғусл ва таҳорат, ибодат шартлари, назру-ниёз, қурбонлик усуллари, инсоннинг дин орқали табиат ва жамият олдидаги масъулияти кабилар шулар жумласига қиради.

Бугунгача етиб келган ҳолатида зардуштийлик амалда кўплаб маросимий аъёнларини йўқотган ёки соддалаштирган. Видевдот китобида келган расм-русумларнинг мураккаб тизимидан кўплаб ўта синчков, икир-чикирларигача эътиборга олиш ва сўзсиз бажариш лозим бўлган шартларнинг аксариятидан воз кечилган. Лекин зардуштийнинг тор диний конфессионал психологияси жамоалар томонидан бағоят ихлос билан авайланади. Айниқса, бу руҳий кайфият сўнгги юз йиллик ичида зардуштийлик мавжуд мамлакатлар халқларининг етакчи динлари(ислом, ҳиндуйлик ва б.) ўрови ичида уни сақлашга қаратилган ҳаракат туфайли яққол юзага чиқди.

Зардуштий авлодлар шажарасининг охириги бўғинларида ўз динларига муносабат масаласида азалий қатъий диний интизом шартларига риоя қилиш суствлашув кузатилади.ни

Зардуштийликнинг узоқ ва яқин ўтмишига назар солинса, бу дин ўзига хос мураккаб босқичларни бошдан кечиргани кузатилади. Аввало, бир неча маротаба зардуштийлик ўз мазмунини ислоҳ қилишга, мафкуравий йўналишини ҳамда ижтимоий нисбатни кенгайтиришга мажбур бўлди. Чунки зардуштийлик пайғамбари Заратуштранинг орзусига кўра утопик ҳолатида умумбашарий дин бўлмоғи лозим эди. Бинобарин, зардуштийликнинг манбаларида, хусусан, Авеста китобида бирор эл-элат, худудга мансублик, замонга дахлдорлик акс этган эмас. Авеста канони шаклланишида диннинг умуман инсоният жамиятига хос тарзда талқин этилиши алоҳида эътиборда тутилган. Негаки, Заратуштра Ахура Маздани якка-ягона худо деб эълон қилар экан, бутун борлиқнинг яратувчиси ҳам унинг ўзи, деди. Демак, олам ва унинг парвардигори бир бутун яхлитлик экан, олам ичра

одам ҳам моҳиятан бир. Оламнинг ялпи ижобий асослари, ундаги барча ижобий унсурлар бирлигидан иборат қилиб яралган экан, бу борлиқ учун низом ҳам ягона бўлиши керак, деб тушунтирди Заратуштра. Бирок, Зардушт ўз таълимотини одамлар орасида тарғиб қилишда мураккаб қарама-қаршиликларга дуч келган. Ўтмишдаги кўпхудолик доирасидан чиқиб, худони якка зот деб тасаввур қилиш қийин кечган. Бунинг устига, худо тимсолининг мавҳумлиги унга қадар турли моддий қиёфаси бор маъбудларга сиғиниб келган одамлар учун тушунарли эмас эди. Натижада Зардушт маънавий оламни инқилобий даражада ўзгартиришга кодир ўз ғояларини қавмлари орасига ёйишда жиддий қаршиликка учраган. Ниҳоят, ўн йил давом этган кураш самара бермагач, у ўз туғилиб ўсган макони Амударё бўйларидадан бадарға бўлган. Сарсон-саргардонликлардан сўнг Зардушт Баҳди, Сакастана юртларига етиб, ҳукмдор Виштаспа ҳамда унинг аъёнларига ўз ҳақиқатини тушунтиришга ва таълимотининг қабул қилинишига эришган. Шу сабабли зардуштийлик Ардви (Амударё) дарёси соҳилларидан чиқиб, аввал бошданок ўзи кириб борган ўлкада зодагонлар орасида, керак бўлса, ҳукмдорнинг кўрсатмасига биноан унинг сарой аҳли томонидан қабул қилинган. Демак, бир қатор тадқиқотчиларнинг зардуштийлик дастлаб элитар таълимот сифатида маълум доирада амал қилган, деган фикрига қўшилиш ҳам мумкиндек кўринади. Бу хусусият кейинчалик бошқа динлар томонидан зардуштийлик сиқувда қолиб, ўз асосларини сақлаш учун курашмоққа мажбур бўлган, натижада тор жамоавий дин даражасига тушган ҳоллар туфайли элитар тарзда талқин қилинган деб ҳисобланса мантиққа тўғри келади. Бирок, ҳар не бўлганда ҳам, зардуштийлик дастлаб умумбашарий диний таълимот сифатида пайдо бўлгани эътибордан четда қолмаслиги лозим. Чунки Зардушт ўз таълимотини умуман яратган зот олдида инсониятнинг ягона моҳиятига қаратган эди. Бу ғоянинг ғалабаси учун эл-элатлар турли-туманлиги, оламни тушуниш даражалари хилма-хилли кабиларнинг аҳамияти қолмаслиги лозим эди.

Зардуштийлик буддавийлик, христианлик ва ислом динлари каби жаҳон динлари қаторига кирмаса-да, ўз мақомига кўра олий инстант – Ахура Маздадан Заратуштра (Зардуштга)га нозил бўлган хуш хабар – ваҳий дини эканлиги билан типологик жиҳатдан шунга яқин турган. Баъзи олимларнинг фикрича зардуштийлик ўзининг жаннат ва дўзах дуал қарама-қаршилиги, савоб ва гуноҳ ўртасида инсоннинг бу дунёдаги ва нариги дунёдаги тақдири каби ғоялари билан мазкур динларнинг шаклланишига муайян таъсир кўрсатган.

Бу ёруғ дунёнинг ғаниматлиги ва бунда эзгуликлар эвазига нариги дунё роҳатлари ёки гуноҳлар учун дўзах азоблари каби ғоялари билан зардуштийликда христианлик ёки ислом динига ўхшаш аломатлар бор. Олий инстантнинг сифатлар орқали турлича номланиш анъанаси, фаришталарнинг, айниқса, олий инстантнинг олти тажаллилари унинг ўз функциялари эканлиги – булар ҳаммаси зардуштийликни инсоният диний тафаккури ривожига маълум из қолдиришига сабаб бўлган.

Зардуштийлик аслида жаҳон дини мақомига даъво қилгани билан бу даражага кўтарила олмаган. Бирок, унда олий инстант ва унинг яккалиги ғояси, оламнинг ягона асосларда унинг томонидан яратилганига ишониш ва бошқалар бу динни типологик жиҳатдан жаҳон динларига яқин турганини кўрсатади.

Зардуштийликнинг тарихий тақдири масаласи ҳозирги авесташуносликда алоҳида башоратларга сабаб бўлмоқда. Баъзи олимлар фикрича зардуштийлик тобора “ўлиб бораётган” дин деб таърифлашмоқда. Зардуштий жамоаларида фикр бошқача. Яъни бу дин улар учун жаҳонда энг яхши ва энг тўғри дин – Беҳдин ҳисобланади. Бу атама диндорларнинг ўз динлари ҳақидаги фикрларини ифодалайди. Диннинг расмий номи Мазда Ясна – Маздага,

яъни Олий оқил зотга сиғиниш деб юритилади. Зардуштийлик атамаси эса диннинг номини пайғамбари номи билан аташ демакдир.

Зардуштийлик динининг бугунги ҳолати чиндан ҳам катта истиқбол ҳақида гапиришга асос бермайди. Ўтган аср охирларидаги ҳисоб-китобларга кўра зардуштийлик мавжуд мамлакатлар бўйича беҳдин эътиқодидагилар сони қуйидагича тақсимланади: умумий сони 130-140 минг бўлгани ҳолда Ҳиндистонда 85 мингга яқин, Покистонда 5 минг, Эронда 25 минг, қолган 15-20 мингга яқини Шри Ланка, Жануби -шарқий Осиё мамлакатларда, Австралияда, Европа ва Америкада кичик жамоалар бўлиб тарқалишган. Ҳозирги зардуштийларнинг асосий маркази Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳри, Гужарот штати ҳудудларидир. Диннинг асос ларини сақлаш учун ҳаракат маркази ҳам шу манзиллар. зардуштийлик дини тарихи, авесташунослик, шу билан бирга диннинг амалда сақланиши учун астойдил ҳаракат Мумбай шаҳридаги Кома институтида тўпланган.

Ҳиндистон зардуштийлари шаҳаншоҳий ва қадмий деб номланувчи икки тоифага бўлинишган. Бу икки тоифани бир-биридан фарқловчи омил зардуштийлик тақвимида фойдаланиш билан боғлиқ. Яъни, шаҳаншоҳийлар йил ҳисобини Сосонийлар Эрон сулоласининг сўнгги ҳукмдори шаҳаншоҳ Яздигирднинг вафот йилидан бошлайдилар. Қадмийлар эса йил ҳисобини мазкур эранинг биринчи йилидан, яъни 631 йилдан бошлайдилар. Зардуштийлик манбаларидаги саналар турличалигининг сабаби шу билан боғлиқ.

Зардуштийлик жамоаларининг ички бошқаруви Ҳиндистонда панчаят номли жамоа кенгаши, Эронда эса ханжамана (анжуман) қарорлари орқали амалга ошириб келинади. Бу усул зардуштийларни ялпи қамраб олиши шарт эмасдек кўринади. Ҳар бир кичик жамоа ўзининг кундалик ташкилий жараёнлари учун керакли қарорларни қабул қилиши ва ўз доирасида амал қилиши мумкин. Бундан ташқари жамоавий одат ҳам бошқарувда ўз ўрнига эга. Бу зардуштийлар жамоасининг марказлашган бошқаруви йўқлигини кўрсатади. Аммо ибодатхоналар, яъни оташкадалар орқали барча кичик жамоалар ўзаро алоқадор ҳолатда яшаб келмоқдаки, бу ўз навбатида зардуштийлик жамоаларининг умумий бирлик ижтимоий туйғусини таъминлаб келмоқда.

Ҳиндистон зардуштийлари порслар деб аталгани билан асл қадимий форсий тилларини унутишган. Муқаддас китоблари Авеста матнларида етиб келган ўлик тилни ҳам аксарият авом билмайди. Авеста тили муъбадлар (дин пешволари) орасида, уларнинг ҳам ҳаммаси билавермайдиган ҳолатда мавжуд Лекин бу тилга намоз ва бошқа маросим пайтларида мурожаат қилинади, диний жамоа эса муъбадларга иқтидо қилиб ибодат қиладилар. Эрон зардуштийлари жамоалари бегоналар учун “ёпиқ” бўлгани учун уларда ҳозирги форс тили шеваларидан фарқ қилувчи тил шаклланган. Ҳар икки мамлакат зардуштийлари тил жиҳатдан бир-бирларини тушунмайдилар.

Дин пешволари зардуштий жамоаларини бошқараётгандек кўринса-да , аслида теократик салобат йўқлиги сабабли бу бошқарув шунчаки диний жамоа анъанавий ҳурмат қилиши лозим ҳисобланган шаклда давом этмоқда. Дин пешволарида реал бошқарув механизми жамоаларнинг диний масалаларда итоаткорлик анъанасига таянади.

Ҳиндистон зардуштий жамоаларида диний маросимларнинг, амал қилиш лозим бўлган рағбат ва тақиқлар тизимининг ўта мураккаблиги кўп жиҳатдан уларга муносабатнинг формаллашувига олиб келган. Дин ва ритуаллар амалиётидаги ўта майда ва албатта амал қилиш талаб қилинадиган расм-русумлар аста секин соддалашган ҳолда ортда қолмоқда. Хусусан, илғор фикрли рационалист зардуштийлар дин қоидаларида жорий этилган икир-чикир амалларнинг аксариятини танқид қилишади. Ёш авлод эса ота-боболари динига



нисбатан илгаригидек жиддий ихлосда эмаслар. Бу каби замонавий майллар баъзи зардуштий ақидапарастлар назарида гуноҳ ҳисобланади Хусусан, Ҳиндистон зардуштийлари ўтган аср бошларидаёқ дин асосларини янгилик таъсирларидан ҳимоя қилиш фикрларини олға сурган эдилар. Шу билан бирга улар, диннинг илк ақидаларини сақлаган ҳолда маросимларда риоя қилиниши лозим ҳисобланган мураккаб майда-чуйда талаблардан тозалашни таклиф қилишди. Ҳиндистоннинг пешво зардуштий олимлари ўз динларини дунё динлари, хусусан, христиан дини таъсиридан ҳимоя қилишга чақирди. Натижада бир хавф ўрнига иккинчиси пайдо бўлди. Яъни зардуштийликни ҳиндучиликнинг таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи ҳам кўндаланг бўлди. Эрон зардуштийлиги ҳам бир қатор муаммолар ичида яшамокда. Диний жамоаларнинг пешволари диннинг асос ақидаларини сақлаш йўлида тинмай ҳаракат қилишларига қарамай ўрта ва ёш авлоднинг динга муносабатларида маросимий талабларнинг барчасига бирдек зарур деб қарашдан йироқлашув кузатилади. Эронда машхур олим Иброҳим Пурдовуд зардуштийликнинг фундаментал илк ақидаларини тиклаш ғоясини қатъий ҳимоя қилиб келган эди. Аммо ҳаётий жараёнлар ўз ўзанида давом этгани сари Эронда ҳам зардуштийлик ижтимоий мавқеий илгариги мақомини сақлаб қолмокда дейиш қийин.

Зардуштийларнинг Ҳиндистондаги жамоалари шаҳарга хос турмуш тарзига мослашганлар. Эрон зардуштийлари кўпроқ қишлоқларда истиқомат қилишади. Шаҳар ҳаётининг ўзига хос интенсивлиги, тижорат ва бошқа ишбилармонликка асосланган фаолият Ҳиндистон зардуштийларининг диний расм-русумларнинг мукамаллигини таъминлашга доим ҳам имкон бермайди. Натижада ўрта ва ёш авлод диний русумлар ижросида изчил эмаслар. Эрон зардуштийларида бу масала кескин муаммо даражасига кўтарилган дейиш қийин. Шу сабабли Эрон зардуштийлиги фундаментал ақидаларнинг ҳимояси масаласида бир қадар сергак деб ҳисобланиши мумкин.

Зардуштийликнинг назарий диншунослик асослари, Авестанинг тил хусусиятлари, диннинг теологик жиҳати, мифологик қатлам ва унинг диний талқинга олиб кирилиши ва бошқа кўплаб муаммолар жаҳон авесташунослигида ҳар жиҳатдан ўрганилмокда. Шу жумладан, бу қадимий диннинг бугунги ҳолати ва эҳтимол тутилмокда бўлган тақдири ҳақидаги фикрлар ҳам ўртага қўйилмокда. Агар зардуштийликнинг кўп жиҳатдан ижтимоий фаол, шахс эркинлиги ва бориқнинг эзгу асосларини ҳимоя қилишда индивидуал масъулият, бу дунё ва нариги дунё, беҳишт ва дўзах, қиёмат ва унда тирилиш ҳамда чинват номи билан келган “қил кўприк” каби диний тасаввурлар ва эътиқод категориялари, буларнинг жаҳон динларида пайдо бўлишидан анча илгари шакллангани кабиларни ҳисобга олинса, жамоавий ҳимоя психологияси бу диннинг яшовчанлигини таъминлаш омиллари деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари зардуштийлик, жумладан, Эронда расман тан олинган дин мақомига эгаллиги ҳам унинг эркин амал қилиши учун шароит яратган.



ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДА ҚАДИМГИ ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАР
ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

ТУРДИЕВА ДИЛАФРУЗ

Катта ўқитувчи, ЎХИА

МИРЗИЯТОВ ИЛЁС

педагогика фанлари номзоди, ЎХИА

Аннотация. Мақолада, ҳозирги кунда Жануби-Шарқий Осиё минтақаси, жумладан Малайзия ҳудудида жаҳон динларидан ҳисобланган буддавийлик ва ислом асосий мавқега эга бўлган динлардан экани, ушбу динларнинг кириб келиши ҳам ҳиндуийлик дини каби бошқа ўлкаларда кечган жараёнлардан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани, минтақанинг исломлашуви бир неча ўн йиллар, ҳатто асрлар давомида кечган бўлсада, бу минтақада арабларнинг ҳарбий ҳаракатлари кузатилмагани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ислом дини Жануби-Шарқий Осиё минтақасида кенг тарқалиши билан бирга у ерда мавжуд динлар таъсирида ривожлана борди ва вақтлар ўтиши билан атрофидаги бошқа динлар одатлари билан синкретлашув жараёни бошланди. Ислом дини кириб келган вақтда аҳоли уни бегона бир дин сифатида эмас, балки ўзларида аввалдан мавжуд эътиқод сифатида қабул қилганлар эътиборга молик.

Таянч сўз ва иборалар: ислом, буддавийлик, миссионерлик, Жануби-Шарқий Осиё, ҳиндуийлик, бағрикенглик, Малакка.

Аннотация. В статье отмечается, что буддизм и ислам, которые в настоящее время являются основными мировыми религиями в регионе Юго-Восточной Азии, включая Малайзию, входят в число основных религий, распространение этих религий также имел свои особенности, как индуизм, в отличие от процессов, происходивших в других странах, хотя исламизация региона продолжалась десятилетиями, даже веками, в регионе не наблюдались арабские военные действия.

С распространением ислама в регионе Юго-Восточной Азии он развивался под влиянием существовавших там религий, и со временем начался процесс синкретизации с обычаями других окружающих религий. Примечательно, что на момент проникновения ислама население принимало его не как чужую религию, а как ранее существовавшее верование.

Опорные слова и выражения: ислам, буддизм, миссионерство, Юго-Восточная Азия, индуизм, толерантность, Малакка.

Abstract. The article notes that Buddhism and Islam, which are currently the main world religions in the region of Southeast Asia, including Malaysia, are among the main religions, the spread of these religions also had its own characteristics, like Hinduism, in contrast to the processes that took place in other countries, although the Islamization of the region has continued for decades, even centuries, the region has not seen Arab military action.

With the spread of Islam in the region of Southeast Asia, it developed under the influence of the religions that existed there, and over time began the process of syncretization with the customs of other surrounding religions. It is noteworthy that at the time of the penetration of Islam, the population accepted it not as a foreign religion, but as a pre-existing belief.

Key words and expressions: islam, buddism, missionary, Southeast Asia, Hinduism, tolerance, Malacca.

Жануби-Шарқий Осиё минтақаси диний эътиқодига кўра 3 ҳудудга бўлинади: биринчиси, аҳолисининг 90%дан ортиғи буддавийлик динига эътиқод қилади ва бунга Ҳиндихитой давлатлари киради. Иккинчиси, аҳолисининг аксарияти мусулмон бўлган давлатлар, буларга Индонезия, Малайзия, Бруней ҳамда Филиппиннинг жанубий қисмлари киради. Учинчи ҳудуд аҳолисининг аксарияти христианликнинг католик йўналишига эътиқод қилувчилардир, бу ҳудуд таркибига Филиппиннинг асосий қисми ва Шарқий Тимор киради [8:16].

Бу минтақада милонинг илк асрларидаёқ ўзига хос тараққиёт пайдо бўлган. Ҳозирги кунда Жануби-Шарқий Осиё минтақасини ўрганаётган олимлар фикрича, ушбу минтақа ривожланиши ва гуллаб-яшнашида Ҳиндистон ва у ерда мавжуд бўлган ҳиндуийлик ва буддавийлик динларининг таъсири жуда катта бўлган, шу туфайли улар ушбу тараққиётни “Ҳинди-Буддавий” маданият деб номлашмоқда. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари мавжуд. Агар биз Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги давлатларнинг диний ҳолатига эътибор берсак, минтақадаги мавжуд давлатларнинг барчасида буддавийлик динининг алоҳида ўрни мавжуд эканини кўришимиз мумкин.

Маълумки, ҳиндуийлик Ҳиндистонда пайдо бўлган ва асосан ҳиндлар эътиқод қиладиган диндир. Қадимий ведалар диний-фалсафий таълимоти ва брахманликка таянган ушбу дин милод бошларида бутун Ҳиндистон ҳудудида ҳукмронлик қила бошлади ва тез суратлар билан Ҳинди-Хитой ва Индонезияда тарқалди. Кейинчалик бу Малай ва бошқа давлатлар ҳудудига ҳам кириб келди. Қадимги Малайзия ҳудудида ушбу диннинг тарқалишига маълум даражада ҳинд ҳаммоллари ўз ҳиссаларини қўшган бўлсалар, XIX-XX асрларга келиб ушбу ҳудудга эркин кўчиб ўтаётган ҳинд ишчилари нафақат ҳиндуий диний-маданий таркибий қисмларини сақлаб қолишга, балки уни ривожлантириш ва юксалтиришга ҳам ҳаракат қилганлар. Даврлар ўтиб Жануби-Шарқий Осиё минтақасига кўчиб ўтаётган ҳиндлар ўзлари билан бирга брахманлик ва буддавийлик динларини ҳам олиб кирганлар.

Ҳиндуийлик дини ҳинд саройлари дабдабаларига тақлид қилган маҳаллий давлат раҳбарлари томонидан қабул қилина бошлади. Буддавийлик дини эса, аксинча қашшоқликда яшовчи буддавий дарвешлари ёрдамида кириб келган [10].

Ҳиндуийликни қабул қилган ҳукмдорлар ўзларини Шива, Вишну ёки Харихара худоларига ўхшатиб илоҳийлаштириш мақсадида ҳинд брахманларини таклиф қилганлар. Ҳукмдорларнинг янги исмлари улар тенглаштирилган худолар номи билан бирга тилга олинган.

Аста-секинлик билан санскрит саройларнинг муқаддас тилига айланган. Вақт ўтиши билан эса, ҳинд ёзувлари маҳаллий тиллардаги бадий асарлар учун соддалаштира бошланган. Буни бизгача яван, малай, монск ва кхмер тилларида етиб келган ёзувларда кўришимиз мумкин.

“Ҳинд мустамлақаси” тинч кечган жараён ҳисобланади. Унинг илк тарқатувчилари кампонг – қирғоқ бўйи аҳолиси билан савдо алоқаларини боғлаган ҳинд савдогарлари бўлган. Бу ерга келган ҳинд савдогарлари маҳаллий оила қизлари билан турмуш қурганлар, бунинг натижасида қирғоқ бўйи аҳолиси орасига ҳиндуийлик дини ва маданияти кириб кела бошлаган. Баъзида ҳиндлар орасидан бошлиқлар тайинланган ёки ҳудудда ҳинд оилаларининг кўчиб келиб яшаши кузатилган [9:12]”.

Аввалига Малайзия худудига савдогарлар баъзи-баъзида келган бўлсалар, милонинг бошларига келиб нафақат савдогарлар балки ҳиндуийлик дини руҳонийларининг ҳам худудга кириб келиш оқими кучая бошлаган, бунга сабаб эса, Жануби-Шарқий Осиё минтақаси худудларида мавжуд бўлган турли зираворлар, қимматбаҳо тошлар ва тилланинг кўп бўлгандир. Кейинчалик бу омиллардан буддавийлик дини миссионерлари ҳам усталик билан фойдаланганлар.

Малакка ярим оролидаги илк давлатлардан бири ҳозирда Жанубий Таиландга тегишли бўлган худудда жойлашган Таккола ҳисобланса, айнан Малайзия худудидаги илк давлат Кедах бўлгани ҳақида Ҳинд манбалари гувоҳлик беради. Бу ҳақдаги маълумотлар милодий II аср охири ва III аср бошларига тааллуқли тамил шеърятига оид “Паттинапалаи”да ҳам учрайди [9].

Аслида Жануби-Шарқий Осиёнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳинд маданияти туртки бўла олди холос, чунки жамиятнинг ўзи бу каби ўзгаришларга тайёр турган эди. Ҳиндлар билан ўрнатилган алоқалар эса синфий жамиятнинг пайдо бўлишини тезлаштириб юборди холос. Шунингдек, кейинчалик ҳиндуийлик дини ибодат ва маросимлари буддавийлик дини билан бирга ривожланди.

Ҳозирги кунда Жануби-Шарқий Осиё минтақаси, жумладан Малайзия худудида жаҳон динларидан ҳисобланган буддавийлик ва ислом асосий мавқега эга бўлган динлардан ҳисобланади.

Бу худудга буддавийлик ва ислом динларининг кириб келиши ҳам ҳиндуийлик дини каби бошқа ўлкаларда кечган жараёнлардан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга.

Буддавийлик дини милондан аввалги II–III асрларда тинч йўл билан саёҳатчи руҳоний ва буддавий савдогарлар орқали кириб келган. Лекин туб аҳоли учун Ҳинд маданияти юқори даражадаги маданият ҳисобланган. Шунинг учун ушбу минтақа аҳолиси буддавийлик динини ҳиндуийлик дини ва руҳларга сиғиниш одатлари билан уйғунлаштирган ҳолда қабул қилганлар. Аҳолининг кичик қатламигина буддавийликка “нирвана” – яъни, “олий ҳақиқатга эришиш” учун эътикод қилар эдилар. Кўпгина қисми эса дунёвий ишлар ва муаммоларни ҳал қилиб бера оладиган дин сифатида қабул қилганлар ва эътикод қилганлар. Буддавийлик дини бу минтақада мавжуд бўлган ҳиндуийлик ва бошқа турли динларни сиқиб чиқара олмаган, шунинг учун ҳам олимлар буни “Ҳинди-Буддавий” маданият деб эътироф этганлар.

“Танътанъ” хитой тарихий манбасида шоҳ атрофидаги мансабдор шахсларнинг барчаси брахманлар бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд [9:21].

Хитой тарихий солномаси “Лян шу”да келтирилган маълумотларга кўра, Кедахда топилган буддавий санскрит ёзувлари милодий IV-V асрларга оид тарихий манбадир. Бундан ташқари бу ердан будда ибодатхоналари, ҳинд кулолчилик мактаби таъсирида ясалган Будда ҳайкалчалари топилган.

Панъпанъда эса, буддавийлик руҳонийлари муқаддас китобларни ўрганадиган 10 та махсус ибодатхона мавжуд экани ва у ердагилар винодан тийилиб гўшт ейишлари ҳақида ҳам сўз юритилган [9:23].

Шуниси эътирофга лойикки, милодий V-VI асрлардан бошлаб Хитойга Малакка ярим оролидан буддавийлик ёдгорликлари етказиб берилган.

Шунингдек, 671 йилда хитой буддавий-роҳиб И Цзиннинг Ҳиндистонга сафари чоғида Шарқий Суматрада жойлашган Шривиджая давлатига ташриф буюради, унинг гувоҳлик беришича, ўша вақтдаёқ бу давлат Жануби-Шарқий Осиёдаги махаяна йўналишидаги

буддавийлик маркази ҳисобланган, 683-686 йилларда Шривиджая буддавий князлиги деб ҳам номланган [9]. Шайлендралар сулоласидан бўлган махараджа Вишну ҳукмронлиги (775-782 йиллар) даврида эса, буддавийлик ибодатхоналарининг қурилиши бошланган, булар ичида энг йирик ибодатхона Боробудур ўлмас ёдгорлик ҳисобланади.

Ислом дини ҳам Жануби-Шарқий Осиё минтақасида кенг тарқалиш билан бирга у ерда мавжуд динлар таъсирида ривожлана борди ва вақтлар ўтиши билан атрофидаги бошқа динлар одатлари билан синкретлашув жараёни бошланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ислом дини кириб келган вақтда аҳоли уни бегона бир дин сифатида эмас, балки ўзларида аввалдан мавжуд эътиқод сифатида қабул қилганлар.

Бугунги кунда Малайзия федерациясида ислом дини асосий дин ҳисобланади ва аҳолининг 90% шу динга эътиқод қилади. Лекин шуни ҳам эътироф этиш жоизки, у ердаги мусулмонлар бир-биридан фарқ қилади. Яъни, минтақанинг тоғли ҳудудларида яшаётган мусулмонлар соф ислом дини ақида ва тамойилларига эътиқод қилсалар, минтақанинг қолган қисмидаги мусулмонлар атрофдаги динлардан таъсирланган ислом динига эътиқод қиладилар. Шуни ҳам эътироф этиш мумкинки, бу минтақада ислом дини таъсирида муқаддаслаштирилган жой ҳамда зиёратгоҳлар барпо этилган ва улар ҳозирги кунгача сақлаб қолинган.

Бу ҳудудга ислом тинч йўл билан кириб келди. Минтақанинг исломлашуви бир неча ўн йиллар, ҳатто асрлар давомида кечган бўлсада, бу минтақада арабларнинг ҳарбий ҳаракатлари кузатилмади.

Ушбу ҳудуд халифаликлар пайдо бўлаётган даврда арабларнинг босқинига дуч келмаган бўлсада, VII-VIII асрлардаёқ араб савдогар аҳолиси бу ерга кириб келган эди. Бу каби мустамлакалар Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиёни Араб ярим ороли билан туташтирувчи денгиз йўллари орқали пайдо бўлар эди. Айнан шу каби мустамлакалар исломлаштириш маркази бўлиб қолди. Х.Снук Хюргронье, И.Гольдциер ва шу каби машхур исломшунос тарихчилар, бу ҳудудда ислом динининг тарқалишида арабларнинг ўрни жуда катта, деган фаразни танқид қилганлар. Улар Ҳиндистон ва Эрондан келган аҳоли ҳам ушбу минтақада ислом динининг тарқалишига ёрдам берганлар, деган ғояни илгари сурганлар [5:15]. Улар мазкур минтақанинг турли бурчакларида асос солган савдо марказларининг кўпчилиги ҳозирги кунгача мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти диний фаолият марказлари сифатида маҳаллий мусулмонларни ташқи ислом олами билан боғлаб туради [3:44].

Бу ерларга исломнинг ғайриараблар томонидан киритилиши ҳам ўз таъсирини қолдирди. Минтақадаги ислом ўрта асрларда Арабистонда мавжуд бўлган ислом кўринишидан фарқ қилган. Яъни, унда маҳаллий анъаналар билан исломнинг кириб келишида муҳим ўрин эгаллаган ҳинд, форс ва бошқа миллатлар урф-одатлари ҳам аралашиб кетган [1:132].

XIII аср охирида Жануби-Шарқий Осиёда ислом даъватчилари у ерлик аҳолининг аксарият қисмини ислом динига эътиқод қилишларига сабабчи бўлганлар. Буни 1292 йили Суматрадаги Перелак портига келган Марко Поло ҳам бу ердаги аҳоли аллақачон ислом динига эътиқод қила бошлаганини таъкидлаган [11:75].

XI-XIII асрларда ислом динини маҳаллий аҳоли орасида биринчи бўлиб Малакка ярим оролининг соҳил минтақалари ва Суматра оролининг шимолий қисмида яшовчи халқлар қабул қилдилар [6:140]. Натижада XV асрда тараққий этган Малакка Султонлигидан чиққан дин тарқатувчи савдогарлар ўз фаолиятларини кенгайтириб юбордилар. XV-XVII асрларда Ява, Бруней, XV-XVI асрларда Ғарбий Суматра, XV асрнинг иккинчи ярмида Патани, XIV-XV асрларда Сулу ва Минданао, XV-XVIII асрларда Аракана ороллари аҳолиси исломни

қабул қилдилар. Янги дин Ява ороли орқали XVIII-XIX асрларда Жанубий Суматрага, XVI-XVII асрларда Жанубий Калимантанга, XVII асрда Ғарбий Суматра орқали Сулавесига кириб келди. Исломни оммавий тарзда қабул қилиш Сабах ва Саравакнинг энг ичкари минтақаларида юз берган [5:16].

Ғарбий Суматра таъсири остида эса, Малакка подшоҳлиги ислом динини қабул қилган. Бу минтақаларда XV асрнинг ўзидаёқ ислом етакчи динга айланиб улгурган эди [4:79]. Малакка билан бўлган савдо муносабатлар Ява ва Бруней бандаргоҳларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Калимантан оролида улар ўз динларига эътиқод қиладиган эргашувчиларни ҳам топдилар. Малакканинг португаллар томонидан 1511 йилда босиб олиниши билан Пряноста ороллари бошлиқлари уларга эргаша бошладилар [8:16].

Ислом динининг ҳукмдорлар томонидан қабул қилиниши бу уларнинг қўл остидагилари ҳам ислом динини тез қабул қилди, дегани эмас эди. Аслида, ҳиндуийлик ва буддавийликнинг ушбу минтақага кириб келиши жараёнида кузатилган вазият ислом билан ҳам рўй берди. Ислом дини турли жойларда мусулмонларнинг маиший ва маънавий ҳаётларига бир хилда кириб боргани йўқ. Бир минтақадаги турли халқлар ва ҳатто турли ҳудудлардаги исломнинг кўриниши бир-биридан фарқ қилади. Ислом ақида ва тамойилларига қаттиқ амал қиладиган халқлар бу – илгари даъватчилар сермахсул фаолият олиб борган ерлардир. Аслида Малай маданияти шаклланган минтақа аҳолиси илгари ҳиндуийлик ва буддавийлик динларининг баъзи жиҳатларини қабул қилганларидек, юз йиллар ичида ислом динининг ҳам баъзи жиҳатларини қабул қилдилар. Ислом аввалги динлар – ҳиндуийлик ва буддавийликка дуч келди ва улар билан бирга мавжуд бўлиб, ўзига хос кўриниш олди.

Ижтимоий муносабатлар аввалги маҳаллий “одат” – оддий ҳуқуқлар билан ҳал қилинган. Ҳеч қандай оммавий намойишлар бўлмади, маданий ҳаётда ҳам ҳеч қандай портлашлар рўй бермади [2:114]. Биринчи ҳолатда мусулмонлар ҳукумат назаридан четда қолган бўлсалар, иккинчи ҳолатда эса, мусулмонлар анъанавий ислом қонунларини сақлаб қолиш учун диққат марказида бўлдилар.

Ушбу давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг ислом оламига таъсири камроқ, чунки Малайзия дунёда энг мўътадил мусулмон мамлакати сифатида намоён бўлади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, ҳозирги кунда бу ҳудудда христиан миссионерлари ҳам кўпайиб қолган, улар асосан аҳолининг камбағал қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатган ҳолда ўз фаолиятларини олиб борадилар. Шу туфайли ҳам ҳозирда бу минтақада христианлик дини кўпайиб бормоқда. Бу албатта, ўзга дин вакилларига нисбатан ёмон кўз билан қараш, уларни камситишни аниқлатмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу минтақада бир вақтнинг ўзида бир неча дин вакиллари истиқомат қиладилар. Улар ўртасида ўзаро адоват, хусумат ёки қарама-қаршиликлар мавжуд эмас. Бир дин вакили ўзга дин вакилига душман сифатида эмас, балки аксинча, ўзининг биродари ёки ўз динининг вакили сифатида қарайди, бир-бирини камситмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, буддавийлик ва ислом динларининг бу минтақада тез ва қаршиликларсиз ёйилганига асосий сабаб, туб аҳоли икки диннинг ғоя ва эътиқодлари бир-бирига ўхшаш ва яқин деб тан олганидир. Айниқса, икки диндаги сўфийлик ғоялари ҳам бир-бирига жуда яқин деб ҳисобланади. Бу ҳудуддаги кўп миллатли ва кўп конфессияли вазиятда ҳам турли низолар келиб чиқмаётганидан ибрат ва намуналарни олишимиз мумкин, шунингдек, бағрикенгликнинг илмий тамойилларини



ишлаб чиқишда бу минтақани атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этишнинг ўрни катта деб ҳисоблаймиз.

Жануби-Шарқий Осиёдаги ҳар қандай давлатда ҳам мусулмон жамоаларининг мавқеини белгилашда ҳукуматнинг қилган ҳаракатлари қанчалик катта бўлмасин, ундаги жамоаларнинг бу ҳаракатларга билдирган муносабатлари янада каттароқ аҳамиятга эга эди. Бу эса уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, ички ўзаро муносабатларга, ижтимоий-диний бошқарувнинг табиатига ва бу жамоа ташқи дунё билан алоқаларни қай даражада яхшилашга эришганига боғлиқ бўлди.

Ҳозирда Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жуда кўп миллат ва ўндан ортиқ дин вакиллари истиқомат қилади. Аммо диққатга сазовор жиҳати шундаки, миллий ва диний асосдаги низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга эришишда бу минтақани ўрناк сифатида эътироф этиш мумкин.

Бугунги кунда дунё миқёсида диний экстремизм ва терроризм муаммосини ҳал қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб турган айни пайтда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш барча давлатлар учун зарурий ва устувор йўналиш ҳисобланади.

Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни юзага келтириш шунчаки иш бўлмай, у ўзининг илмий асосларига эга бўлиши керак. Мазкур асос ва тамойилларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун алоҳида илмий тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида амалий тақлифларни бериш талаб этилади. Шунингдек, динларни, айниқса, ислом динини ниқоб қилиб экстремистик ғояларни илгари сураётган гуруҳлар сони ҳам кўпайиб кетмоқда. Шу каби низо ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида биз нафақат юртимиздаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни, балки турли минтақалардаги диний ҳолат билан ёшларимизни таништириш, улар дунёқарашини шакллантиришда кўшни минтақаларни мисол қилиб кўрсатишимиз ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Александров Ю.Г. О социальной структуре яванской деревни. – Аграрные отношения в Юго-Восточной Азии. – М., 1968. – Б. 132.
 2. Алиева Б.А. Теория двойственной истины и метод предметного разграничения в современной теологии // Наука и теология. – М., 1972. – Б.114.
 3. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – МОСКВА: Наука, 1965. – Б. 44.
 4. Г.Э.фон Грюнебаум. Классический ислам. – Москва: 1988. – Б. 79.
 5. ИONOBA A.И. Ислам в Юго-Восточной Азии: проблемы современной идейной эволюции. – М., 1981.
 6. Мень А. История религии. – М., 1994. – Б. 140.
 7. Народы Юго-Восточной Азии. Москва, «Наука», 1966.
 8. Нгуен Ван Хуан, Никулин Н.И. Взаимосвязи культур вьетов и других народов Юго-Восточной Азии // «Народы Азии и Африки». 1978, №5.
 9. Тюрин В.А. История Малайзии. Москва, “Наука”, 1980.
 10. Холл Д. Дж. История Юго-Восточной Азии. М., 1958
- Шпажников С.А. Религия стран Юго-Восточной Азии. – М., 1980, - Б.75.



**ИСККУСТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ В ОБРАЗОВАНИИ: ОПЫТ ОАЭ****ШАМСИЕВА ИРОДА***Кандидат исторических наук, доцент, ТГУВ*

Аннотация. Искусственный интеллект — это настоящее, а не будущее. Данная технология постепенно революционизирует сферу образования. В статье рассматривается опыт Объединенных Арабских Эмиратов по применению технологий искусственного интеллекта в школьном и вузовском образовании. Также представлен SWOT-анализ сильных и слабых сторон использования искусственного интеллекта в образовании.

Опорные слова и выражения: Искусственный интеллект, ОАЭ, умное обучение, иммерсивное образование, Университет искусственного интеллекта Мохамеда бин Заида (MBZUAI).

Аннотация. Сунъий интеллект бу - келажак эмас, ҳозирги даврдир. Мазкур технология босқичма босқич таълим соҳасини ҳам инқилоб этмоқда. Мақолада Бирлашган Араб Амирликларининг мактаб ва университет таълимида сунъий интеллект технологиясини қўллаш тажрибаси ҳақида сўз юритилган. Таълимда сунъий интеллектдан фойдаланишининг кучли ва заиф томонларининг SWOT таҳлили ҳам берилган.

Таянч сўз ва иборалар: Сунъий интеллект, БАА, ақли таълим, иммерсив таълим, Муҳаммад бин Зайд Сунъий интеллект университети (MBZUAI).

Abstract. Artificial intelligence is the present, not the future. This technology is gradually revolutionizing the field of education. The article discusses the experience of the United Arab Emirates in the application of artificial intelligence technologies in school and university education. A SWOT analysis of the strengths and weaknesses of the use of artificial intelligence in education is also presented.

Keywords and expressions: Artificial Intelligence, UAE, smart learning, immersive education, Mohamed bin Zayed University of Artificial Intelligence (MBZUAI).

Введение. Искусственный интеллект — это мощная, полезная и преобразующая технология общего назначения. В последнее время дискуссия об ИИ сместилась — речь идет не о том, могут ли компьютеры думать самостоятельно, речь идет скорее о практическом применении мощных технологий для выполнения полезных функций и о преобразующем воздействии, которое они могут оказать на целые экономики и общества.

Дать определение искусственному интеллекту (ИИ) непросто. Эта область настолько обширна, что ее нельзя ограничить какой-то конкретной областью исследований: это больше похоже на междисциплинарную программу. Первоначально он стремился имитировать познавательные процессы человека.

Автором термина «искусственный интеллект» (1955), является Джон Маккарти (John McCarthy) — американский информатик, изобретатель языка Lisp (1958), основоположник функционального программирования, лауреат премии Тьюринга (1971) за огромный вклад в область исследований искусственного интеллекта¹. Единого понимания этого термина не существует. Стюарт Рассел и Питер Норвиг в книге «Искусственный интеллект: современный подход» углубляются в четыре потенциальных цели или определения ИИ, которые различают компьютерные системы на основе рациональности и мышления по сравнению с действием².

¹ <https://controleng.ru/teoriya/dzhon-makkarti/>

² Stuart J. Russell and Peter Norvig, Artificial Intelligence A Modern Approach, USA., 2020.

На наш взгляд, искусственный интеллект — это способ сделать компьютер или программу способную также разумно мыслить, как человек.

Методы. В работе были использованы метод анализа различных источников для получения максимально точной информации, обобщение, и SWOT анализ для выявления сильных и слабых сторон применения ИИ в образовании.

Результаты и обсуждение. Технологии трансформируют большинство аспектов современной жизни с головокружительной скоростью. Они затронули почти все — от банковского дела, розничной торговли, здравоохранения и спорта до сельского и лесного хозяйства. Только одна отрасль осталась глубоко пропитанной традициями: образование.

Правительства всего мира рассматривают искусственный интеллект как потенциал, определяющий нацию. Страны рассчитывают на то, что их системы образования смогут развивать возможности искусственного интеллекта мирового класса, обеспечивая при этом равенство, конфиденциальность, прозрачность, экономическое и социальное влияние.

Искусственный интеллект меняет ландшафт образования. Это изменение можно увидеть в персонализированном обучении, которое использует информацию из данных учащихся для создания индивидуальных уроков и занятий в зависимости от их потребностей и интересов. ИИ работает с каждым учеником индивидуально, следя за тем, чтобы они учились в оптимальном для них темпе, а также предоставляя им больше времени один на один с преподавателями. Искусственный интеллект может адаптироваться к уровню знаний учащегося, его скорости обучения и желаемым целям. Программа учитывает сильные и слабые стороны конкретного студента, помогая ему восполнять пробелы в знаниях и осваивать необходимые навыки.

У искусственного интеллекта есть много возможностей в сфере образования, одна из которых — иммерсивное обучение. Это позволяет учащимся лучше контролировать свои учебные процессы и дает им реальный жизненный опыт.

В последнее время ОАЭ стали синонимом прогресса и передового развития. Страна Эмиратов позиционируется как первая в арабском мире по внедрению ИИ во все сферы жизни. Кабинет министров ОАЭ принял «Национальную стратегию искусственного интеллекта до 2031 года», в которой планируется сделать ОАЭ мировым пионером в области искусственного интеллекта¹.

Следует особо отметить, что Стратегия ИИ согласуется со столетием ОАЭ в 2071 году, чтобы сделать Эмираты лучшей страной в мире к 2071 году. Эта стратегия является первой в мире и направлена на совершенствование и использование передовых инноваций в девяти сегментах, включая транспорт, здравоохранение, космос, устойчивую энергетику, водные ресурсы, инновации, образование, окружающую среду и транспорт.

В 2017 году было создано Министерство искусственного интеллекта страны, основной целью которого было направление ресурсов на передовые инновации и инструменты ИИ, которые будут применяться во всех сферах деятельности². Министерство дополнительно уполномочено работать с Министерством образования и Министерством высшего образования и научных исследований для включения ИИ в качестве основного аспекта национального образовательного плана, обучения и подготовки людей к работе в будущем. Создание специального министерства в ОАЭ на сегодняшний день рассматривается как самый смелый шаг страны в отношении важности этой технологии и новаторства в ее применении в будущем.

¹ <https://ai.gov.ae/strategy/>

² https://ai.gov.ae/about_us/

Ранее министр искусственного интеллекта объявил об инициативе «Думай об искусственном интеллекте»¹ которая была направлена на ускорение «внедрения искусственного интеллекта и его использования в различных ключевых сегментах» в ОАЭ.

ОАЭ неустанно движутся к экономике, основанной на знаниях и быстрыми темпами идут вперед, чтобы ответить на ключевые вопросы, касающиеся трансформации общества и улучшении жизни людей с помощью образования.

Целью этих усилий всегда было создание уникального опыта обучения для учащихся, учителей, родителей и обеспечение доступа к качественному образованию. Можно с уверенностью предположить, что следующим шагом вперед будет предоставление «инклюзивного» обучения, сохраняющего уникальность каждого учащегося. ИИ станет основным строительным блоком и краеугольным камнем в создании доступного, качественного и инклюзивного обучения.

Например, страна работает над оцифровкой образования, созданием инфраструктуры и ресурсов для этого с момента запуска программы «Умное обучение Мохаммеда бин Рашида» в 2012 году.

Образование уже давно является ключевым сектором ОАЭ и это наглядно видно в смелых преобразованиях, как, например, инициирование долгосрочного плана по постепенному отказу от печатных учебников. Существует еще более прогрессивный план по инвестированию в образовательный медиацентр мирового класса, который будет разрабатывать высококачественный цифровой контент. Образование с использованием искусственного интеллекта очередной глобальный проект ОАЭ.

Кроме того, персонализация обучения и введение акселераторов для продвижения учащихся с уникальными способностями через программы двойного кредита свяжут начальные и средние школы с высшими учебными заведениями как на местном, так и на международном уровне.

ОАЭ планирует использовать искусственный интеллект для удовлетворения образовательных потребностей региона, что становится все более приоритетным направлением государственной политики. Недавнее исследование ОАЭ и региона выявило нехватку учителей в течение следующих четырех лет. Чтобы восполнить этот недостаток, ассистенты преподавателя ИИ, в том числе обучающие роботы, присоединятся к нескольким школам в Дубае. С одной стороны, этот метод может помочь студентам обучаться на персонализированных курсах и не дать успевающим студентам ждать, пока другие студенты наверстают упущенное. С другой стороны, роботы-ассистенты могут синхронизироваться с записями школы, создавая персональные данные для каждого учащегося, чтобы облегчить обучение в соответствии с его способностями.

Сочетая инструменты прогнозного анализа и платформы искусственного интеллекта, роботы могут «выявить» академические сильные и слабые стороны учащегося и предскажут необходимость адаптации работы для конкретного ученика. На данном этапе учителя-роботы - это всего лишь инструмент, и у них нет планов заменить учителей-людей. С помощью ассистентов по искусственному интеллекту у учителей-людей может быть больше учеников в классе, в то же время гарантируя, что все получают достаточного внимания.

¹ <https://www.khaleejtimes.com/uae/uae-launches-initiative-to-develop-responsible-ai-policies-in-private-sector>

Это может включать использование платформ с поддержкой машинного обучения, которые мотивируют учеников на обучение за счет персонализации контента и предоставления множества учебных ресурсов. Они также могут повысить эффективность и сократить расходы поставщиков образовательных услуг.

Благодаря возможностям искусственного интеллекта и машинного обучения ускорение также может стать нормой для каждого ученика, а не специальной программой для аутсайдеров. Потому как у каждого ученика есть способности и потенциал которые нужно раскрывать и инвестировать в них.

Еще один важный шаг, который Эмираты делают в образовании с использованием ИИ, — это гарантия беспрепятственного доступа к открытым данным. Это стало возможным благодаря созданию «Образовательного центра данных», который будет действовать как центр защиты данных, имеющих отношение к образованию, а также как центральный мозг для их анализа на разных уровнях.

В то же время ОАЭ учитывая и негативное влияние цифровой трансформации и ИИ на благополучие учащихся, учителей и родителей запустили инициативу, направленную на создание интеллектуальных структур безопасности в школах, что делает их первой страной в мире, которая реализует концепцию «Электронной безопасной школы»¹.

Общеизвестно, чтобы преуспеть в обществе знаний будущего, основанном на ИИ, потребуются три вида компетенций: компетенции разработки ИИ и управления им, компетенции работы с ним и компетенции жизни с ним. ИИ меняет качество и количество доступных рабочих мест, поэтому характер спроса на компетенции резко меняется. *Во-первых*, для разработки и управления ИИ нужны специалисты с большим опытом в сфере компьютерных наук. *Во-вторых*, работа с ИИ требует от людей способности решать проблемы, адаптироваться, проявлять креативный подход и внедрять инновации. *И в-третьих*, жить с ИИ означает иметь хорошее представление о возможностях и ограничениях ИИ, даже если вы не являетесь хорошим программистом или не имеете никакого образования в области цифровых технологий.

